

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 0

ИСЛОМОВА ЛАТОФАТ ФАЗЛИДДИНОВНА
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚЎШМА СЎЗЛАР

Мутахассислик: **5141400– Хорижий тиллар ва адабиёти (инглиз тили)**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Ҳимояга тавсия этаман

Магистратура бўлими бошлиғи

_____ Н.А.Муслимов “**Инглиз тили назарияси ва методикаси**
” «_____» июнь 2009 й кафедрасимудири _____

проф. Жалолов Ж.Ж

Илмий раҳбар _____
проф. Ғ. Сатимов.

Тошкент – 2009

МУНДАРИЖА

К и р и ш.....	1
I боб. Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида қўшма сўзлар.....	8
1.1. Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма сўз ясашиш мезонлари.....	8
II боб. Инглиз ва ўзбек тили қўшма сўзларининг компонентларига кўра таҳлили.....	30
2.1. Қўшма отлар	34
2.2. Қўшма сифатлар	60
2.3. Қўшма сонлар	68
2.4. Қўшма олмошлар	72
2.5. Қўшма равишлар.....	74
III боб. Ўзакларнинг сўз яшаш ва валент хусусиятлари.....	80
3.1 Асосларнинг сўз яшаш ва бириктирувчанлик (валентлик) хусусиятлари.....	80
Умумий хулосалар.....	90
Фойдаланилган адабиётлар.....	96

КИРИШ

Мустақиллик шарофати билан республикаимиз ҳаётида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар билан бир қаторда, хорижий давлатлар билан алоқалар ривожланди ва бу айни пайтда чет тилларни ўрганишга бўлган талабни оширди. Мамлакатимизда минглаб тилшунос олимларнинг етишиб чиқишида ва ўзбек халқининг бой фольклор намуналарини бутун дунёга намойиш этишда тилнинг ўрни беқиёсдир.¹ Жаҳон миқёсида долзарб сиёсий ва иқтисодий жараёнлар юз бераётган бир пайтда Ўзбекистоннинг жаҳон халқаро ҳамжамияти билан ҳамкорликда Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирозининг олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқишда тилнинг нечоғлик муҳим аҳамият касб этиши барчамизга сир эмас.

Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим - Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортнинг ошиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.² Тилшуносликда сўз ясаиш ҳодисаси тил тараққиётининг диахрон ва синхрон даврлари учун доимо долзарб мавзу ҳисобланади. Сўз ясаиши - тилда мавжуд бўлган материал ва имкониятлар асосида янги лексик бирликларни ҳосил қилинишидан иборат. Бу жараён тил луғат таркибини мунтазам равишда бойиб боришига хизмат қилади.

Сўз ясаиш масалалари тилшуносликда фонетика, грамматика, лексикология соҳалари билан бирга доимо махсус ўрганиб

¹И.А.Каримов, Баркамол авлод орзуси, Т., 1999, 18 бет

²И.А.Каримов, Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари, Т., 2009, - 56 бет

келинади. Тилшунослик тарихига назар ташласак, сўз ясалиши, у билан боғлиқ бўлган ҳодисалар, шунингдек, сўз ясалиш баҳсининг предмети аниқ бўлсада, лекин бу соҳанинг тилшуносликнинг бошқа бўлимларига муносабати, унинг тилшуносликдаги ўрни масаласида бир фикрга келинмаган эди. Кўпчилик илмий асарларда сўз ясалиши грамматиканинг бир қисми сифатида талқин этилган бўлса, айрим адабиётларда у лексикология таркибида берилган, ва ҳатто сўз ясалишининг мутлақо лексикологияга мансуб эмаслиги таъкидланади.

Сўнгги йилларда эса тил ҳодисаларининг моҳияти чуқурроқ ёритилиши муносабати билан сўз ясалиши тилшуносликнинг бошқа соҳалари каби ўзига хос алоҳида текшириш объектига эга бўлган мустақил соҳа эканлиги исботланди. Сўз ясалиш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир ва у тилшунослар томонидан тан олинган, аммо турлича талқин қилинади. Жумладан, инглиз тили сўз ясалиш системасининг ўзига хос лингвистик хусусиятлари мавжуд. Инглиз тилида сўз ясалиш ҳодисасини тил тараққиётининг синхрон ва диахрон даврлари нуқтаи назаридан ўрганиш ҳар доим ҳам долзарб мавзуга айланган. Ушбу тадқиқот ишида инглиз ва ўзбек тилида қўшма сўз ясалиш системасини синхрон аспектда ўрганишга ва сўз ясалишнинг назарий масалаларини ёритишга бағишланган.

Мазкур тадқиқот мавзуи турли структурадаги инглиз ва ўзбек тилларида қўшма сўзларни ўрганишни мақсад қилади.

- **Тадқиқот ишининг асосий мақсади** - ҳар икки тилдаги сўз ясалиш системасининг ўзига хос хусусиятларини қиёсий-типологик усулда ёритиб бериш.
- **Тадқиқот ишининг объект** - инглиз ва ўзбек тилларида сўз ясалиш системасини тилшуносликнинг мустақил бўлими сифатида ўрганиш ва қўшма сўз ясалишига доир назарий масалалар талқинини ўз ичига олди.
- **Тадқиқот ишининг предмети** - ҳар икки тилдаги қўшма сўз ясалишининг сермахсул усуллари белгилаб беришдир.

- **Тадқиқот ишида қуйидаги илмий тадқиқот методларидан фойдаланилди:**

- ★ Қиёсий таҳлил методи
- ★ Компонентлар таҳлили
- ★ Анализ ва синтез методи
- ★ Лексик - семантик методи

Ушбу илмий иш *Кириш, уч бобдан иборат бўлган асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.* Асосий қисмнинг ҳар бир боби мазмунталабига кўра бирнеча фаслларга бўлинган.

Сўз /ўзак/ ларни бириктириш йўли билан сўз яшаш янги сўз яратишдаги асосий усуллардан бири бўлиб, бу ҳодисани текшириш назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Ўзбек тилида сўз яшалиши, умуман янги сўз яратиш масалаларини ўрганиш ва у билан боғлиқ ҳолда тилнинг ички тараққиёт қонунларни очиш, янги сўз яратилишида асосий луғат манбаи эканлигини аниқлаш жуда муҳим ва оммавий масалаларидан биридир. Бу масалалар ўзбек тилшунослигида алоҳида ўринни ишғол қилади. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги сўз яшаш қонуниятлари ўзбек тилининг грамматик қурилиши ва унинг лексик системаси билан ўзаро мустаҳкам боғлиқдир.³

Сўз яшаш бирор усул билан янги сўз ҳосил қилиш демакдир. Ўзбек ва инглиз тилида янги сўз асосан морфологик /аффиксация / ва синтактик /композиция/ йўли билан ҳосил этилади. Бундан ташқари, бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумга кўчиши, шунингдек, семантик ва бошқа йўллар билан сўз яшаш усуллари ҳам бор. Аммо морфологик ва синтактик йўл билан сўз яратиш ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилида сўз яшашнинг энг маҳсулдор ва асосий йўлидир.

Сўз яшаш билан сўз кўчиши *семантик – морфология жиҳатдан* бир-биридан фарқ қилади: сўз яшашда сўзнинг биринчи қисми асосий маънони билдириб, иккинчи қисми /яъни суффикс / мустақил маънога эга бўлмайди, алоҳида

³Қаранг : Э.В. Севортян, Соотношение грамматики и лексики в языках, Москва, 1952, 319 бет.

қўлланилмайди, фақат унга янги лексик маъно беради. Масалан: *иш-чи, уч-ув-чи, бошлиқ; teach-er, im-polite* каби .

Аммо сўз қўшишда эса асосий маъно англатувчи қисми асосан иккинчи бўлиб, унинг олдидан қўшилувчи қисм сўнггисига бўйсунди ва уни аниқлайди: *қилтомоқ, оққуш, қирқоёқ ваҳ.к.з. Қўшмасўзлар* одатда синтактик /композиция/йўли билан ҳосил қилинади. Бундай йўл билан қўшма сўз ҳосил этишда асосий луғат бойлигининг роли катта . Чунки асосий луғат бойлиги сўз яшашнинг манбасидир. Қўшма сўзлар ҳам асосий луғат бойлиги манбасида ясалади ва тилнинг луғат таркибини янги лексик маъно ифодаловчи сўзлар билан бойитади. Масалан, ўзбек тилининг асосий луғат бойлигидаги *ойва болтасўзларидан ойболта, тош* ва *бақа* сўзларидан *тошбақа, аччиқ* ва *тош* сўзларидан *аччиқтош, олти* ва *ариқ* сўзларидан *Олтиариқ* , жигар ва ранг сўзларидан жигар ранг, оқ ва кўнгил сўзларидан оқ кўнгил каби қўшма сўзлар ясалган. Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма сўз ҳодисаси сўз яшалишининг энг маҳсулдор усулларида бири саналади.

Демак, тилнинг луғат таркибидаги ўзгаришлар асосан уч йўл билан воқе бўлади:

- 1) мавжуд луғат таркиби янги сўз ва ифодалар билан тўлдирилади;
- 2) эскириб қолган сўзлар луғатдан чиқиб кетади;
- 3) бир қанча сўз ва ифодаларнинг маъноси ўзгаради, булар янги маънога эга бўлади.

Мустақиллик даврида ўзбек тилининг луғат таркиби, *бир томондан*, ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида, *иккинчидан*, тилидан бевосита сўзлар олиш йўли билан кенгайди. Ўзбек тилига инглиз тили ва у орқали бошқа тиллардан янги-янгитишунчаларни ифодаловчи жуда кўп янги сўзлар , шу жумладан қўшма сўзлар кириб , тилимизни бойитди ва бойитмоқда. Бундай қўшма сўзларнинг бир қисми айнан, ўзгаришсиз қабул этилган: *кинофильм, киноаппарат, кинооператор, радиотехник, радиотехника, менежер, банк, филиал, фотоэлемент, фотоаппарат, электростанция, электротехника* каби;

бир қисм эса ўзбекча сўзларнинг ўзаро қўшилишидан ҳосил этилган. Масалан; *радио эшитиш , радио эшиттириш , бир валентли , икки тактли, қўш катетли, ярим финал , кўп ядроли, икки плёнкали, фотомухбирва ҳ.к.з.*

Ўзбек тили луғат таркибининг бойишда калкалаш йўли билан ҳосил этилган қўшма сўзлар ҳам катта рол ўйнайди. Бу усул билан сўз тўлдириш яна ҳам кучайиб бормоқда. Қайси бир соҳамизда бўлмасин, бундай янги қўшма сўзларни кўплаб учратиш мумкин: *муз ёрар /ледокол/, дунёқараш/ мироззрение/, усткурма/надстройка/, ишлаб чиқариш/производство/, умумхалқ /обшечародний/, тинчликсевар/миролюбивий/, қўлёзма/рукопис/, firefighter/ўтўчи рувчи/, банк, офис, ва ҳ.к.з.* Булар тилимизда, айниқса чет эласарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва ундаги айрим сўз ва ибораларнинг маъно ва шаклларига шикаст етказмай ўзбек тилида ҳам аниқ ифодалаш заруриятидан туғилган. Ўзбек тилининг луғат таркибида рустили ва у орқали кирган сўзларнинг салмоғи тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ўзбек тили луғат таркибида *авия-, авто- , агро- , анти- , гео-, гидро-, зоо-, кино-, микро-, фото-, каби элементлар* билан ясалган қўшма сўзлар кўпаймоқда. Масалан: *авия-: авиатранспорт, авиапочта, авиабаза; авто-: авторучка, автотранспорт, автоколонна , автоинспекция; агро-; агроучастка, агротехника, агроминимум, агропункт, агромелиорация; анти-; антифашист, антиимпериалистик; аеро-; био-; биофизика, биомеханика; гео-; геохимия, геофизика, геоботаника.*

Сўз ясалиш масалаларига олимлар турли-хил фикр билдиришади.

Филология фанлари номзоди А.Ғуломовнинг “Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида” номли ишларидан ташқари бошқа тилларнинг материаллари асосида бир қанча ишлар босилган. Бу ишларда қўшма сўзлар юзасидан бир мунча асосли фикрлар баён қилинган. Айниқса, А.Ғуломовнинг юқорида қайд қилиб ўтилган ишида қўшма сўзлар ҳақида анча кенг маълумот берилган. ⁴

“Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари” проектининг сўнгги нашрида сергайрат, дорвоз, хунарманд, ҳамсўхбат каби ясама сўзлар ; қоп-қоп, дон- дун, опа-сира, майда-чуйда, юзма-юз, қозон-товоқ каби жуфт сўзлар сўзнинг бош

⁴ А. Ғуломов, Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳақида, Тил ва Адабиёт институти асарлари, Т., 1989, 51 бет

қисмини такрорлаш йўли билан ясалган қип-қизил, сап-сарик, қоп-қора каби орттирма сифатлар; механик-ҳайдовчи, киловатт-соат; Абдулла қассоб, Абдулла найчи, Азим қуллол, Ислом шоир каби изоҳловчи ва изоҳланмишли бирикмалар ; чоли азим, дарди бедаво, нуқтаи назар каби изофали бирикмалар; ўн бир, ўн иккинчи, йигирма бир каби таркибли сонлар ; тўртдан бир, учдан икки каби касрли сонлар; лиқ тўла, жиққа ҳўл, ланг очиқ,; Ўзбек армияси, қишлоқ хўжалик, деворий газета каби сўз бирикмалари қўшма сўзлар қаторига киритилган.Юқорида санаб ўтилган сўзларни қўшма сўзлар доирасига киритиб бўлмайди, чунки уларда қўшма сўзлар учун хос белгилар йўқ, масалага бу хилда қараш қўшма сўз билан сўз бирикмасини аниқ хиралаштириб қўяди.

Шунингек, “Ўзбек тилида таркибли сифатлар ҳақида ” деган мақолада илмий-техник, диалектик-материалистик каби сўзларни қўшма сифатга;байрам олди, тил олди каби сўзларни эса бирикмали сифатга киритилади. Бизнингча,биринчиси -жуфт сифат, иккинчиси қўшма сифатдир.

“Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари” проектининг қайта тузатилган учинчи нашри муносабати билан ”Ўқитувчилар газетаси ” саҳифаларида қўшма сўзлар орфографиясига оид бир қанча мақолалар босилади. Бу мақолаларнинг кўпида қўшма сўзлар ҳақида анчагина фикрлар баён қилинди.

Ўртоқ Н. Маматов ўзининг “Орфография қоидалари аниқлансин” мақоласида фақат қўшиб ёзиладиган сўзларни қўшма сўз санайди ва ажратиб ёзиладиган сўзларни қўшма сўзлар сафидан чиқаради.

”Қўшма сўз ” термини , - деб ёзади ўртоқ Маматов, - унинг маъносидан кўриниб тургандек, фақат қўшилиб ёзилиши лозим бўлган сўзларга нисбатан ном бўлиб қолмоғи лозим”.Холбуки,ўртоқ Маматовнинг ўзи юқоридаги фикрига зид ҳолда “юрт армияси” каби сўз бирикмаларини қўшма сўз деб ҳисоблайди.⁵Кўриниб турибдики, ўртоқ Маматов белгилаган бундай қоида қўшма сўзларнинг чегарасини белгилаш учун ҳеч қандай асос бўла олмайди. Ўртоқ Ш. Раҳматуллаев ва А. Ҳожиёвнинг “Яна қўшма сўзлар ва уларнинг имлоси ҳақида” деган мақоласида қўшма сўзлар тўғрисида анча дуруст фикрлар

⁵Н.Маматов,Орфография қоидалари аниқлансин, Маърифат журнали,27 май, 2000 йил.

баён этилган.⁶Бироқ мақола муаллифлари тенг томонли , тўрт элементли, уч қаватли каби қўшма сўзларни сўз бирикмаларига киритадилар. Буларнинг фикрича ,бу бирикмаларда аниқловчилик муносабати бор,яъни бу бирикмалар яхлит бир тушунчани ифодалшдан қатъий назар , уларнинг биринчи элементлари иккинчисини аниқлаб келади. Агар биз қўшма сўзларнинг пайдо бўлиш тарихига назар ташласак, уларнинг аслида грамматик муносабатга эга бўлган сўз бирикмалари эканлигини кўрамиз/Бу ҳақида диссертасиянинг биринчи бобида алоҳида тўхталамиз/. Шундай экан, қўшма сўз элементларининг ўзаро бирикиш хусусияти ҳам бир хил эмас.Масалан: Итузум типигаги қўшма сўзлар маъно ва грамматик жухатдан жуда бирикиб кетган. Бу хил қўшма сўзда элементларнинг ўзаро бирикиши темир йўл типигаги қўшма сўзларга нисбатан кучлидир. Темир йўл типигаги қўшма сўзларнинг элементлари маълум даражада бир –биридан ажралиб туради. Талаффузда ҳам элементларнинг айримлиги сезилиб туради. Ит узум типигаги қўшма сўзларда эса бу айримлик сезилмайди. Демак, элементлари ҳали батамом бирикмаган, аммо яхлит бир тушунчани ифодаловчи бирикмалар ҳам қўшма сўз саналади .

Луғаттаркиби тилнинг аҳволи қандай эканлигини акс этиради: луғат таркибиқанча бой ва хилма- хил бўлса, тил ҳам шунчалик бой ва тарққий қилган бўлади. Шундай қилиб, ўзбек тилига бошқа тиллардан кирган ва кираётган сўзлар, илмий терминлар тиллар луғат таркибини кундан-кунга бойитмоқда ва унинг ўсишида баракали таъсир кўрсатмоқда. Ушбу илмий ишимизда икки тилнинг сўз ясалиш имкониятларини ўрганиш васўз ясалишининг сермаҳсул усулларини ажратишни олдимизга мақсад қилдик.

⁶Ш. Раҳматуллаев ва А. Ҳожиев, Яна қўшма сўзлар ва уларнинг имлоси ҳақида, Маърифат журн., 27 май, 2000й

I боб .ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛИДА ҚЎШМА СЎЗЛАР

1.1. Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма сўз ясалиш мезонлари.

Айрим сўзларни бириктириш йўли билан янги сўз яратиш тилдаги энг қадимий усуллардан бири бўлиб, у тилининг тараққий этиши натижасида яна ҳам кенгайди, сўз ясашнинг энг маҳсулдор усуллари билан бирига айланади. Ўзбек тилида айрим сўзларни бириктириш йўли билан янги сўз яратишнинг ўз тузилиш характери жиҳатдан икки хилини кўрамиз: лексик усул ва синтактик усул. Лексик усулда бир маъноли сўз такрорланади, икки маънодош ёхуд икки қарама-қарши маъноли сўз бирикиб келади. Мана шунинг натижасида янги бир умумлашган маънони билдирувчи жуфт сўзлар ҳосил бўлади: бешта-бешта, бости- бости , ота-она, куч- қуват, катта-кичик, ва ҳ.к. Синтактик усулда эса икки /баъзан ундан ортик/ сўз / ўзак/ бир-бири билан қўшилади. Натижада янги лексик маънони ифодаловчи қўшма сўзлар туғилади: ҳаром томоқ, Қўштут, Янгиобод /жой номлари/ ,ғўзапўчоқ ва ҳ.к.з.

Бу жиҳатдан қўшма сўзлар жуфт сўзлардан фарқ қилади.⁷Уларнинг бир-биридан ажратувчи асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Қўшма сўзлар тобеланиш йўли билан /эргаш сўз + бош сўз/ ; жуфт сўзлар эса тенгланиш йўли билан ясалади.
2. Қўшма сўзлар бир бош урғули бўлади,жуфт сўзларнинг ҳар бир элемент урғули бўлади.
3. Қўшма сўзларнинг материали турли мустақил сўз туркумларидан иборат бўлиши мумкин: сифат + от, сон + от,от+феъл каби. Жуфт сўзларнинг элементлари эса бир хил сўз туркумидан иборат бўлади.\от + от, феъл+феъл,сифат+сифат \
4. Қўшма сўзларда тартиб ўзгариши билан фикр ва грамматик ҳолат ҳам ўзгаради. Масалан ,кўзойнак ва ойнак кўз / шишадан қилинган кўз/ ; жуфт сўзларда эса бу ҳолат кузатилмайди.

⁷ А. Фуломов, Ўша асар.

Қўшма сўз ҳодисаси Е.А.Василевская таърифи билан айтганда, тил луғат таркибини ва грамматик тузилишини шакллантиришнинг энг ўткир воситасидир.⁸ Инглиз тилида қўшма сўз ясалишини ҳар тамонлама таҳлил қилганда, бир қатор муаммоларга дуч келиш мумкин:

- 1) Қўшма сўзларнинг аниқ таърифи;
- 2) Қўшма сўзларнинг генезиси (келиб чиқиши);
- 3) Қўшма сўз ва сўз бирикмаларнинг фарқи;
- 4) Қўшма сўз компонентларининг ўзаро алоқадорлиги;
- 5) Қўшма сўзлар ифодалайдиган янги маънолар таҳлили;
- 6) Қўшма сўзларнинг тил морфологик ва синтактик тузилишидаги ўрни масалалари.

Бу муаммолар бир- бири билан чамбарчаслиги билан бир қаторда улар умумий ва хусусий тилшуносликка оид муаммоларга ҳам алоқадордир. Бу муаммоларнинг ҳал қилиниши икки саволга ойдинлик киритиши мумкин. Биринчидан, қўшма сўз деб нимага айтилади ва иккинчидан, қўшма сўзларнинг бошқа лексик бирликлардан ажралиб турадиган жиҳатлари қайсилар. Демак, биз олдимизга мана шу масалаларни ҳал қилишни мақсад қилдик. Шунингдек, сўзлар ясама (мотивлашган) ва туб (мотивлашмаган) сўзларга бўлинади. Сўз ясалиши масаласининг муҳим ва долзарблиги, тил структурасидаги ўрни масаласи, ва унинг умуман дериватологиядаги ўрни тилшунослар томонидан тан олинган ва ҳамон ўрганиб келинаётган соҳалардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик даврида ўзбек ҳалқининг моддий –маънавий, маданий-маиший жиҳатдан юксалиши, фан ва маданиятнинг тараққий этиши – буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз ўзбек тили луғат таркибига ҳам таъсир қилди, уни бойитди, жуда кўпянги сўзлар, терминлар ва иборалар вужудга келди. Масалан: *прокат, чангютгич, эливатор, экскаватор, электрадазмол, музгенератор, радиосадо, радиотўлқин, радиёприёмник, киножурнал, фотогазета, беш йиллик; меҳнат қаҳрамони ва ҳ.к.з.* Бундай янги сўз ва иборалар янги предмет ва тушунчаларнинг майдонга келиши билан вужудга келди. Ўзбек тили

⁸Е.А.Василевская, Словосложение в русском языке, М.,1962, стр.37.

тараққиёти ва ўзбек тили сўз таркибининг бойитиб бориши, шубҳасиз, жуда кўп янги-янги сўз турлари ва сўз бирикмаларини келтириб чиқаради. Шу билан бирга, айрим қўшма сўзлар тилни ривожланиши муносабати билан истеъмолдан чиқиббораётир: *Савачўп, сочпопук, оқсон, юзбоши, мингбоши, ўртаҳол, ўртадеҳқон ва ҳ.к.з.* Лекин тилнинг луғат таркибидан одатда эскириб қолган бир қанча сўзлар тушиб қолишига қарамай, унга жуда кўп янги сўзлар ҳам келиб қўшилади. Шунингдек, бир қанча сўз ва иборалар янгича маънога ҳам эга бўлди: *олқиш, ютуқ, меҳнат ва ҳ.к.з.*

Сўз /ўзак/ларни бириктириш йўли билан қўшма сўз ҳосил қилишкўпгина тилларда мавжуддир. Аммо янги сўз яратишнинг бу усули, бунда ҳар қайси тилнинг ўзига ҳос хусусияти ва унинг қонуниятлари кўп тилларда, шунингдек туркий тиллар системасидаги тилларда ҳам, ҳали етарли даражада текширилган эмас. Туркий тиллар системасидаги кўпгина грамматик адабиётларда сўз/ўзак/ларни қўшиш орқали қўшма сўз ҳосил этилиши ва уларнинг тузилиши типлари кўрсатилса ҳам, аммо қўшма сўзларнинг бошқа хусусиятлари тўлиқ равишда очиб берилмаган.

Сўз ясалиш масалалари тилшуносликда фонетика, грамматика, лексикология соҳалари билан бирга доимо махсус ўрганиб келинади. Тилшунослик тарихига назар ташласак, сўз ясалиши, у билан боғлиқ бўлган ҳодисалар, шунингдек, сўз ясалиш баҳсининг предмети аниқ бўлсада, лекин бу соҳанинг тилшуносликнинг бошқа бўлимларига муносабати, унинг тилшуносликдаги ўрни масаласида бир фикрга келинмаган эди. Кўпчилик илмий асарларда сўз ясалиши грамматиканинг бир қисми сифатида талқин этилган бўлса, айрим адабиётларда у лексикология таркибида берилган, ва ҳатто сўз ясалишининг мутлақо лексикологияга мансуб эмаслиги таъкидланади.⁹ Тилшуносликка оид бир қанча адабиётларда қўшма сўз берилган таърифларни учратиш мумкин.

Айрим китобларда қўшма сўзга мана бундай таъриф берилади: “Икки ёки бир неча ўзакдан ясалган сўзлар қўшма сўз деб аталади.” Аввало шуни айтиш керакки, ҳамма қўшма сўзлар ҳам икки ёки ундан ортиқ ўзаклардан ҳосил

⁹Ch. Freese. The Structure of English. London. 1961

бўлавермайди. Баъзи қўшма сўзлар борки, уларнинг айрим элементи ёхуд ҳар икки элементи ясама сўз /негиз/дан тузилган: *бешиктерватар, қўшўтқазгич; қайтасинов, элчихона; ишлаб чиқариш, тинчликсевар ва ҳ.к.* Иккинчидан, бу таъриф ‘қўшма сўз’ тушунчасини тўла ифодамай олмайди.

А. Н. Кононов *феъл + феълдан* тузилган қўшма сўзларга *олди-берди, олди-қочди, борди-келди, бости-бости, ур-йиқит, ур-сур,* каби жуфт сўзларни ҳам киритади.¹⁰

Филология фанлари номзоди А.Ғуломовнинг “Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида” номли ишларидан ташқари бошқа тилларнинг материаллари асосида бир қанча ишлар босилган. Бу ишларда қўшма сўзлар юзасидан бирмунча асосли фикрлар баён қилинган. Айниқса, А.Ғуломовнинг юқорида қайд қилиб ўтилган ишида қўшма сўзлар ҳақида анча кенг маълумот берилган.

“Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари” проектининг сўнгги нашрида *серғайрат, дорвоз, ҳунарманд, ҳамсуҳбат* каби ясама сўзлар; *қоп-қоп, дон- дун, опа-сира, майда-чуйда, юзма-юз, қозон-товоқ* каби жуфт сўзлар сўзнинг бош қисмини такрорлаш йўли билан ясалган *қип-қизил, сап-сарик, қоп-қора* каби *орттирма сифатлар; механик-ҳайдовчи, киловатт-соат; Абдулла қассоб, Абдулла найчи, Азим кулол, Ислом шоир* каби изоҳловчи ва изоҳланмишли бирикмалар; *чоли азим, дарди бедаво, нуқтаи назар* каби изофаби бирикмалар; *ўн бир, ўн иккинчи, йигирма бир* каби таркибли сонлар; *тўртдан бир, учдан икки* каби касрли сонлар; *лиқ тўла, жиққа ҳўл, ланг очик;* *Ўзбек армияси, қишлоқ хужалик, деворий газета* каби сўз бирикмалари қўшма сўзлар қаторига киритилган. Юқорида санаб ўтилган сўзларни қўшма сўзлар доирасига киритиб бўлмайди, чунки уларда қўшма сўзлар учун хос белгилар йўқ, масалага бу хилда қараш қўшма сўз билан сўз бирикмасини аниқ хиралаштириб қўяди.

Шунингдек, ўртоқ Мадраҳимов ўзининг “Ўзбек тилида таркибли сифатлар ҳақида ” деган мақоласида *илмий-техник, диалектик-материалистик* каби сўзларни қўшма сифатга; *байрам олди, тил олди* каби сўзларни эса бирикмали

¹⁰А.Н.Кононов, Грамматика узбекского языка, Т., 1989, 104 бет

сифатга киритади. Бизнингча, биринчиси- жуфт сифат, иккинчиси қўшма сифатдир.

Бу ўринда академик Л.В. Щербанинг қуйидаги сўзларини ҳам эслатиб ўтишга тўғри келади. “.....Любая синтаксическая группа может оказаться сложным словом, которое должно отличаться от группы лишь тем, что оно значит больше, чем сумма значений образующих его слов. Таким образом, словосочетания вроде железная дорога , общая тетрадь, зубная паста, красное вино / где со словом красный связывается целый ряд качества и т.д./ следует считать сложными словами..... Что даже такое словосочетание, как чай пить, начинает ощущаться сложным словом, явствует из такого очень распространенного новообразования, как мы уже почайпили и т.д.”¹¹

А.И.Смирницкий сўзларни оддий, ясама ва қўшма сўзларга ажратади. Қўшма сўз таркибини икки ва ундан ортиқ морфемалар ташкил қилади, дейди ва қўшма сўзларнинг бир кўриниши сифатида black-eyed типдаги сўзларни мисол келтиради.

И.В.Арнольд эса қўшма сўзларга қуйидагича таъриф беради: “ Қўшма сўз деб таркибида икки ёки айрим ҳолларда уч асос бирикиб, гапда мустақил лексик бирлик сифатида иштирок эта оладиган сўзларга айтилади.” [Compound words are consisting of at least two stems which occur in the language as free forms. In compound words the immediate constituents obtain integrity and structure cohesision that makes them function in a sentence as separate lexical units.¹²]

Г.Марчанд “ The term compound” бобида қуйидагича изоҳ беради:

“ The coining of new words proceeds by way of combining linguistic elements on the basis of a determinant / determinatum relationship called syntagma when two or more words are combined into morphological unit on the basis just stated we speak of a compound.”[Қўшма сўз асосига аниқловчи ва аниқланмиш муносабати ётади

¹¹ Л.В.Щерба, Очередные проблемы языковедения, М., 1945, 182 бет.

¹² И.В.Арнольд, Лексикология современного английского языка, М., 1959, стр.150.

ва бу синтагма (интонация ва маъно жиҳатдан яхлит бўлиб, бир ёки бир нечта сўздан иборат синтактик бирлик) ни ҳосил қилади.]¹³

Сўнги йилларда эса тил ҳодисаларининг моҳияти чуқурроқ ёритилиши муносабати билан сўз ясалиши тилшуносликнинг бошқа соҳалари каби ўзига хос алоҳида текшириш объектига эга бўлган мустақил соҳа эканлиги исботланди.

Шунинг учун қўшма сўзларга қўйдагича таъриф бериш мувофиқ бўлади: икки ёки ундан ортиқ сўз /ўзак/ ларнинг ўзаро бирикувидан тузилиб, яхлит бир тушунча – маънони ифодаловчи сўзлар қўшма сўз саналади.

Инглиз тилида қўшма сўз ясалиши шартли 4 гуруҳга ажратилган ҳолда амалга оширилади:¹⁴

1. Эндоцентрик (ички) усулда ясалган қўшма сўзлар таркибида бош сўз устунлиги мавжуд бўлади, яъни қўшма сўз маъносини англатувчи асосий сўз ва унинг маъносини тўлдириб келувчи иккинчи компонент сўз. Масалан, doghouse\итнинг каталаги\сўзида house(уй)сўзибош сўз, dog (ит)сўзиэса ёрдамчи компонент вазифасини бажаради. Бу усулда ясалган сўзларда бош сўзнинг маъно англатувчи имкониятлари иккинчи компонент томонидан чегараланади./A+ B= B/
2. Экзоцентрик (яширин) усулда қўшма сўз таркибида бош сўз мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Ясама сўз таркибидаги икки компонент унинг янги маъносини англашда чалкашликни юзага келтиради.Масалан, white-collar (оқ ёқа) сўзини таҳлил қилганда, “ранг” ва “ёқа” сўзлари “ишчи, ходим” маъноларини англатади ва ўзбек тилига таржима қилинганда ясама сўзлигини кузатамиз./A+B=C/
3. Копулятив (боғловчили) йўл билан ясалган сўзлар ўзида икки компонент маъносини ўзида яққол кўрсатиб туради.Масалан, bittersweet (аччиқ бахт),sleepwalk(ойпарастлик).

¹³H. Marchand , The categories and types of present-day English word-formation, Wiesbaden, 1960, p.11

¹⁴H. Sweet. A new English Grammar, Logical and Historical. Oxford. 1974. §65

4. Икки қарама-қарши маъноли компонент иштирокида ясалган қўшма сўзлар. Масалан, actor-director, maid- servant.

Баъзи жуфт сўзлар ўзларининг маъно ва грамматик ҳолатларини ўзгартириб, қўшма сўзга айланишлари мумкин: қиймат баҳо, орқа-пушт, белкурак, тункеча, белўроқ, олачипор каби қўшма сўзлар аслида синонимик типдаги жуфт сўзлардан туғилган. Буларнинг элементлари орасидаги синтактик тенглик йўқолиб, биринчи элемент кинчисининг турини, навини аниқлашга хизмат этади. Бу типдаги қўшма сўзлар ҳозирги адабиётларда ҳам учрайди. Рус тилидан кирган сўзлар билан ўзбек тилидаги унинг эквиваленти ўзаро бирикиб қўшма сўзни ҳосил қилади. Масалан: *лампачироқ, электирчироқ, фоторасм, фотосурат* каби қўшма сўзлар жонли тилда кенг тарқалган.

Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма сўзлар кенг қўламда ишлатилади. Адабий, илмий- фалсафий, техника ва қишлоқ хўжалигига оид асарларда, шунингдек жонли тилда сўзларни ўзаро қўшиш йўли билан янги предмет-тушунчаларни ифодалаш кенг тарқалган. Аммо айрим олимлар қўшма сўзларнинг жонли тилда қўлланишини инкор этадилар.

“Халқ тилида, -деб ёзади Мейс ва Вандерис, -қўшма сўзлар мутлақо ишлатилмайди ”.¹⁵ Бу фикрнинг ҳақиқатга зид эканлигини ўзбек ва қирғиз тилларнинг далиллари кўрсатади. Бу ҳол бошқа системадаги тилларда ҳам тасдиқланган. “Эътироф қилиш керакки, одатда грамматикаларда кўрсатилишига нисбатан нутқда қўшма сўзларнинг миқдори анчагина ортиқ ва унинг ишлатилиш кўлами анчагина кенгдир”.¹⁶

Тилда қўшма сўзларнинг кенг ёйилиши табиийдир, чунки шу йўл билан маълум тил материаллари асосида янги сўз ҳосил қилиш имконияти туғилади. Қўшма сўзлар маълум зарурият асосидагина вужудга келади, чунки тилда предмет, воқеа ва ҳодисалар доим бир сўз билан ифодаланавермайди. Кўп вақт уларни ифодалаш учун икки ёки ундан ортиқ ўзаро бириккан сўзлардан ҳам фойдаланилади. Масалан: ўхшатиш йўли билан *қўзи ва қорин* сўзлари орқали

¹⁵J. Mais and O. Wanderis, Colloquialism, 1967, §3

¹⁶ И.Алитырев, Определительные сложные слова, МГУ, 1965, 36 бет

маълум ўсимлик ҳақида яхлит бир тушунчани билдириш мумкин топилиб, шу икки сўздан ўша ўсимлик маъносини билдирувчи қўшма сўз – қўзикорин сўзи тузилган. Англашиладики, предмет, воқеа ва ҳодисалар баъзан бир сўз орқали/ уй, том, тош , тоғ .дарахт, шамол, баъзан икки ва ундан ортиқ сўз орқали/ белбоғ, зиғирпоя, гултожихўроз/ ифодаланади.

Ўзбек тилида , шунингдек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман тилларда ҳам қўшма сўзлар икки ва ундан ортиқ сўз /ўзак/ларнинг ўзаро бирикувидан тузилади. Масалан: аррабалиқ, кўрилон, олапўчоқ, мингоёқ каби сўзлар уч ўзакдан иборатдир.Қўшма сўзларнинг бир қисми аро, симон, парвар, фуруш, хўр каби элементлар ёрдами билан ҳосил қилинади. *Масалан: шаҳараро, одамсимон, мевафуруш, этикдўз , ҳуқуқшунос ва ҳ.к.з.*

Бу элементлар мустақил сўз сифатида алоҳида қўлланмайди,фақат қўшма сўзлар таркибидагина ишлатилади. Шу жиҳатдан буларни қўшимчалашиш жараёнидаги элементлар деб қарашга тўғри келади. Маълумки ,қўшимчалар ўзича мустақил маъно англатмайди, фақат ўзак-негизларга қўшилиб, уларга янги ёхуд қўшимча маъно киритади.Қўшимчалашган ёки қўшимчалашаётган сўзлар эса бир қадар мустақил маънога эга. Шу сабабдан булар орқали ясалган сўзларни қўшма сўзлар қаторига киритса бўлади. Сўзларни бир-бирига қўшиб, яхлит бир тушунчани ифодалаш йўли билан янги/ қўшма/ сўзлар туғилади. Икки элемент қўшилганда ўз маъноларидан ташқари, янги маъно ҳам келиб чиқади. Шу сабабли қўшма сўзларни бир томондан янги ясалган сўзлар, иккинчи томондан эса мавжуд сўзларнинг комбинациясидан иборат дейиш мумкин. Янги сўз одатда мавжуд тил элементлари асосида вужудга келади. *Масалан, беш йиллик сўзи беш /сон+йил /от/ ва от ясовчи –лик қўшимчасидан таркиб топган.*

Ўзбек тилида қўшма сўзлар турли синтактик муносабатдан туғилади. Айрим қўшма сўзлар тузилиши жиҳатидан гапга баробар келади. *Масалан: Йўл тушган, Сойқолди, Туятортар, Пахтақайнар /жой номлари/ ва ҳ.к.* Аммо бу каби қўшма сўзлар таркибидаги элементларнинг ўзаро синтактик муносабатлари унутилиб, бу гаплар бир сўз тусига келиб қолган. Дарҳақиқат

Ўзбек тилидаги қўшма сўзларнинг туғилиш йўлларини- тузилишини кўздан кечирсак, уларнинг турли синтактик бирикмалардан туғилганлиги кўзга яққол ташланиб туради: *Каттақўрғон /аниқловчи+аниқланмиш/, Сирдарё /изоҳловчи+изоҳланмиш/, қуртбоқар /тўлдирувчи+кесим/, Тезтишар /ҳол+кесим/, қумбосди /эга+кесим/*. Бундай бирикмаларнинг элементлари орасидаги синтактик алоқа йўқолиб, улар шу қўшилишда бир тасаввурни ифодалашни натижасида қўшма сўз холига келиб қолгандир. Бироқ шундай қўшма сўзлар ҳам учрайдики, улар ҳечқандай синтактик муносабатдан туғилмаган, масалан: *Ҳар ким, Ҳар нима, Ҳеч ким, Ҳеч нима, ҳар қачон, ҳар доим, аллаким, алланима, аллақандай, аллақачон ва ҳ.к.* Булар грамматик муносабатга киришмаган сўзларнинг бирикувидан ясалган қўшма сўзлардир.

Инглиз тилидаги қўшма сўзлар эса қуйидаги моделлар орқали ясалади:

1-расм.

1.N+N	11. A+ADV	21.Pr.adj. +N	31. NUM _{ordinal} +N
2.N+A	12. V+N	22. Pr.adj. + PI	32.NUM _{ordinal} +A
3.N+G	13.V+A	23. Pr.adj.+ PII	33. NUM _{ordinal} +N
4.N+PI	14.V+V	24. Pr.adj.+ ADV	34. NUM _{ordinal} +A
5.N+PII	15.V+PR.adj.	25. AD V+ N	35. NUM _{ordinal} +ADV
6.N+ADV	16.V+ADV	26. ADV+A	36.PREP.+N
7.A+N	17.G+N	27. ADV+ V	37. PREP.+ Pr.person
8.A+A	18.PI+N	28. ADV+PI	38.PART+N
9.A+PI	19.PII+N	29. ADV+PII	39.V+PREP
10.A+PII	20.Pr.person. + N	30. ADV+ ADV	

Демак, қўшма сўзларнинг асосий қисми турли синтактик муносабатлардан туғилса, айрим қўшма сўзлар эса/булар озчиликни ташкил этади/ грамматик муносабатга киришмаган сўзларнинг ўзаро бирикувидан туғилади. Бу грамматик ҳодиса икки тилининг ўзига хос грамматик қурилишини кўрсатувчи исботлардан биридир. Ҳар бир тилнинг шу тилдаги мавжуд сўз ясалиши

тилларини ва қўшма сўз турларини белгилайдиган ички қонунлари бўлади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма сўзларнинг кўпи аниқловчи ва аниқланмиш алоқасидан туғилган. Бошқа бирикмалардан туғилган қўшма сўзлар бунга нисбатан оздир.

Юқоридаги исботлардан англашиб турибдики, қўшма сўзлар тарихан қараганда сўз бирикмаларидан келиб чиққан, сўз бирикмалари қўшма сўзларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлган. Сўз бирикмалари билан қўшма сўзларнинг баъзи ҳолатларда бир-бирига ўхшаб кетишининг сабаби ҳам шудир. Ҳозир бири иккинчисидан ўзига хос белгилар билан фарқ қилувчи бу икки ҳодисанинг айрим-айрим грамматик вазифаларга эга бўлиши тил тараққиёти билан чамбарчас боғланган. Шубҳасиз, бу ҳодиса ўзбек ва инглиз тилининг ўзига хос ички қонуниятлари асосида вужудга келган. Ҳақиқатан ҳам тилда грамматик қурилиш замон ўтиш билан ўзгаради, такомиллашади, ўз қоидаларини яхшилади ва аниқлайди, янги қоидалар билан бойийди. Сўз бирикмаларидан бир қанчалари тилнинг тараққиёти орқасида ўзаро бирикиб, тамоман қўшма сўзга айланиб кетадилар. Баъзилари қўшма сўзга айланиш жараёнида туради. Шунинг учун ҳам инглиз ва ўзбек тилида айрим ҳолатларда қўшма сўз билан сўз бирикмасини, айниқса аниқловчи ва аниқланмиш алоқасидан туғилган қўшма сўзлар билан сўз бирикмасини ажратиш қийин. Чунки ҳар қандай сўзлар бирикмаси қўшма сўз бўлавермайди. Фикримизнинг исботи учун мисолларга мурожаат этайлик: оқ қуш /ранги оқ бир қуш/ -сўз бирикмаси, оққуш /қушнинг бир тури/- қўшма сўз, оқ тош / оқ тусдаги тош /- сўз бирикмаси, Оқтош /жой номи/- қўшма сўз, катта-қўрғон/ ҳажми катта-қўрғон/ - сўз бирикмаси, Каттақўрғон /жой номи/ - қўшма сўз, уч бурчак / уч бурчак/ -сўз бирикмаси, учбурчак /геометрик тушунча , русча треугольник/ -қўшма сўз ва инглиз тилида ҳам худди шу ҳодисани кузатиш мумкин: a white collar/оқ рангли ёқа/ ва white-collar /ишчи, ходим/ ва ҳ.к.з. Демак, айнан сўз бирикмаси қўшма сўз бўлиши ҳам мумкин, сўз бирикмаси бўлиши ҳам мумкин. Мана шундай айрим қўшма сўзлар шакл жиҳатдан сўз бирикмасига ўхшаса ҳам, лекин ундан кескин фарқ қилади. Бундай ҳолда бирикманинг қўшма сўз бўлиш ёки бўла

олмаслиги ўша бирикмадаги элементларнинг маъно ва грамматик хусусиятига боғлиқ. Сўз бирикмасининг таркибидаги сўзлар ўз мустақиллигини сақлайди ва у эркин ҳолатда. Сўз бирикмасининг таркибидаги элементлар орасида ички синтактик муносабат сақланади. Бундай вақтда унинг таркибидаги элементлар гапда айрим-айрим вазифани бажаради. Қўшма сўз таркибидаги элементлар эса лексик жиҳатдан жуда бирикиб, яхлит бир тушунчани ифодалайди. Қўшма сўз таркибидаги элементлар эркин ҳолатда бўлмайди, аксинча улар ўзаро зич боғланади ва нутқда бир сўздек қўлланади. Қўшма сўзнинг элементлари орасида синтактик муносабат йўқ, яъни улар бири иккинчисини аниқламайди. Шунинг учун у бир сўроққа / бир гап бўлаги сўроғига / жавоб бўлади ва гапда биргина вазифани бажаради. Мисол учун қизил қоғоз ва Қизилтепа бирикмаларини олайлик.

Қизил қоғоз бирикмасида қўшма сўз учун хос белгилар йўқ. Бунда икки сўзнинг қўшилишидан янги бир сўз ҳосил бўлмаётир. Бу бирикмада синтактик алоқа мавжуд. Буларнинг элементлари бир иккинчисини аниқлашга хизмат қилади: қанақақоғоз?-қизил қоғоз. Лекин Қизилтепа бирикмасида тамоман бошқача ҳолни кўрамиз. Бу бирикмада ҳеч қандай синтактик муносабат йўқ. Қизилтепа бирикмасининг таркибидаги ҳар икки элемент ҳам ўзининг дастлабки маъносидан ташқари, янги лексик маъно – жой номини билдирипти. Шунга кўра, қизил қоғоз сўз бирикмаси, Қизилтепа эса қўшма сўздир. Яна бир мисол кўрайлик: *Қора қалпоқ кийдим* гапидаги қора сифати қалпоқ сўзининг аниқловчиси бўлиб, унинг / қалпоқнинг / ранги-тусини билдирмоқда. Аммо қорақалпоқ сўзи ҳалқнинг номини билдирса, унда қора сифати аниқловчилик вазифасини унутади ва қалпоқ сўзи билан бирикиб, янги лексик маъно ифодалайди. Бундай темир ирода, Бувайда раёни кабиларининг қўшма сўз эмаслиги равшан. Бу типдаги бирикмаларининг элементлари орасида синтактик муносабат тўлиқ сақланган бўлиб, бир иккинчисини аниқлайди. Мана шунинг учун қўшма сўз билан сўз бирикмасининг чегарасинининг белгилашда уларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва семантик томонларини ҳисобга олиш лозим. Семантика тилшуносликнинг энг муҳим қисмларидан

биридир.Сўзларнинг ва ифодаларнинг маъно томони тилни ўзганишда катта аҳамиятга эга.Фақат ана шу белгиларнинг ҳаммаси кўшма сўз билан сўз бирикмасини фарлаш имкониятини беради.Бунда кўшма сўзларнинг бир бош урғу олиши, элементлари орасида ажратувчи пауза бўлмаслиги, айрим кўшма сўз таркибидаги элементлар орасида фонетик ўзгаришлар юз бериши,кўшма сўзларнинг таркибидаги элементлар бирикиб янги лексик маънони ифодалаш,кўшма сўзларнинг элементлари орасидаги грамматик муносабатининг юқлиги, гапда оддий сўз каби бир вазифада келиши ва шу каби ҳолатларни назарда тутиш керак.

Қуйидаги кўшма сўзларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи белгиларни алоҳида –алоҳида кўриб ўтамиз.

1. Кўшма сўзларнинг характерли белгиларидан бири шуки, улар бир бош урғу олади ва урғу охирги элементнинг сўнгги бўғунида бўлади: Оқтепа, Тўйтепа, гулбоғ, мингбош / бот/, носқовоқ ва ҳ.к.з.Кўшма сўзларда иккинчи даражали урғу ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда иккинчи даражали урғу биринчи элементнинг охирги бўғинида бўлади ва кучсиз эшитилади: Тўрақўрғон, Қатортерак, Янгибозор, Олтиариқ ва ҳ.к.з. Уч ўзакдан тузилган кўшма сўзларда иккита иккинчи даражали урғу ва бир бош урғу бўлади. Масалан: Шофайзиқулоқ /жой оти / , Қоракўрпасой /жой оти / ва ҳ.к. з.
2. Айрим кўшма сўз таркибидаги элементлар орасида фонетик ўзгаришлар юз беради :*Жаранглилашиш, жарангсизлашиш, товушларнинг тушиб қолиши, бир товушнинг иккинчи товуш билан алмашиши ва ҳ.к.з.* Мана шундай фонетик ўзгаришлар натижасида баъзи кўшма сўзларнинг элементлари тамоман бирикиб ,бир сўз тусини олади. Фонетик жиҳатдан ўзгариб кетган айрим кўшма сўзларни шаклий томондан икки элементга ажратиб бўлмайди, уларни фақат лингвистик анализ йўли билан қисмларга ажратиш мумкин:

1) Жаранглилашиш ҳодисаси.

Қўшма сўзларнинг биринчи элементи охиридаги жарангсиз **к**, **қ**товушлари унли билан бошланувчи сўзнинг таъсирида жаранглашади. Бунда **к /г га , к/ ғ га** айланади. Ёзувда ҳам шу шакл ўзлашган: билакузук/ билак+узук/ , қовоқари / қовоқ+ари /, Бегобод/ Бека+обод /,бугун / бу+кун/ ва ҳ.к. з.

2) Жарангсизланишиш ҳодисаси.

Қўшма

сўзларнинг биринчи элементи охиридаги жарангли**б,д** товушлари жарангсиз товуш билан бошланувчи сўзнинг таъсирида жарангсизлашади: шапкўр / шап+ кўр /, искаптопар/ искаб+топар/, қангчой/қанд+чой /.

3) Товушларнинг тушиб қолиш ҳодисаси.

А)

Қўшма сўзларнинг биринчи элементи охиридаги айрим товуш ёхуд бўғин тушиб қолади: паншоха / панж+шоха/, Файзаобод/ Файзиобод/, зарчува / зард+чўва/, қайнона –қайин+она/ ,қайнота/ қайин+ота/ ва ҳ.к. з

В) Изофа кўшимчаси тушиб қолади: гулқоқи / гули+қоқи/,гултожихўроз/гули+тожи+хўроз/, гулҳамишабоҳор / гули+ҳамиша+баҳор/,гулхайри/ гули+хайри/ ва ҳ.к.з.

4) Товушларнинг алмашиш ҳодисаси: б > в : холавачча / хола+бачча, аммавачча / амма+бачча / ва ҳ.к.з.

3.Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг элементлари асосан боғловчисиз бевосита бирикади: эртўла, қирққулоқ, кўрчичак, сувчечак, Дехқонобод, Тўйтепа, Оқтош ва ҳ.к.з. Юқорида ўзбек тилида махсус бириктирувчи унлининг йўқлиги қайд қилинди. Аммо айрим ҳолларда қўшма сўзларнинг элементлари баъзан бир қўшимчалар билан ўзаро бирикувчи ҳам мумкин: кун /га/ боқар, бир/а/ тўла, бор/а/ солиб,бош/и/ берк, қўл/и/ қаттиқ ва ҳ.к. з.

Қўшма сўзлардан ёхуд сўз бирикмаларидан турли қўшимчалар ёрдами билан яна қайта янги сўз ясаш ва уларни турлаш мумкин. Ясаш ва турлаш чоғида фақат сўнги элементларгина қўшимча олади. Қўшма сўзларнинг бу хусусияти

содда сўзлардаги сўз яшаш ва турланишни эслатади: *юз сентнер- юзсентнерчи, ўн минг- ўнмингчи, қора қуш-Қорақушчи, бир хужайрали-бир хужайралилар, сутемизувчи-сутемизувчилар ва ҳ.к.з.*

Ўзақларни бириктириш йўли билан сўз ҳосил қилишда ҳам худди ясовчилар ёрдами билан янги сўз яшашдаги сингари, айти бир сўз воситаси билан маънан бир-бирига яқин бўлган бир неча қўшма сўзлар ҳосил қилиниши мумкин. Масалан: *ишбай, иш боши, иш кун, иш ҳақи, ишлаб чиқариш, ишлабчиқарувчи, ишбошловчи, ишибилармон, ишибиларманлик, ишхона ва ҳ.к.* Қўшма сўзларнинг элементлари ё қўшимчасиз /туб/, ёки қўшимчали бўлиши мумкин:

- а) Ҳар икки элементи қўшимчасиз: қораталоқ, қилтомоқ, кўкютал, олақарға, қирқоёқ, бойқуш, ошқозон, туятовон, кўксултон, қумшақар ва ҳ.к.з.
- б) Биринчи элементи қўшимчасиз, иккинчи элементи қўшимчали: *Булоқбоши, молбоқар, этти йиллик, йўлбошичи, бешхонали, қўшўтказгич, биртуёғлилар ва ҳ.к.з.*
- с) Биринчи элементи қўшимчали, иккинчиси қўшимчасиз: *Қайнарбўлоқ, тураржой, қайта синов, элчихона, асалчи ва ҳ.к.з.* Ҳар икки элементи қўшимчали: *ишлаб чиқарувчи, ишлабчиқарувчи, тинчликсевар, искабтопар, кунгабоқар/ ўсимлик номи/ ва ҳ.к.з.*

Демак, қўшма сўз таркибидаги элементлар: *а/ ўзак+ўзак; б/ ўзак+ўзак+қўшимча, с/ ўзак+қўшимча+ўзак, д/ ўзак+қўшимча+ўзак+қўшимча тартибида бирикади.*

4. Қўшма сўзларнинг характерли белгиларидан яна бири шундан иборатки, икки ва ундан ортиқ сўз / ўзак/ қўшилиб, ўзининг маъносидан ташқари янги лексик маънони беради. Масалан : канакунжут бирикмасида ҳар бир элементнинг айрим маъносидан ташқари учинчи маъно – ўсимлик номи англашилади. Баъзи қўшма сўзларнинг таркибидаги элементлар ўз маъносини тўлиқ сақлайди: сўқмоқ йўл, тош йўл, тўғрибурчак, қийшиқбурчак, тезпишар, тезоқар, тил олди, тил орқа, қизилуруғ ва ҳ.к.з. Аммо Қумтепа, Қўштут, Тўрткўл, Қорадарё, Қоратош каби қўшма сўзларнинг таркибидаги ҳар икки

элементдан англашилган маъно тарихан шу тушунчани ифода этса ҳам, сўнг у унитилган ва маълум бир жой номи бўлиб қолган. Ҳар ики ҳолда ҳам қўшма сўзларнинг таркибидаги элементлар ўзаро бирикиб, янги лексик маънони ифодаламоқда.

5.Бирор бирикманинг қўшма сўз бўлиш ёки бўлмаслигини белгилашда интонация(оҳанг)нинг ҳам роли бор. Сўз бирикмаси танаффус ўрнига қараб ҳар хил бўла олади. Сўз бирикмаси орасида қисқа танаффус бўлади, қўшма сўз таркибидаги элементлар орасида танаффус бўлмайди, биринчи элементга нисбатан иккинчи тезроқ айтилади.Масалан: бир паллали/тарози/ қўшма сўз , бир / пауза/ паллали /тарози/ қўшма сўз эмас; уч хонали/ этаж/ қўшма сўз, ва х.к.з.

6. Қўшма сўз таркибидаги элементлар орасида грамматик/ синтактик/ муносабат бўлмайди. Улар гапда оддий сўз каби бир вазифани адо этади. Қўшма сўзлар гапда яхлит ҳолда бош ёки иккинчи даражали бўлак бўла олади.

Мас.,Тонг чоғида Мамажонотанинг ишини кўриш учун қишлоқ аграноми билан бирга Тошлоқнинг Найманбўстонига бордик. Найманбўстон- ҳол. Тошкент билятининг туманларидан бири Қорасувдир. Қорасув- кесим.

Қўшма сўзлар ҳақида яна ҳам аниқ тушунчага эга бўлиш учун уларни ички ва ташқи аломатларига кўра таҳлил қиламиз. Қўшма сўзларнинг ички аломатларига фонетик, морфологик ва орфографик мезонлар, ташқи аломатларига синтактик мезонлари киради.

Қўшма сўзларнинг ички аломатлари:

❖ **Фонетик мезон.**

Бунда қўшма сўзлар ягона бош урғуга эга эканлиги билан ажралиб туради. Лекин айрим қўшмалар икки бош урғули бўлиши мумкин. Г.Марчанд home-made,moth-eaten, spell-bound, frostbitten, homespun heartfelt, heartbroken, типидagi сўзларни бир бош урғули деб таъкидлайди, лекин home-made, home-bred,custom-built, government-owned, factory-packed каби сўзларни эса икки бош урғули ҳисоблайди.

❖ Орфографик мезон.

Инглиз тилидаги кўшма сўзлар бошқаларига орфографик жиҳатдан энг чалкаши саналади десак, хато бўлмайди. Сабаби айнан бир кўшма сўзнинг газета ва журналларда уч хил, ажратиб, чизикча билан ёки кўшиб ёзилганлигини учратиш мумкин. Лекин тилнинг маълум нормаларига асосан кўшма сўзлар аниқ ҳолатларда ёзилиш қодаларига эга. Масалан, *to break through* (бостириб кириш) феъли отлашганда кўшиб ёзилади: *a breakthrough*. Агар кўшма сўзлар гапта предикатив (кесимлашган) ёки атрибутив(сифатлашган) вазифасида келса, улар кўшиб ё бўлмаса чизикча билан ёзилади.

Умуман олганда, кўпчилик олимларнинг кўшма сўзлар кўшиб ёзилиши лозим деган фикрларини инобатга олиш керак. Мас.,” *Compound adjectives, like compound nouns, may be solid or hyphenated or separate words that are understood as one. The passage of compound adjectives from separate- word to solid-word form occurs slowly but surely as the given word unit establishes itself more firmly. Farsighted was once far-sighted. In time boy crazy very likely will be boycrazy.*”¹⁷ Э.Патрижд “*UsageandAbusage*” китобининг “*Hyphenation*” бобидабу хвқида шундай дейди: “*In the life of compound words there are three stages: (1) two separate words (cat bird); (2) hyphenated compound (cat-bird); (3) a single word (catbird)*”.

❖ Морфологик мезон.

Бу мезон кўшма сўзларнинг сўз бирикмасига қараганда морфологик бирликлигини белгилаб беради, яъни кўшма сўзларнинг компонентлари ўзаро ҳеч қандай кўшимчаларсиз боғланади, сўз бирикмасида эса аксинча. Аслини олганда, инглиз тилининг ўзи морфологик жиҳатдан унча бой эмас, шу сабабли бу мезон айрим кўшма сўзларга нисбатан қўлланилади. Мас., *book-filled (room)* сўзининг биринчи комноненти “*book*” сўз эмас, яъни асосдир. Акс ҳолда бу компонент кўплик категориясида қўлланила оладиган сўз бўлар эди. Кўплик кўшимчасининг йўқлиги бу мезоннинг ўзига хос жиҳатидир.

¹⁷A. Foulke, *English for everyone*. N.Y., 1964,62

Қўшма сўзларнинг ташқи аломатлари:

Қўшма сўзларнинг ташқи аломатлари уч жиҳатдан таҳлил қилинади:

- 1. Компонентларнинг мослиги*
- 2. Компонентларнинг кетма-кетлиги*
- 3. Компонентлар орасидаги синтактик муносабатлар*

Тилдаги ҳар қандай сўзларнинг кетма-кетлиги нутқда синтагмани ҳосил қилади ва бу ё қўшма сўз ёки сўз бирикмаси ҳисобланади. Сўзларнинг мослиги ёки кетма-кетлиги тилнинг махсус нормаларига асосланади, агар бу нормалар бузилса, нутқда қўшма сўз ҳосил бўлади. Мас., инглиз тилида микдор сонлар отнинг сифатини ифода қила олмайди. Шу сабабли 10,000-strong (demonstration) қўшма сўздир.

Айрим турдаги қўшма сўзларда компонентлар ўрнининг алмашинуви уларнинг ўзига хос жиҳатидир. Бу жиҳат фақат иккинчи компоненти сифат ва равиш бўлган сўзларга тегишлидир. Мас., oil-rich, man-made. Бу айти пайтда синонимик сўз бирикмаларига айланиши мумкин: rich in oil, made by man.

Айрим қўшма сўзлар таркибида ёрдамчи элементларнинг йўқлиги билан сўз бирикмасидан ажралиб туради. Лекин бу фразеологик ибораларга тегишли эмас: good-for-nothing, pie-in-the-sky.

Қўшма сўз компонентлари мустақил равишда синтактик алоқага кириша олмайди, сўз бирикмасида эса бу ҳодиса содир бўлади. Мас., financed by the government бирикмасида икки компонент мустақил равишда синтактик алоқага кириша олади: a factory generously financed by the British government.

Аксинча, қўшма сўзида компонентларнинг ҳеч қайси бири синтактик алоқага кириша олмайди, яъни ~~generously—government-financed~~. Лекин улар уч компонентли қўшма сўз моделларида иштирок эта олади: Labour-government-financed.

Шундай қилиб, қўшма сўзлар фонетик, морфологик, синтактик ва семантик белгиларга эга. Мана шу белгилар қўшма сўз билан сўз бирикмасини бир-биридан ажратиш туради. Биз юқорида ўзбек тилида қўшма сўзлар икки ва

ундан ортиқ сўз / ўзак/ларнинг ўзаро бирикувидан тузилишини кўриб ўтган эдик.

Ўзбек тили луғат таркибида мавжуд бўлган қўшма сўзларнинг кўпи икки элементдан тузилган бўлиб, иккидан ортиқ элементлилари бунга нисбатан жуда кам. Аммо элементларнинг маъно ва грамматик хусусиятига кўра, қўшма сўзлар нечта сўз /ўзак/дан тузилмасин, бари бир икки қисмдан иборат бўлади: бош ва эргаш сўз. Масалан: *Оқсувкон/ кўл номи/ сўздаги кон-бош сўз , оқсув эса эргаш сўз, у оқ ва сув сўзларининг қўшилишидан тузилган қўшма сўз бўлса ҳам, кон сўзига нисбатан бир сўз – биргина “аниқловчи” вазифасини ўтайди. Қанақа кон?-Оқсувкон. Демак, қўшма сўз таркибидаги элементларидан бирининг ўзи қўшма бўлиши ҳам мумкин: сув остикемаси,тошбақа толи/ўсимлик номи/Катта Тағоб/жой номи/ва ҳ.к.з*

Ўзбек тилидаги қўшма сўзлар икки қисмдан иборат бўлса ҳам, аммо уларнинг элементлари орасидаги “грамматик муносабат” турлича бўлади. Ҳар икки элемент ўзаро аниқловчи ва аниқланмиш муносабатида бўлиш мумкин.

Масалан: қоражигар, ошпичоқ, мингоёқ ва ҳ.к. Бу мисолларда биринчи элемент эргаш , иккинчи бош сўздир. Баъзан бунинг акси ҳам бўлиши мумкин, яъни биринчи элемент бош, иккинчи элемент эргаш сўзли. Масалан: Йўлтушкан, Пахтақайнар, Қумбосди, ўзиюрар ва ҳ.к.з. Баъзан ўзаро бирикувчи элементлар бир-бирига нисбатан бирор синтактик муносаат сақламай, бириккандагина бир лексик маънони ифодалайди: ҳар бир, ҳақ қанча , ҳеч бир ва ҳ.к.з.

Шунга кўра ўзбек тилидаги қўшма сўзларни кўйидаги икки турга ажратиб кўрсатмоқ мумкин: **Бош ва эргаш сўзли қўшма сўзлар**. Бу шундай кўринишларга эга:

- 1) **Аниқловчи—аниқланмиш**. Бу хил қўшма сўзларни яна иккига айириш мумкин: а) *Қаратқичли* : кўларра, отгўрва, айиқтовон, туяқорин, гулпопя,кўзойнак ва ҳ.к. б) *Сифатловчили* : ойболдоқ, маймунқуш , кўнғироқгул , Оқчангал,қорашақшақ ва ҳ.к.з.
- 2) Тўлдирувчи+ кесим: отбоқар,куртбоқар,товонтешар,избоскан ва ҳ.к.з.
- 3) Ҳол+ кесим: эртапишар, кечпишар, тезпишар, тез юрар ва ҳ.к.з.

4) Эга+кесим:ўзиюрар,Сойкелди,Қозонбузди /жой номи/ Ҳонкелди ва ҳ.к.з.

Элементлари грамматик муносабатга киришмаган қўшма сўзлар: *ҳар бир, аллаким, алланима, ҳар ким, ҳар нима, ҳеч ким, ва ҳ.к.з.*

Қўшма сўзларнинг таржиби масаласига келсак, бош ва эргаш сўзлардан тузилган қўшма сўзлардан эргаш сўз бош сўздан олдин келади. Бу ҳолат эга ва кесим алоқасидан тузилган қўшма сўзларда ўзгаради. Бунда эргаш сўз бош сўздан сўнг келади.

Қўшма сўзлар орасига бошқа сўз киритиб бўлмайди. Сўз киритилганда қўшма сўзларнинг маъноси бузилади, қўшма сўз бўлмай қолади. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган қўшма сўзларнинг манбаига – уларнинг таркибий қисмларига назар ташласак, уларнинг ўз тилимиз луғат бойлиги манбаида, шунингдек бошқа тил элементларидан ташкил топганлигини кўрамыз. Ҳозирги замон ўзбек тили лексиясидаги қўшма сўзларнинг манбаига кўра, қуйидаги типларини кўрсатмоқ мумкин:

- 1) Ўзбек тилининг ўз луғат фонди базасида яратилган қўшма сўзлар: белбоғ, бузоқбоши, билагузук, итоғиз ва ш.к.
- 2) Калька йўли билан ясалган қўшма сўзлар. Ўзбек тили луғат таркибининг бойишида, айниқса қўшма сўз ҳосил этишда, калькалаш усули ҳам катта рол ўйнайди. Бундай усул билан рус тилидан таржима қилиб олинган юзлаб янги қўшма сўзларни учратиш мумкин: байрам олди, беш кунлик, беш йиллик, етти йиллик, ўн йиллик, умумшаҳар, қишлоқлараро, қўлёзма ва ҳ.к.з.
- 3) Туб ўзбекча сўзлар /шунингдек, ўзбек тили лексикасига қадимдан кириб ўзлашиб кетган, келиб чиқиши жиҳатдан тожикча+арабча сўзлар/ билан интернационал сўзларнинг ўзаро бирикишидан тузилган қўшма сўзлар: радио эшитиш, радио эшиттириш, электр асбоб, авто тебранма, радио садо, радио тўлқин, электроўтказувчанлик ва ҳ.к.з. Бу ҳил қўшма сўзларни фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Л.А.Булаҳовский ярим калкалар /полукальки/ деб атайди.
- 4) Ўзбекча сўзларнинг тожикча сўзлар билан ёки тожикча сўзларнинг ўзбекча сўзлар билан бирикувчидан тузилган қўшма сўзлар: ишхона/иш-ўзб., хона-

тож./, бошпана/бош-ўзб., пана-тож./ Чортоғ/чор-тожик., тоғ-ўзбек./, чаккатомар/чакка-тож., томар-ўзб./ ва ҳ.к.з.

- 5) Ўзбекча сўзлар билан арабча ёхуд арабча сўзлар билан ўзбекча сўзларнинг қўшилишидан тузилган қўшмасўзлар: бошмақола/бош-ўзб., мақола-араб./, ишҳаққи/иш-ўзб., ҳаққи-араб./, и-ўзбек. қўшимча; халқаро/халқ-араб, аро-ўзб/, ҳаётсевар/ҳаёт-араб, севар-ўзб/ ва ҳ.к.з.
- 6) Тожикча сўзларнинг араб сўзлари билан ёхуд арабча сўзларнинг тожик сўзлари билан бирикишидан тузилган қўшмз сўзлар: пешқадам/ пеш-тожик., кадам-араб./, бадфеъл/бад-тож., фел-араб./, хушманзара/хуш-тож., манзара-араб./, халқпарвар/халқ.-араб, парвар-тожик./, ватанпарвар/ватан-араб, парвар-тожик/ ва ҳ.к. з.
- 7) Элементлари тожикча бўлган қўшма сўзлар. Маълумки, ўзбек ҳалқи қардош тожик ҳалқи билан бирга қадимдан дўстлик ва ҳамкорликда яшаб келганлар. Мана шунинг натижасида бу икки ҳалқнинг тили бир-бирига кучли таъсир кўрсатди. Ўзбек сўзлар тожик тилида бўлгани каби, ўзбек тилида ҳам кўпгина тожикча сўзлар, шу жумладан таркиби мураккаб қўшма сўзлар мавжуддир: *дасмол, ҳокандоз, пойтеша, паншоҳа, чордевон, корҳона, болаҳона, пойдевор, гулбарг, гултожбарг* ва ҳ.к.з.

Бошқа тиллардан кирган кўпгина қўшма сўзлар аслида икки ёки ундан ортиқ сўзнинг қўшилишидан ясалганига қарамай, биз уларни одатда бир сўздек қўллаймиз. Чунки у сўзларнинг қўшма эканлиги бизга сезилмайди. Улар ўша тилнинг ўзига қўшма саналади. Бизда бир сўз ҳукмида қаралади. Масалан, тожикча обрўй сўзини олайлик. Бу об/сув/ ва рўй/бет/ сўзларидан тузилган. Асли қўшма бўлган биография, зоология, география каби сўзлар ҳам ўзбек тилида содда сўздек ўқилади.

Давр ўтиши билан, тил тараққиёти жараёнида, қўшма сўзларнинг жуда секинлик билан бўлсада ўзгариб бориши, яъний айрим қўшма сўзларнинг содда сўзга айланиб кетиши мумкин: пўстин/ пўст+тўн/, қулоч /қўлни+оч/, орачик / ора+очик/, сузмок/ сув+ узмок/ ва ҳ.к.з. Қўшма сўзларнинг соддаланиш жараёни ҳозирги жонли шеваларимизда ҳам учратиш мумкин. Буни Қўқон

шеваси мисолида кўрайлик: ақа- у ёққа / у ерга/, бақа – бу ёққа / бу ерга/, шақа – шу ёққа / шу ерга/, атта – у ёғда / у ерда/, батта – бу ёғда / бу ерда / ва ҳ.к.з.

Бу ҳодиса айрим ясама сўзларнинг тарихий жиҳатдан қўшма сўздан туғилганлигини кўрсатади. Бундан кўринадики, қўшма сўз таркибидаги элементларнинг ўзаро бирикиши турлича : баъзи қўшма сўзлар фонетик жиҳатдан бир сўз тусига келиб қолган, баъзилари маъно грамматик жиҳатдан батамом бирикиб кетган, баъзилари эса ҳали тамоман бирикиб кетган. Бу жиҳатдан уларни уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

★ Биринчи гуруҳга элементлари жуда бирикиб кетган ва шу билан бирга бир сўз шаклига келиб қолган қўшма сўзлар киради. Бунга қўшма сўзларнинг қўйидаги типи киради:

А) Тарихан мустақил ҳолда қўлланувчи айрим сўзлар ўзаро бирикиб , фонетик жиҳатдан ҳам бошқача тус олиб, янги маънони ифода этмоғи мумкин. Бундай қўшма сўзларнинг биринчи элементи тўлиқ маънога эга, мустақил ҳолда ҳам ишлатилади; иккинчи элемент тилнинг маъноси эса ҳозирги кунда ўқилмайдиган ҳолга келган, яъни маъноси тамоман унутилган бўлиб, мустақил ҳолда қўлланмайди. Лекин тарихан бундай сўзларнинг маъноси бор, уни аниқлаш мумкин: бошмалдоқ- бош+бармоқ, шумгиё- шум+ гиёҳ /ўт/, бугун –бу +кун , қорабовур / қора+бағир ва ҳ.к.з. Баъзиларининг маъноси эса даврларнинг ўтиши билан хотирдан кўтарилган, уни фақат тарихий таҳлилий тилшунослик йли билангина аниқлаш умкин. Масалан: Тошкент, Паркент, Заркент, бирварақай, орқабаратдан, ўйинқароқ ва ҳ.к.з.

Б) Биринчи элементнинг маъноси ҳозирги кунда ўқилмайди, мустақил қўлланилмайди. Масалан: девзира, Зарабоғ, Паяриқ, Ҳозорбоғ, юмронқозоқ, типратикан, довюрак ва ҳ.к.з.

В) Баъзан қўшма сўзлар мустақил ҳолда, алоҳида қўлланмайдиган сўзларнинг синтактик бирикувидан ҳам вужудга келади: Пискент, Вобкент, чорраҳа, Ҳазорасп ва ҳ.к.з.

Г) Ҳар икки элементи ҳам мустақил ишлатилади ва ҳар иккиси бирикканда тамом бир сўз тусини олади: Бўтакўз, бақатерак, гулдаста, ёнбағир,

зарпечак, итбурун, маккажухори , шопипоя ,ўкариқ, олмабош , Косонсой, Жарқўча, Жарқўрғон ва ҳ.к.з.

★ Иккинчи гуруҳга лексик – синтактик типдаги қўшма сўзлар киради. Бу гуруҳдаги қўшма сўзларнинг элементлари ҳали тамом бирикиб этмаган: темир йўл , қора қош ,бодом ковок, омонат касса, от юз, жигар ранг ,оқ кўнгил, ғижим баҳмал, шу онда ва ҳ.к. Бу сўзлар янги лексик маъно ифода этсалар ҳам, лекин уларнинг таркибидаги ҳар қайси элемент итбурун , зарпечак, оққуш, гулдаста сингари бири иккинчисига тамом бирикиб этмаган.

★ Учинчи гуруҳга синтактик-морфологик типдаги қўшма сўзлар киради. Бу гуруҳдаги қўшма сўзлар лексик-синтактик типдаги қўшма сўзлар билан сўз бирикмалари ўртасида туради: иш боши, иш ҳаққи ,беш кунлик, темирйўлчи ва ҳ.к.з.

Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг элементлари қандай сўз туркумидан бўлишидан қатъий назар, уларнинг тузилиши- ўзаро қўшилиш тартиби қўйидагича:

1.Аниқловчили тип:а/зарпечак, гулпоя, қўлқоп, туяқорин, айиқтовон, ойболта, итбурун, отқулоқ, ёнартоғ ва ҳ.к.з.б/Зигир ранг, бодом қовоқ, қўй кўз, ҳақво ранг, оқ кўнгил ,умумҳалқ, умумшаҳар ва ҳ.к.з. в/ оч кўк, оқ сариқ, қор қизил, оч қизил, тўқ сариқ, оч сариқ ва ҳ.к.з.г/ одамсимон, тухумсимон, галласимон, гайри расмий, гайри табиий , гайри илмий ва ҳ.к.з., д/ қайта тарбия,қайта синоб, қайта қуриш ва ҳ.к.з. е/ нина баргли, галла гулли, қўш элементли, қўш қаватли, бир асосли ва ҳ.к.з.ё/ у эрга , у эрда , у эрдан, бу эрга , бу эрдан, шу эрда , шу эрдан,бир овоздан ва ҳ.к.з.

2.Предикативли тип: а) ичи қора, нафси бузук, боши берк, ичи қизил ва ҳ.к. Сойкелди, Қумбосди, гурскетди ва .ҳ.к.з. б)Йлтушган, Избоскан, қуртбоқар , ўринбосар, бешиктербатар, нурберар, ёруғсевар,, сув ўтмас, танқид севмас, тезпишар ва ҳ.к.з. в) Қозон ювгич, яшинқайтаргич, буғўтказгич, тишқавлагич ва ҳ.к.з. г)Олиб сотат, искаптопар, Топиолди, Сотиволди ва ҳ.к.з.

3.Элементлари ўзаро грамматик муносабатга киришмаган тип:а/ ҳар бир , ҳеч ким, ҳар қайси, ҳар қанча, ҳар нима, ҳар доим, ҳар вақт, ҳеч қим, ҳеч нима, ҳеч нарса, аллақим, алланима, аллақайси, аллақанча, аллақачон ва ҳ.к.з. б/ Ҳар ёққа, ҳар ёқда, ҳар ёқдан, ҳар эрда, ҳеч эрдан, бирварақайига ва ҳ.к.з. в/ биратўла, биратўласи, биратўласига ва ҳ.к.з.

4.Изофали тип:Конибодом, Конимих, гулраъно, гулхайри, гултожихўроз , гулҳамишабахор ва ҳ.к.з.

5.Морфологик тип : Бу типдаги қўшма сўзларнинг элементлари орасида синтактик боғланишдан ташқари морфологик боғланиш ҳам бўлади: йўлбошчи, бешмингчи, ўнмингчи, электрюритувчи, радио эшиттирувчи, ҳарфтеруви ва .ҳ.к.з.а\ беш йиллик, этти йиллик, бир ёқламалик, тил ёқламалик, икки юзламалик, жонқуярлик ва ҳ.к.з. б\ асаларичилик, қоракўлчилик, ўзиболарчилик ва ҳ.к.з. в\ айиқсимонлар, ғалласимонлар, гултожлар, қирра кўкраклилар, кавак ичлилар, бир ҳужайралилар ва ҳ.к.з.Юқорида кўриб ўтган классификацияларимиз бири иккинчисини аниқлайди, тўлдиради ва шундай қилиб, қўшма сўзларни ҳар томонлама ўрганиш имкониятини беради.

Пбоб. Инглиз ва ўзбек тили қўшма сўзларининг компонентларига кўра таҳлили.

Ўзбек тилида қўшма сўзлар таркиби жиҳатдан ғоят мураккаб ва ранг-барангдир. Қўшма сўзлар таркибига эътибор бериб қарасак, уларнинг турли сўз туркумларидан ҳосил бўлганлиги кўзга яққол ташланиб туради. Таркиби қандай сўз туркумларидан ташкил топганлигига қараб, қўшма сўзларни бир неча типларга бўлиш мумкин. Биз қўйида қўшма сўзлар таркибини сўз туркумлари бўйи алоҳида-алоҳида кўриб ўтаемиз. Туркий тилларда, шунингдек ўзбек тилида сифатлар аниқ ташқи белгига эга бўлмаганлиги туфайли, кўп ҳолларда , уларни отдан фарқлаш қийин. Айниқса, от билан сифат, сифат

биланравиш категориялари орасида шаклий ўхшашлик, синтактик муносабатдан ташкарида , уларни у ёки бу туркумга ажратишнимушкуллаштиради.Шунингучун ҳам кўшма сўзларни туркумларга ажратишда асосан маънони эътиборга олишгатуғри келди.

Инглиз тилидаги кўшма сўзлар асосини икки компонентли кўшма сўзлар ташкил этади. Шунинг учун инглиз тилидаги сўз ясалишида иштирок этувчи компонентларни сўз туркумларига ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофик бўлади. Бу жараёнда иштирок этувчи компонентлар қуйидагича кўринишда ишлатилади:

- 1) *N – nom (noun)*, 2) *A – сифат(adjective)*, 3) *V(without to) – инфинитив (to сиз)*, 4) *Gerund – герундий* , 5) *Participle I – сифатдош*, 6) *Participle II – равишдош*,7) *шахс олмошлари – Pronoun nouns*, 8) *Қаратқич олмошлари – Pronoun adjectives*, 9) *Кишилик олмошлари – Pronoun personals*, 10) *Равиш – adverbs*,11) *Миқдор сонлар – Num cardinals*, 12) *Тартиб сонлар – Num ordinals*,13) *Prepositions – предлоглар*, 14) *Юклама – Particle*.

Қуйидаги келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, агар ҳар бир гап бўлаги бирлашиб кўшма сўз ҳосил қилганда жами 196 та моделни аниқлаш мумкин. Шунингдек ,айрим гап бўлақларининг ясалиш валентлиги бошқаларга қараганда фаолроқ, яъни улар кўшма сўз таркибида биринчи ёки ёрдамчи компонент сифатида иштирок этади.

		Иккинчи компонентлар													
		N	A	V	G	PI	PII	Pr.n	Pr.a	Pr.p	Adv	Num _c	Num _o	Prep	Part
Биринчи компонентлар	N	+	+		+	+	+				+				
	A	+	+			+	+				+				
	V	+	+	+					+		+				+
	G	+													
	PI	+													
	PII	+													
	Pr.n														
	Pr.a	+					+	+				+			
	Pr.p	+													
	Adv	+	+	+			+	+				+			

- ★ Тартиб сонлар миқдор сонларга караганда анча унумлироқ саналади, зеро ҳар икки тил системасида сон сўз туркуми сўз ясалишида нисбатан камроқ иштирок этади. Тартиб сонларнинг бош компонент сифатида ясалиш унумдорлиги 3 га тенг, иккинчи компонент сифатида иштирок этмайди.

1) NUM_{ordinal} + N 2) NUM_{ordinal} + ADJ 3) NUM_{ordinal} + ADV

- ★ Инглиз тилида предлог гап бўлаги вазифасида келса, ўзбек тилида улар келишик қўшимчалари вазифасини бажаради. Инглиз тилида предлог бош компонент сифатидаги валентлиги 2 га , ёрдамчи элемент сифатида 1 га тенг.

1) PREP + N 2) PREP + Pr.adj 1) V + PREP.

- ★ Инглиз тилида юклама бошқа сўз туркумлари сўз ясалишида иштирок этади ва унинг бош компонент сифатидаги валентлиги 1 га тенг, иккинчи элемент вазифасида қатнашмайди. Ўзбек тилида юклама умуман қўшма сўз ясалишида иштирок этмайди.

1) PART. + N

Инглиз тилидаги қўшма сўзларни гуруҳларга ажратганда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, уларни синтактик ва носинтактик, эндоцентриқ ва экзоцентриқ, копулятив (маъно боғловчили) ва аппозитив гуруҳларига ажратиш мумкин. Шу нуқтаи назардан айрим моделлар фақат бир гуруҳдаги ёхуд барча турдаги сўз ясашида иштирок этиши мумкин.

2.1. Қўшма отлар

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида биз таркиб жиҳатдан қўшма отларнинг етти асосий типи борлигини кўрамиз. Айрим типлар яна ўз ичида бир қанча кўринишга эга. Улар қўйдагилардан иборат:

1.Икки ёки ундан ортиқ отнинг ўзаро қўшилишидан тузилади.

Чунончи:

От билан отнинг ўзаро бирикувидан: асалари, аждаргул, айиқтовон, асалчибез, арнабодиён, анжиршоптоли, арнашоли, атиргул, ахднома, анбарсой, бангидевона, билакузук, бўтакўз, бедапоя, бойқўш, бақатерак, бошпана, бошқоронгу, белкурак, жўхориюя, жангнома, жартегирмон, зигирюя, зигирёғ, зардўппи, зинаюя, зардевор, итогиз, илдизюя, итбурун, итқовун, карвонсарой, карнайгул, косагул, кунжутюя, мошюя, марваридгул, маккаюя, машинаип, мисқозон, мисқўза, мажнунтол, момақалдироқ, нонжийда, ногорачўп, отқулоқ, низомнома, новвойхона, омонат, оштахта, охактош , поччаота, печакҳандалак, пискент, пашишаҳона, радиёсадо, радиёстансия, сувқалампир, сутпечак , саломнома, симелак, тудамайдон, тошқўмир, тугриқҳона, тишковлагич, таклифнома, темирёъл, толкучук, устқурма, хотиранома, чиннигул, шерқўргон, шеробод, шакароб, элчиҳона, юмронқозик, яккабош, қўшҳона, қўйпечак, қумтепа, қувасой, гузаюя ва ҳ.к.з. Бу типдаги қўшма отларнинг бадиий адабиётларда ва вақтли матбуотда ишлатилаётганларида яна қўйдагиларни кўрсатиш мумкин: Жалабек қишлоғида тонг отди. Меҳмонлар уша қариялар тўпига томон тушиб бораётганда бақақуриллоқ томонидан каттакон оқ эшак миниб, Ўрмонжон тушиб келди; МТС ҳовлисидан машиналар ва одамларнинг шовқини эшитилади, ишхонаси трубасидан ҳавога учқунлар тинмай сочилади; Сорабиби ўғлига яқин келиб, худди қўзбойлагичнинг ўйинини томоша қилгандек, қизиқиши ва диққат билан қаради; Бу – ўша мен қўл қўйиб олган ва мени қўлга тушурган талоқхат эди; Навоий “қор хат” ёзиб, унда қишнинг шоирона тасвирини... рангли услуб билан безаб , бир дўстига қиш хангомаси сифатида юборган эди. Бир неча

дақиқадан сўнг икковлари олтингугурт ҳиди келиб турган тахтада ўтирар эдилар. Оғзидан узилмас хўрозқанд,ўрик....; Янги суғориладиган майдонлар... Тахтакўпир ва ҳозирги вақтда ботқоқликда айланиб қолган Амударё қўйи оқиминг шарқи – жанубий томонида бўлади. Ўқувчиларнинг мактабда ўқишини осонлаштирмақ учун кўп мактаблар ҳузурида интернетлар ташкил қилинган, кутубхоналар очилган. Тошйўл жуда серқатнов...; Тонг чоғида Мамажон отанинг ишини кўриши учун қишлоқ аграноми билан бирга тошлоқнинг Найманбўстонига бордик.; Фаргона вилояти, Охунбобоев тумани, Шахартепа фермер хўжалиги ўтган йили пахта таёрлаш режасини ошириб бажарди.; Пойариқ тумани марказида кўркама биналар қад кўтармоқда.

2.Қўшма отларнинг иккинчиси элементи эгалик кўшимчаси билан келади: *Арпапишиги, буғдойпишиги, ойбоши, қўшоши, ўрикгули, тутпишиги, / вақт, мавсум номлари: Арпапишигида келинг каби /, ошқозонности/ анат./ буйракости, /анат./, эшак еми /мед./, Ариқбоши/ жой номи /,Бозорбоши/ жой номи /, Обжувозбоши/ жой номи/,Тарновбоши/ жой номи/,Ўрдатаги/жой номи/, Терактаги /жой номи/, Қўргонтаги /жой номи/, Волгабўйи, Болтиқ бўйи, Каспий бўйи, кўкноригули/ранг номи/, қуштили, қовозбоши/ овқат номлари/, тағоби/ узум номи/, бузоқбоши/ зоол/, тошбақа толи/ бот/, тоғмурчи/ бот/, тоғқудуси/ бот/, илонтими/ бот/, девортаги/ бот/, булдуруқўти /бот/, гоз ўти/ бот/, ишбоши, иш куни, иш ҳақи, карвонбоши, мироб боши, кўзёши, сўзбоши, тўй боши, пешон тери, оёқ ости, жон боши, музтили /геогр/. Ёрбоши –Мен Андижоннинг Ёрбошисида бўлдим. Йил боши – салом, истиқболим, бахтим, ҳаётим, қуёш ўлкасининг январ – йил боши ва ҳ.к.з.*

Қўшма отларнинг баъзиларида эгалик кўшимчасининг тушиб қолиши ҳоллари учрайди. Масалан: *Тутпишиқ тугади* , *илкбодомнинг,қандак ўрикларнинг вазни синадур.*; Аммо ҳали бу хил қўшма отларда эгалик кўшимчасининг тушиб қолиши тугал бир ҳолга кириб этмаганидан уларнинг баъзилари ҳозирги замон ўзбек адабий тилда икки формада учрайди: *оёқкийими- оқёқкийим, тутпишиги—тутпишиқ, арпапишиги—арпапишиқ ва ҳ.к.з.*Баъзан кўшма

отнинг қараткич ва қаралмиш бирикмасидан ҳосил бўлган тури ҳам учрайди. Масалан: қурбақанинг салласи /бир ўсимликнинг номи, /Тошкент шеваси/

3/ Изофали бирикмадан тузилганлари:

Богшамол /жой номи/, баргикарам /ранг номи/, гулраъно , гулбаҳор, гулрайҳон, гулхайри, гултожсиҳуроз, гулҳамишабаҳор, конимих, Конибодом, Шахрисабз, Сариосиё, Ганжиравон /жой номи/, Озигиждон/ жой номи/ ва ҳ.к.з. Изофали конструкция асли форс-тожик тилига хос бўлиб ,ҳозирги ўзбек тилида бу усул билан янги сўз ясалмайди.

4/ Изоҳловчи ва изоҳланмиш алоқасидан тузилган:

Амударё, Сирдарё, Сурҳондарё, Қашқадарё, Камарқишлоқ, Ойимқишлоқ, Пахтақишлоқ, Самарқандқишлоқ, Толқишлоқ, Чигитқишлоқ, Шакарқишлоқ, Қўқонқишлоқ, Қумқишлоқ, тол ёғоч ва ҳ.к.з.

Бу гуруҳдаги қўшма отларда изоҳланмиш олдин, изоҳловчи ундан сўнг келиши ҳам мумкин. Масалан: Омонкалхат қишлоғи Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманига қарайди.

Ўзбек тилида содда отлар гул, ой, биби, хон, жон, бой, бек, мирза, бобо, темир, мурод, али, назар, қул каби изоҳловчи тарзидаги сўзлар билан бирликда қўшма атоқли от формасига киради. Масалан: - Гул: *Аноргул, Ойгул, Баҳтигул,*; -Ой: *Ўлмасой, Турғуной, Ҳурматой, Турсуной;* --Биби; *Ойбиби, Гулбиби, Сорабиби;* - *Ҳон; Онахон, Ойимҳон, Ойҳон, Жураҳон, Офтобҳон;* --он; *Аҳмаджон,Гофуржон, Қутлугжон, Содиқжон;* --Бой; *Тўйчибой, Ёлдошбой, Алибой,Мирзабой,* --Бек, *Мусобек, Авазбек, Ёқуббек;* --Мирза, *Боймирза, Оймирза, Ҳолмирза, Ёълмирза;* --бобо; *Норбобо, Исобобо, Асрорбобо;*--Темир; *Бектемир, Тоштемир;* -Мурод; *Шомурод, Боймурод, Ҳожимурод, Султонмурод, Элмурод;* --Али; *Асқарали, Маҳмудали, Йигитали, Турсунали,* -- *Қул; Турсунқул, Назирқул,Асрорқул, Ҳамроқул;* --Назар, *Элназар, Шоназар, Тошназар, Пирназар, Ҳақназар* ва ҳ.к.з. Аммо профессор А. К. Боровков бундай типдаги қўшма отларни изоҳловчи санамайди. ¹⁸

¹⁸Проф. А. К. Боровков ,Ўзбек орфографияси масалаларига доир,Т.,1962,17 бет.

Ўзбек тилида қўшма атоқли отларнинг – киши отларнинг қисқарган формада қўлланиши ҳам мумкин: *Мамажон /Муҳаммаджон/ , Маткарим/ Муҳаммадкарим/, Ҳолмат/ Ҳолмуҳҳамад/, Бичеҳра/ Бибичегра/, Ойби/ Ойбиби / ва ҳ.к.з.* Бу тур қўшма отларнинг иккинчи элементи эгалик қўшимчаси билан ҳам келади: *Азов денгизи, Балхаш кўли , Болтиқ денгизи, Орол денгизи, Сахалин ороли ва ҳ.к.з.*

5/ От ва феъл негизларига –ш / ундошлардан сўнг –иш / қўшиш билан ясалган ҳаракат номларидан тузилади . Бу типдаги қўшма отлар илмий-техник, саноат ва қишлоқ хўжалигига оиддир: *дунёкараш, ишташлаш, ер қимирлаш, радиоузатиш/ физ. / радио эшиттириш, нур қайтариш, нур ютиш, нур синдириш ва ҳ.к. з.*

Баъзан қўшма отларда от+сифат типи ҳам учрайди: *лойсариқ, тухмаксариқ, зарпушти /ранг номлари/ Капаянги, Қумқияли, Ойтамғали /жой номлар/, болдирқора /бот./, бурмақора /бот./, найзақора /бот./, ўрмонқора /бот./, патакилдизли /от/, ерқимизли /бот./, тўнғиз ёнғоқли /бот.дарахт/, Бўтақора – Андижон туманидаги Бўтақора тайёрлаш фабрикасида пахта ортилган автомашиналар тўхтовсиз келиб туради.*

Ўзбек тили луғат таркибидаги қўшма отларнинг кўпчилигини от ва от бирикмасидан тузилган қўшма отлар ташкил қилади. Бу жуда маҳсулдор типдир.

2.Сифат ёки сифат вазифасида келган сўзнинг от билан қўшилишидан тузилади:*аччиқичак /анат/, аччиқмия, аччиқтош, Аччиқкўл, Болотош / жой номлари/, Бўзжар, Бўзсув, бўзтупроқ, бўзтурғай, бўзтикан, гўнғарға, Дўнғишлоқ, Дўнғсарой, Иссиқкўл, Каттақўрғон, Каттақўрпа /жой номи/,Катта Дўрмон, Кичик Дўрмон, Кичиқ Жартена, Катта Норин, Каттабоғ, Кўксарой, Кўктерак, Кўк ёнғоқ, Кўктош /жой номлари/, кўрсичқон, кўрилон, кўкйўтал, кўкқарға, Кўкорол, Кажалабош /ўсимлик/, кўпирғи /бот/, кўпҳад, кўпчизиқ, кўпбурчак / мат./ Юғонтепа, Юқорибоғ / жой номи/, Юқори Дўрмон, Юқори Чирчиқ, Янги ариқ, Янги ариқ, Янги қўрғон, Янги овул, Янгикент, Янгиқишлоқ, Янги Ургач, Янги ёъл, япалоққуш, ўртақишлоқ, Ўрта*

қишлоқ, Ўрта Осиё, Ўрта Дўрмон, Ўрта Чирчиқ, Ўрта сарой, Ўрта ариқ, қоражийда /жой номи/, қоратут, қорақурт, қоратуртиқ, қоракун, қоратургай, қорабўғоз, қоражигар, қораденгиз, қоратупроқ /зол/, қораёғ, қораўзак, қоратош, қорашақшақ, қорақарга, қоратухум /жоу номи/ қўшқудуқ, қўшқургон, қўштегирмон, қўштерак, қўшкўпир /жой номи/ ва ҳ.к.з.

Бундай қўшма отларнинг адабиётларимизда ишлатилаётганларидан яна қўйидагиларни келтириш мумкин:

Олақарга олғир бўлса ҳам, қарчигай ўрнини босмас./ мақол./ ; Ислон шоир Норпой тумани Галақассоб қишлоғида тугилди.; Ўша ғижим рўмол ўраган бизнинг Тожиҳондир.;

Қуёш шарқдан чиқиб, ғарбга боради,

Кўршапалак қўрқар қуёш нуридан./Ойбек/

Қўшработ қишлоғида янги йўл қурилди.; Ҳар ёққа тарбоқ айлаган қари толлар орасида лим-лим тўлиб оқаятган бир ариқ сув қўшиновдан гувиллаб настига отилар эди.

Баъзи бир адабий асарларда , жумладан , Ғ.Ғуломнинг ‘Ассалом’ шеърлар тўпламида, Сапсаргулнинг тожикча қурилиши /таркиби изофий/ ҳам учрайди.

Масалан:

Гулсапсар очилди, қизгалдоқлар ҳам

Арпа, бугдой бўйи белга баробар. /Ғ.Ғ/

Баъзан **- ли** қўшимчаси билан ясалган сифат ва отнинг қўшилшидан тузилган қўшма отлар ҳам учрайди: *Токлигузар / жой номи /, Мойлиўзак /жой номи/, Тахталиҳовуз /жоу номи/, қиялиқўргонча/ жой номи/, қўғаликўл / жой номи /, Тахталикўл, Пахталикўл, ислибошоқ / бой./ ва ҳ.к.з.*

Сифат+от+от, сифат+сифат+от ёки сифат+сифатдан тузилган қўшма отлар ҳам бўлади: *Оқсувкон / кўл номи/, қўштепасарой /жой номи/, қоракўрпасой /жой номи/, Шўралисой – Тошкент вилояти, Янгийўл тумани.*

Сифат ёки сифат вазифасидаги сўзнинг от билан қўшилишдан тузилган қўшма отлар ҳозирги замон ўзбек адабий тилида кўп қўлланади. Бу ҳам маҳсулдор типлардан эканлиги юқоридаги мисолларимиздан кўринади.

3. Сон ва отнинг қўшилишидан тузилади:

1/ Сон билан от ўзаро бирикади: *Бешбола, Бешовул, Бешқовоқ, Бешариқ, Бешкана, Бешкент /жой номлари/, бешбарг, /бот./, бешбурчак, бирқозон /зоол./, Бешқутан /жой номи/, Еттисув, еттибурчак, Еттиозайни, /юлдуз номи/, еттибўгин /бот./, бешбармоқ /овқат номи/, бешмингинчи, мингбош /бот./, Мингтепа, Мингтут, мингоёқ /зоол./, мингдемона /бот./, минггектарчи, олтихона, /бот./, Олтитепа, Олтиариқ, Олтиўзил, / жой номлари/ ва ҳ.к.з.*

Ўзбек тилида тожикча сонлардан ифодаланган Чортоғ, Чорсу, чорқирра, Чордегон, чордевор, панишоха каби қўшма отлар мавжуд бўлса- да, уларнинг биринчи элементи – сон алоҳида қўлланмайди, хатто ўзбек тилида маъноси ўқилмайди.

2/ Ярим сўзи билан отнинг қўшилишидан тузилади. Ярим сўзи от билан бирикканда, ўзининг айрим маъносини йўқотиб, қўшма сўз ҳосил этади: *ярим доира, ярим жон, ярим кун, ярим орол, ярим кеча, ярим саҳро, ярим аср, ярим финал, ярим чўл, ярим қоронғу, ярим текислик, ярим йиллик, ярим ойлик, ва ҳ.к.з.*

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ёрти ва ним сўзлари ёрдами билан тузилган қўшма отлар ҳам учрайди: *нимранг, нимжон, нимқоронғи, ёрти қошиқ – Ёмондан ёрти қошиқ./Мақл./ ёрти мол-Яхши ният- ёрти мол./мақл./ ва.ҳ.к.з.*

Ўзбек тилида сон ва отнинг қўшилишидан тузилган қўшма отлар каммаҳсул тип экани кўринади.

4. Ўз олмош ва –лик қўшимчасини олган сўзлардан тузилади.

Қўшма сўзлар лексикани бойитишнинг сербарака усулларидан эканлиги сабабли, бу усул тилда кенг қўлланилади. Чунончи, ўзолмоши билан *ўзбошимчалик, ўзбилармонлик* типдаги ясалиш илгаридан бор ҳодиса эди. Кейинги вақтда русча *самотёк* сўзини калькалаштириб *ўзибўларчилик* тарзида олинди. Шу билан ўз олмошининг қўшма сўз вужудга келтириш доираси кенгайди: *ўзсўзчилик, ўзбошимчалик, ўзбилармонлик, ўзибўларчилик ва ҳ.к.з.*

5. От билан феъл формаларининг ўзаро қўшилишидан тузилади:

1/ От ва аниқлик феълидан тузилади: *Сой келди, Илонўтди, қозонбузди, қумбосди, қор ёзди, /жой номлари/, гуштқўйди /овқат номи/, отқочди/ болалар ўйини/, қўшчиқди/ мавсум/, ҳуморбосди, Меҳмонбости, Хонкелди /исм/, Иштонсолди- Сойики иштонсолдис, келгай шаҳидларнинг иси, канда эмасдир ўғриси, асли қароқчизор экан. /Муқ./ ва ҳ.к.з.*

От ва буйруқ феълидан тузилган қўшма отлар ҳам бўлади: *қулоқчўзма каби.*

Баъзан сифат ёки равиш билан аниқлик феълининг қўшилишидан тузилган қўшма отлар ҳам учрайди: *Оқ ёзди /тўқимачилик термини/, оқкийди, кўккийди /маросим номлари/, Кечгелди /тоғ номи/, гурскетди /қовун номи/, Хушкелди – романнинг асосий қахрамони Хушкелди- аграном, узумчиликда янгиликлар яратган мичуринчи ва ҳ.к.з.*

2/ От ва сифатдошдан тузилган:

а/ от ва –ган / -кан/ формали сифатдош билан тузилади:

Йўлтушкан- йириклашган “Мустақиллик” қишлоғининг майдони Йўлтушкан қишлоғининг ўртаси ҳисобланади.; Избоскан – Избосканлик Эзозхоннинг олган ҳосили, замонамиз маърифат меваси бўлди. Қизкетган /канал номи / ва ҳ.к.з.

б/ От ва –ар //-р/ бўлишсиз-мас/ формали сифатдош билан тузилади: *бешиктерватар, болтаютар /зоол/, бўйўсар, бўрибосар, изқувар, йўлбосар, музўяр, музкесар, молбоқар, Отчопар/жой номи/, отбоқар, Пахтақайнар /жой номи/, пашишақўнмас, почақирқар/бот./, сувкесар/кеманинг тумишуги/, Туятортар, Сувйигар /ўсимлик номи/, товонтешар/зоол./ ўринбосар, тошкесар, бронтешар, қонтепар/бот/ ва ҳ.к.з.*

Айрим ҳолларда *сон* ёки *сифат* билан – *ар* формали сифатдошдан тузилган қўшма отлар ҳам учрайди: *бешотар /милтиқ номи/, Оқўрар/тўй олдидан бўладиган маросим/, оқсолар /маросим номи/, Кичиқик қайнар, Катта қайнар/ жой номлар/ ва ҳ.к.з.*

в/ от ва – увчи// -вчи формали сифатдош билан тузилади: *иш юритувчи, ишбошқарувчи, нурчиқарувчи, радиоэшитувчи, радиоэшиттирувчи, сутэмизувчи, ертузувчи, ҳарфтерувчи ва ҳ.к.з.*

Ҳозирги замон ўзбек тилида -ар ва -увчи// -вчи формали сифатдош билан ясалган кўшма отлар кўп учрайди.–ган //- кан формали сифатдошдан ясалгани бунга нисбатан оздир.

Профессор А.К.Борозков кўрсатганидек, от ва сифатдошдан тузилган кўшма сўзлар қаторида тожикча элементли, қадимдан ўзбек тилига кириб ўзлашган сўзлар ҳам киради¹⁹: *ошхўр, меросхўр, баргхўр /зоол/, қонхўр, гўштхўр /зоол/, момиқхўр/ зоол/, донхўр/ зоол/, пўстлоқхўр /зоол./, кундаков, гўрков, ёлпўш, китовхон, мевафуруш, зараркунанда, қонунишунос, товаришунос, тупроқшунос, қаламтарош, ҳайкалтарош – П.П.Бенко номли республика рассомлар мактаби 32 йиллик иш даврида мингга яқин рассом, ҳайкалтарош ва расм ўқитувчиси етиштириб чиқарди. Чойхўр – Менинг чойхўрларимга гапи бор. Лойхўрак – Лойхўрак яна бир неча бор қақирлагандек бўлди ва ҳ.к.з.*

6. Фейл формалари биланотнинг кўшилишидан тузилади:

1/ Фейлнинг бўйруқ формаси ва от: “Ёрилтош”, “Очилдастирхон”, “Уркалтак”, “Уртўқмоқ”, “Очилқамиш”, “Қайнархумча” ва ҳ.к.з.

Аниқлик феъли ва отдан тузилган кўшма отлар ҳам бўлади: *Толдиқўрғон/ жой номи/, Бердимурод /исм/ ва ҳ.к.з. Масалан:Бердақнинг ҳақиқий исми Бердимурод бўлиб , Бердақ унинг адабий тахаллусидир.*

2/Сифатдош ва от : *ёнартоғ, оқарсув, учарқуш, “Учарот” /эртақ номи/, “Учаргилам” /эртақ номи/, турар жой- Мажлисда Тошкент шаҳрини обод қилиш ва тураржой , ишларини янада ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди. Куйганёр – Ёзёвоннинг, Куйга ёрнинг додига этдик, Учқўрғоннинг даштларини гулга гарқ этдик. /”Хат”/, Қайнарбулоқ – қизларжон, Қайнарбулоққа бошланганг, пули кўп деб, бой йигитни ҳушланганг. /Фольк./ ҳ.к.з.*

Ёнартоғ, тураржой каби кўшма отлардаги ёнар, турар сифатдошлари замон тушунчасини йўқотиб, предметнинг доимий белгисини ифодалашга кўчган ва доимий ҳаракат белгилари ўша предметларга хос белгиларга айланган.²⁰

¹⁹А.К.Борозков, О некоторыхочередных вопросах орфографии узбекского лературного языка,Т.,1956,92 бет

²⁰Р.Жуманиёзов,Ўзбек тилида сифатдош, Тил ва адабиёт,1979,107 бет

3/Рашишдош ва от ёхуд рашишдош билан, ҳаракат номлари ўзаро қўшилади: *қайта синов, қайта нашр, қайта ишлаш, қайта тақсимлаш, қайта тарбия, қайта сайлов, қайта тузиш ва ҳ.к.з.*

7. Ҳар икки элементи ҳам феъл формаларидан бўлади: *Топиволди, сотиволди, босволди /қовуннинг тури/ , олибсотар, олибқочар, искаптопар /зоол/, ишлабчиқариш, Тарқабчиқай / қашқадарё билояти, Деҳқонобод туманига қарашли қишлоқ номи/ ва ҳ.к.з.*

Ҳар икки элементи ҳам феъл формаларидан тузилган қўшма отлар маҳсулсиз типга киради. Биз юқорида қўшма отларнинг таркиб жиҳатдан турларини кўриб ўтди. Аммо ўзбек тилида қўшма отларнинг маъноси уларни ҳосил этган элементларнинг маъноси одатда ўзбек тилида шу компонентларнинг биринчи элеменет, баъзан ҳар икки элементи маъносга қараб белгиланади. *Масалан: қўшма от таркибидаги иккинчи элемент маъносидан англашилган предметнинг биринчиси англаган предметга шакл- тақлид жиҳатдан ўхшашлигини ойболта- ой шаклидаги болта, туяқуш – “туядек”/катта қуш/, унинг нимадан ишланганлигини- предметини /мислаган, мискўза, тунукақути /, ўрин-жойга муносабатини қўқонгул, эр ёнғоқ, даласичқон /, бирор нарса – предметга оид –доирлигини / кўзойнак, оловкурак, чойқути/, сифатини / оққуш, Оққўрғон, қизилтепа/, шаклини /япалоққуш, чорқирра, эгрибош/, физиологик ҳолатини /кўршапалак, кўрсичқон, кўрилон/, мазасини / аччиқтош, шўрбулоқ/ ва шу каби маъноларни билдиради.*

Бү жиҳатдан уларнинг энг асосий типлари қўйидагилар:

1. Биринчи элементдан англашилган предметга ўхшашликни билдиради: *тутанжир, анжиртоптолди, пахтаолма, мажнунтол, қатқорин, айиқтовон, итоғиз, отқулоқ, бақатерак, туяқуш, ойболта, ойболдоқ, тошибақа, туяқорин, гултожиҳуроз, қўзиқорин, олмабош ва ҳ.к.з.*

2. Биринчи элемент ифода этган нарсадан ишланганликни ёки унинг таркибида шу материалнинг қисман борлигини билдиради: *мискўза, мисқозон, мислаган, симелак, пар ёстиқ, зардўппи, зарварақ, шолрўмол, тўрқовоқ, ёғочоёқ,*

симтўсиқ, лойсувоқ, ганжсувоқ, бўрлама, кумуш қошиқ, темир йўл, тош йўл ва ҳ.к.з.

3. Биринчи элементи оидликни, доирликни билдиради:

а/ Биринчи элемент ифода этган предметга оид буюм номини билдиради: *ошпичоқ, оштахта, оттўрва, қийматахта, кўзойнак, эгартўшак, чойкутти, гугуртқути, билакузук, белбоғ, мўйчинак, қўлчироқ, қўлсоат, қўларра, қўлнасос, тишковлагич, қайроқтош ва ҳ.к.з.*

б/ Биринчи элементдан англашилган маънога оидликни билдиради: *бедапоя, бугдойпоя, жухорипоя, зигирпоя, шолিপоя, гўзапоя, ошқовоқ, белогриқ, бошогриқ, отхона, чойхона, босмахона, тугриқхона, пашшахона, сомонхона, молхона, кирўра, қандчой, ширчой, мошхўрда ва ҳ.к.з.*

в/ Биринчи элементдан англашилган ўрин-жойга мансуб бўлган предмет номини билдиради: *қўқонарава, чўлбуқа, чўлбақа, чўлялиз, тоғсафъиз, чолилон, тоғчумчуқ, тоғтака, эр ёнгоқ, наманган олма, далачумчуқ, тоғжамбил ва ҳ.к.з.*

4. Биринчи элемент билдирган маънога нисбатан қўйилган ўрин-жой номини билдиради: *Деҳқонобод, Шерқўргон, Шертена, Шўрқишлоқ, Товоқсой, қувсой, Косонсой, Пахтаобод, Ширинсой, Самарқандқишлоқ, қўқонқишлоқ, Поччаота ва ҳ.к.з.*

5. Биринчи элементи белги номини билдиради:

а/ Биринчи элементдан англашилган белги билан аталувчи ўрин-жой номини билдиради: *Оқкўл, Оқтаена, Оққўргон, Оқтош, Оқсув, Оққамиш, Оқсарой, Оқчангал, қорақум, қорадарё, қораўзак, қорасув, қоракўл, қизилқум, қизилўрда, қизилравот, қизилкўприк, қатортол, қўшқўргон, Тўптол, Мингтут ва ҳ.к.з.*

б/ Биринчи элементдан англашилган белгига кўра предмет номи билдиради: *бўзтупроқ, бўзтўргай, бўзтикан, кўксағиз, кўкнухат, кўксултон, кўкқарға, кўкютал, кўктаргоқ, оқуруг, оқпарпи, олақарға, қорақурт, оққуш, қоратупроқ, қоражигар, қораялоқ, қоратўргай, қизилуруг, қирқоёқ, қирқбўгин, ҳаққуш, қурбақа, қисқичбақа ва ҳ.к.з.*

6. Биринчи элементи шакл-тахлит билдиради: *япалоққуш, қийшиқбурчак, тўғрибурчак, синиқчизиқ, кесимчизиқ, ёпиқшакл, эгрибош, тиккабош, тешиктоғ ва ҳ.к.з.*

7. Биринчи элементи физиологик ҳолат билдиради: *кўрсичқон, кўрилон, тентаққуш, кўршапалак ва ҳ.к.з.*

8. Биринчи элементи маза билдиради: *шўрбулоқ, аччиқмия, чучукмия /бот/ , аччиқтош, аччиқбута, аччиқданак, аччиққалампир, аччиққатиқ ва ҳ.к.з.*

9. Ўрта, қуйи, юқорикаби сифатларни отга /географик номга / тиркаб , ўша номдан англашилган жой /қишлоқ, шаҳар, мамлакат/ нинг маълум қисмини англаувчи сўзлар ясалади. *Юқори Чирчиқ, қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ кабилар ҳам, аслида Чирчиқ дарёсининг юқори, ўрта ва қуйи оқимларига нисбатан берилган қўшма географик номлардир. Бу хилдаги номлардан яна қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: Ўртақўрғон, Ўрта Дўрмон, Юқори Дўрмон, Кичик Жартена, Кичик қайнар, Катта қайнар, Юқорибоғ, Ўрариқ, Ўртақишлоқ ва ҳ.к.з.*

10. Субъект билан предикат муносабати:*қумбости, қор ёғди, Сойкелди, Пахтақайнар, Туятортар, Отчопар, хуморбости, қушқунмас, пашишақўнмас ва ҳ.к.з.*

11. Объект билан предикат муносабати:*бешиктерватар, болтаютар, отбоқар, қўйбоқар, молбоқар, бўрибосар, йўлбосар, муз ёрар, ўринбосар, товонтешар, тошкесар ва ҳ.к.з.*

*** Қўшма отларнинг ҳар икки элементи бирликда англаган маънолари ҳам турлича бўлади. Чунончи:**

1. Киши номларини билдиради:*Асрорбобо, Асрорқул, Турсунқул, Аҳмадҷон, Холмирза, Оймирза, Шоназар, Турсунали, Йигитали ва ҳ.к.з.*

2. Оила ва қариндош – уруғ номларини билдиради:*холавачча, аммабачча, амакибачча, тоғавачча, қайнона, қайнота, қайнога, қайнисингил ва ҳ.к.з.*

3. Анатомик номларни билдиради: *кўричак, қатқорин, аччиқичак, қораталоқ, шотомир, қизилўзгач, ошқозон, қоражигар, коктомир, буйрағусти ва ҳ.к.з.*

4. Касаллик номларини билдиради: белогриқ, бошогриқ, қизилкўйлак, кўкйўтал, темирўтки, юракбуруз, сувчечак, қилтомоғ, эшак эми, томоқозгриқ ва ҳ.к.з.

5. Буюм, асбоб – анжом номларини билдиради: тегирмонтош, қайроқтош, белкурак, оташкурак, қўларра, қўлнасос, қаламтарош, симелак, чойқути, ойболта, ошпичоқ, оштахта ва ҳ.к.з.

6. Юлдуз номларини билдиради: Еттиоғайни, Олтинқозиқ, Темирқозиқ, Тенгтарози ва ҳ.к.з.

7. Тупроқ номларини билдиради: бўзтупроқ, сариқтупроқ, қизилтупроқ, қоратупроқ, созтупроқ, шўртупроқ, шўрхоқ ва ҳ.к.з.

8. Ўрин – жой номларини билдиради: Деҳқонобод, Жарқўрғон, Жарариқ, Оқтепа, Оқчангал, Тўйтепа, Тепақўрғон, Пахтаобод, қумтепа, Янгийўл, Янгиариқ, туғриқхона, босмаҳона ва ҳ.к.з.

9. Жонивор ва ҳайвон номларини билдиради:

1/ ҳашорат номлари: мингоёқ, қирқоёқ, товонтешар, бешиктерватар, болтаютар, асалари, қорақурт ва ҳ.к.з.

2/ Балиқ номлари: тангабалиқ, майбалиқ, сазанбалиқ, чўртанбалиқ, олабуға, болгабалиқ, илонбалиқ, найзабалиқ ва ҳ.к.з.

3/ Судралиб юрувчилар номи: тошбақа, калтакесак, эчкемар, сувилон, ўқилон, қилилон, сариқилон, қораилон, оқилон ва ҳ.к.з.

4/ Парранда номлари: тўтиқуш, бойқуш, тентакқуш, туяқуш, тоғчумчуқ, оққуш, кўкқарға, қорақарға, олақарға ва ҳ.к.з.

5/ Кемирувчилар номи: олмахон, олмабош, каламуш, кирпичитикан, юмронқозиқ, даласичқон, чўсичқон ва ҳ.к.з.

6/ Сутемизувчилар номи: қорабайир, бўзот, оқтой, кўктой, қоратўриқ, нортую, чўлбуқа, тоғтака ва ҳ.к.з.

10. Ўсимлик номларини билдиради:

1/ Ўт номлари: Сутпечак, қўйпечак, зарпечак, оқпарпи, қўйтикан, садарайҳон, сассиққўкат, қирқбуғин, отқулоқ, олмосўт, сувқалампир, бойчечак, қушқўнмас, айиқтовон ва ҳ.к.з.

2/ Гул номлари: атиргул, аждаргул, итоғиз, гултоғжихўроз, гулҳамишабаҳор, бахмалгул, картошкагул, қоқигул, қизилгул, сариқгул, оқиомгул, лолагул, печакгул, пуштигул, қўқонгул ва ҳ.к.з.

3/ Дарахт номлари: бақатерак, мирзатерак, мажнунтол, садақайрағоч, чиннитерак, тоғтерақ ва ҳ.к.з.

4/ Техника экинлари номи: кунгабоқар, канақунжут, кўксағиз, қумсағиз ва ҳ.к.з.

5/ Донли ўсимликлар номи: қизилмағиз, музранг, туятиш, чорқирра, арпашоли, девзира, қорақилтириқ, эгрибош, тиккабош, қизилбош, маккажухори, оқжухори ва ҳ.к.з.

6/ Полиз экинлари номи: олапўчоқ, қизилуруғ, босболди, шакарпалак, гурскетди, қораолачи, бўрикалла, кўктирна, ошқовоқ ва ҳ.к.з.

7/ Мевалар номи: анжиршоптоли, тутанжир, мирсанжали, оқўрик, нонжийда, жилонжийда, каттақўрғон, шакарангур, тағоби, хўжахайройи, пахтаолма, тоғолча, кўксултон, эрёнгоқ, шотут ва ҳ.к.з.

8/ Ёвойи мевали ўсимликлар номи: Маймунжон, итбурун, итқовун, итузум ва ҳ.к.з.

11. Овқат номларини билдиради:мошхўрда, ширгуруч, ширчой, ширмойи, бешбармоқ, гўштқуйди, нўхатиўрак, қуштили, қовогоши ва ҳ.к.з.

12. Кийим – кечак номларини билдиради:ичкўйлак, шолрўмол, докарўмол, зардўппи, тусдўппи, тағдўзи, қўлқоп, каллапўш ва ҳ.к.з.

13. Ҳужжат ва иш қоғозлари номини билдиради: гувоҳнома, низомнома, шаҳодатнома, мурожатнома, табрикнома, шартнома, таклифнома, тилҳат ва ҳ.к.з.

14. Мавсум номларини билдиради:аввалбаҳор, кечкуз, ўрикгули, қовунпишиги, тутпишиги, арпапишиги, қўшчиқди ва ҳ.к.з.

15. Касб, мутахассисликни билдиради:қонунишунос, шарқшунос, тупроқшунос, ҳайкалтарош, кинооператор ва ҳ.к.з

16. Маълум бир фанга доир илмий ёки махсус терминларни билдиради: учбурчак, тўртбурчак, карбонсув, карбонводород, дунёқараш, ярим шар, ишлаб чиқариш, темирўлчи, устқурмава ҳ.к.з.

Биз юқорида инглиз тилидаги сўз туркумларининг қўшма сўз ясалишидаги ўрни ҳақида умумий фикр юритган эдик. Эндиликда ҳар бир сўз туркумини алоҳида таҳлил қиламиз. Фикримизни аниқроқ баён қилиш мақсадида сўз туркумларини биринчи ва иккинчи компонент сифатида ўргандик ва уларни баён этишда моделлардан фойдаландик.

Иккинчи компоненти от (Noun) сўз туркуми моделлар.

1-Модель. N+N(от +от)

Бу модель таркибида икки бир хил сўз туркуми компонентдан ташкил топганлиги сабабли носинтаксик(синтаксисга алоқадор бўлмаган) модель саналади. Бу ҳақида Л.Блумфильд куйидаги фикрни билдиради:

“...door knob(эшикнинг дастаги), bedroom(ётоқхона), salt-cellar(туздон), tomcat(эркак мушук) каби сўзлари таркибидаикки от компонентларнинг бирлашиб келиши инглиз тили синтаксисада учрамайдиган ҳолатдир.”²¹

Бу модель доирасига эргашган(rainbow) ва тенг(fighter-bomber) муносабатли қўшма сўзлар киради.

Эргашган қўшма сўзлар таркибидаги икки компонент орасида турли семантик муносабатларни аниқлаш мумкин. Албатта уларнинг барчасини санаб ўтишнинг иложи йўқ, лекин биз айримларига мисоллар келтирамиз.

*Масалан, О. Есперсон айрим маъно боғлиқликларини санаб ўтади:*²²

- a) Биринчи компонент субъектни англатади: sunrise(тонг отиши), earthquake(зилзила).
- b) Биринчи компонент объектни англатади: sunworship(куёшга сиғиниш), dog-and-ponny(цирк).
- c) Биринчи компонент ўрин-жойни англатади: garden-party, air-mail;

²¹Л.Блумфильд. Язык. М., 1968, 254 бет

²²О. Jespersen. A modern English Grammar, p. IV, London, p 164

- d) Биринчи компонент вақтни англатади: nightmare;
- e) Биринчи компонент мақсадни англатади: flagstaff, Salvation army;
- f) Биринчи компонент воситани англатади: gunshot, booklearning;
- g) Биринчи компонент қисман иккинчи компонентнинг маъносини англатади: stone fruit, mountain range;
- h) Биринчи компонент иккинчи компонентнинг сифатини англатади: needle-fish, bell-flower;

N+N модели юзасидан Г.Марчанд қуйидаги фикрни айтади.²³

“Ҳар бир қўшма сўз компонентлари асосида қиёслаш (blockhead, wiregrass), материал (tinware, network), мақсад (gunpowder, breadbasket), ўрин-жой (waterhorse, headache), вақт (evening song, moon-flower) ётади. Лекин хулоса қилганда, жамики тилда мавжуд бўлган қўшма сўз компонентларини маъно боғлиқликларига қараб моделларга ажратишнинг иложи йўқ. Зотан, nightshirt-базмларда кийиладиган тунгги кўйлакми ёки уйқуга ётишда кийиладиган тунгги кўйлакми умуман аҳамиятсиздир” Қўшма сўз компонентларининг таҳлилида N+N модели маънодош сўзлар ясалишида ҳам иштирок этади. Масалан, Р.Лиз N+N моделига асосан иккинчи компоненти -dog бўлган сўзларни келтиради:²⁴ Puppydog (кучук боласи), bulldog (хўкизга ўхшайдиган ит), shepherd's dog (чўпоннинг ити), watchdog (қоровул ит), police dog (хизматдаги ит), sheepdog (овчарка), hangdog (итбоқар), fogdog (тумандаги шарпа), huntingdog (овчи ит).

Берилган изоҳлар фақатгина ясама сўзларнинг маъносини тушунишда ойдинлик киритади холос, ўзбек тилида бу ясамаларнинг айримлари сўз бирикмаси сифатида таржима қилинади.

От сўз туркуми бошқа сўз туркумларига қараганда сўз ясалишида иштирок этувчи энг маҳсулдори ҳисобланади. Шунинг учун турли семантик маъноли сўзлар ясалишида асос ҳисобланади. “ A Grammar of Contemporary English”

²³H. Marchand, The categories and types of present-day English word-formation, Wiesbaden, 1960, p.22

²⁴Lees R.B Problems in the grammatical analysis of English nominal compounds.”Progress in Linguistics”. Ed. By M. Bierwisch and K. E.Heidolph. The Hague, 1970.

асари муаллифлари N+N модели асосида ҳосил бўлиши мумкин бўлган сўзларни ажратади:²⁵

- 1) 2-компоненти феъл сўз туркумли отлар: sunrise, beesting, catcall; изоҳланганда, sunrise – the sun rises (тонг отиши – тонг отади.)
- 2) Юқоридаги моделга асосан ,лекин изоҳи фарқли:
Bloodtest – x tests the blood. (қон анализи – кимдир қонни текширади.)
- 3) Иккинчи компоненти –ерсуффиксли иш – ҳаракатни бажарувчи шахс: cigar-smoker, crime-reporter; ва иш- ҳаракатни бажарувчиси шахс бўлмаган сўзлар:
Dishwasher, lawn-mower.
- 4) X + Verb + Prep + N изоҳли сўзлар:
Baby-sitter – x sits with a baby (энага – кимдир бола билан ўтиради), back-swimmer (x – swims on the back), playgoer (go to play), sunbather (x – bathes in the sun).
- 5) X + Verb + Prep + N изоҳли сўзларда иккинчи – ер қўшимчасисиз бўлган сўзлар:
Homework – x works at home; boat - ride – ride in the boat; moon-walk – walk on the moon; day-dream – dream during the day.
- 6) N₁ (бош сўз) N₂ (эргашган сўз) муносабатли сўзлар:
Air-brake (ҳаво тормози), air-rifle (пневматик қурол), motorcycle (мотоцикл), steam engine (буғ двигатели);
- 7) N₂ (бош сўз) N₁ (эргашган сўз) муносабатли сўзлар:
Power plant (электростанция), silkworm (ипак қурти), tear gas (кўздан ёш оқизадиган газ), textile mill (тўқимачилик фабрикаси).
- 8) N₁ (бош сўз) N₂ (эргашган сўз) нинг сифатини ифодалайди:
Piano keys (пианино клавишлари), table leg (столнинг оёғи), car wheel (машинанинг ғилдирағи).
- 9) N₂ - N₁ дир модели:
Drummer boy, (дўмбирачи) oak tree (эман дарахти)

²⁵R. Quirk et al. A Grammar of Contemporary English, London, 1974

10) $N_2 - N_1$ га ўхшашдир модели: goldfish(тилла балиқ), dragonfly(ниначи);

11) $N_2 - N_1$ учундир: bird-cage (қафас), coffee time().

Шунингдек , бахуврихи типигаги сўзлар ҳам ажратиб кўрсатилади, яъни биринчи компонентнинг маъно устунлигидир: blockhead(тўнка,гўл одам), birdbrain(товуқ мия),feather-brain(енгилтак одам).

Замонавий инглиз тилида *N+N модели* асосида ясалган сўзларнинг кўшилиб ёзилишига эҳтиёж сезилмоқда. Бунда ясама сўзнинг монолитлик(бутунлик) хусусияти ортади ва у янги сўз ясалиш занжирида иштирок эта олади. Инглиз тили сўз ясалиш системасида икки асосли феъллар кам ясади, лекин *N+N моделли* сўзлар конверсияга учраб икки асосли феъл ҳосил қилади:

to spotlight(ёритмоқ), to blacklist(қора рўйхатга киритмоқ), to shipwreck(ҳалокатга учрамоқ).

Кўшма сўзларнинг конверсия ҳодисаси инглиз тилидаги икки компонентли кўшма феъллар ясалишининг ягона усули ҳисобланади.

2- модель. A+ N (сифат + от)

Бу моделнинг биринчи компоненти сифат сўз туркумида бўлса ҳам , у кўшма сифатлар ҳосил қилишда иштирок этмайди. Аксинча улар кўшма отлар яшашда иштирок этади.

Бу модел эндоцентрик бўлиб, кўшма отлар ясалишида иштирок этади. Бунда компонентлар тартиби худди а good man (яхши одам) сўз бирикмаси каби бўлгани учун у синтактик ҳисобланади. Лекин бу икки ҳодиса орасида бир қанча фарқли жиҳатларини аниқлаш мумкин:

- 1) компонентлар орасидаги ички боғлиқлик ва айнанлик;
- 2) урғуга асосланган фонетик белгилар;
- 3) орфографик белгилар – кўшма сўзларнинг кўшиб ёзилиши;
- 4) ташқи белгиларга кўра, масалан, кўшма сўз компонентлари алоҳида синтактик алоқага кириша олмайди, яъни а very blackbird типигаги бирикмалар хатодир.

5) Семантик жиҳатдан – кўшма сўз таркибидаги компонентлар асл маъносини қисман йўқотиб, янгича маъно касб этади. Сўз бирикмасида эса бош ва эргаш сўз муносабатлари устунлик қилади. Масалан, a dark room сўз бирикмасида хоҳлаган қоронғу хона тушунилса, a darkroom кўшма сўзи фотолаборатория хонасини англатади.

A+ N моделида “a hothouse” ва “a mad house” туридаги сўзларни ажратиш мумкин. “a hothouse” туридаги сўзларда сифат от сўз туркумини аниқлаб келади, лекин “mad house” туридаги сўзларда биринчи компонент иккинчи компонент билан умуман маъно алоқадорлигида бўлмайди. Яъни “a hothouse – a house which is hot”(иссиқ бўлган хона); “a mad house ≠ which is mad”(жинни бўлган хона эмас, балки жиннилар учун мўлжалланган уйдир). Биринчи турдаги сўзларга busybody, freshman, hotbed, blueprint; иккинчи турдаги сўзларга, poorhouse, sick-list, dry-nurse.

Иккинчи турдаги сўзлар A+ N моделида ўз аксини ҳар доим ҳам топавермайди. Р.Квирк ўз асарида A+ N моделидаги сўзларни ‘noun is adjective’ (от - сифатдир) тарзида изоҳлайди.²⁶ “darkroom – the room is dark”, blackboard, blueprint, doubletalk, dry-dock, longboat, madman.

Айрим тилшунос олимлар a madhouse ва a greengrocer сўзларини юқоридаги қоидадан мустасно деб ҳисоблашади. Сабаби бу сўзларнинг биринчи сифат компоненти конверсияга учраб отлашган деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Р. Зандфорт шундай дейди: “In greenhouse, mad doctor, madhouse, sick-room, sweet-shop, etc. the first element is an adjective converted into a noun”²⁷

Blackshirt, greybeard, pale-face, red-breast, tender-foot каби сўзлар бунга мисол бўла олади. Юқоридаги айрим кўшма сўзларнинг иккинчи компоненти кўплик шаклида бўлиши мумкин: a lazy-bones(ялқов), a light-skirts(енгил табиатли аёл), a daddy longlegs(узун оёқли чивин).

3-модель. V+N(феъл+ от)

²⁶Қаранг: R.Quirk, Ўша асар.

²⁷R.W. Zandvoort, A handbook of English grammar, London, 1958, p280

Бу модель синтактик ва эндоцентрик модел ҳисобланади. Унинг эндоцентрик дейилишига сабаб, таркибидаги икки компонент бирлашиб, мураккаб қўшма отлар ҳосил қилади. Феълдан кейин от сўз туркумининг келиши ва қўшма сўз ҳосил қилиши унинг синтактикага алоқасини белгилайди. Бу модел асосан иш – ҳаракатни бажарувчи шахс отлар ясалишида иштирок этади. Масалан, cut-throat(каллакесар, қотил), pickrocket(киссавур, ўғри), turncoat(сотқин, тўнини тесқари қийган). Бу модел доирасига иккинчи компоненти ясалган қўшма сўзнинг умумий маъносини англатувчи, феъл компонент эса унинг маъносини тўлдириб турадиган сўзлар киради. Масалан, drawbridge(кўтарма кўприк) ва pickrocket(киссавур, ўғри) мисолида оладиган бўлсак, ҳар икки сўз модел асосида ясалган, лекин бир-биридан фарқ қилади. Drawbridge (кўтарма кўприк) предметнинг сифатини англатса, pickrocket (киссавур, ўғри) иш – ҳаракатни бажарувчи шахс маъносини англатади. Drawback типдаги сўзларга mincemeat(қийма гўшт), punchcard (перфокарта), pushbutton(тугма, кнопка) каби сўзлар киради. Улар трансформация қилинганда, $X \rightarrow pushes\ the\ button$ (кимдир тугмани босади); $X \rightarrow minces\ the\ meat$ (кимдир гўштни қиймалайди) кўринишида бўлади. Бошқа трансформациялар қуйидагича бўлади: a grindstone (қайроқтош) – a stone to grind (ўткирлайдиган тош); a playground(ўйин майдончаси) – a ground to play(ўйин учун мўлжалланган майдон).

4-модель. G+N(герундий+от)

Бу модель эндоцентрик ҳисобланади. Инглиз тилидаги деярли барча сўзлар бу модел асосида ясалади. Бунда иккинчи компонент предметни, биринчи компонент эса уни иш-ҳаракат бажарувчиси сифатида баҳолайди. Writing-table (ёзув столи) – ёзув учун мўлжалланган стол; sleeping car - ухлаб (ётиб) кетиладиган вагон.

Бу сўзлар транс N_(от) → V_(феъл) учундир линганда, шаклида бўлади. Р.Квиркўзасаридабу турдаги сўзларни қуйидагича трансформация қилади: G+N → V дир. Drinking cup → drink out of a cup.

Бу турдаги трансформация натижасида айрим сўзларнинг иккинчи компоненти “жой” маъносини англатади: diving board – dive from a board.(сакраш тахтаси), frying pan → fry in a pan (това).

Бошқа турдаги сўзларда иккинчи компоненти иш-ҳаракатни бажарувчи “восита” вазифасини бажаради: adding machine – add by means of/with a machine (арифмометр- арифметик амалларни содда ҳисоблаш машинаси ёрдамида бажариш); baking powder – bake with powder(пазандалик кукуни-пишириқларда фойдаланиладиган кукун).

Инглиз тилида қўшма сўз ясовчи моделларнинг сермахсуллиги сабабли икки турли хил моделлар параллел равишда сўз ясалишида иштирок этади. Масалан, G+N ва V+N моделлари деярли бир хил маъноли сўзларни ҳосил қилади: flashing point (G+N) = flash point (V+N) → “аланга ўчоғи ” ; swimming bladder - = swim bladder – V+N → “сузгич пуфағи”.

Бу ҳодисани Р.Зандворт куйидагича изоҳлайди: унинг фикрича, бу фарқлилик тилдаги Америкадаги инглиз тили ва Британия инглиз тили диалектларининг мавжудлигидадир: sailboat(American English) = sailing boat () → елканли кема, spark plug (American English) = sparking plug(British English) → ўт олдиригич.

Лекин G+N модели тилдаги айрим чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, PII – сифатдоши иштирокидаги сўз бирикмалар бунга мисол бўла олади: sleeping boy – ухлаётган бола; бунда янги маъно англатадиган қўшма сўз ҳосил бўлмаган, ва аксинча sleeping berth – (вагонда ухлаб кетиладиган жой) сўзида икки компонент sleeping ва berth бирикиб янги маънони касб этади.

5- модель. PI + N(сифатдош + от)

Humming bird ва mocking bird типдаги қўшма сўзлар эндоцентрик ва синтактикага оид ҳисобланади. Уларнинг қўшма сўзларга алоқаси маъно ва мақсадга йўналтирилганлиги билан белгиланади, яъни қўшма сўзларнинг

умумий бош урғуга эгалиги, қўшиб ёки чизикча билан ажратиб ёзиш муаммоларини ўзида акс этади. Бора-бора бу типдаги сўзлар сўз бирикмасидан қўшма сўзга ўтиб умумийлашиб боради. G+N моделидаги сингари PI + N моделига ҳам параллел равишда V+N модели сўз ясалишида иштирок этади. Масалан, *mocking-bird* (PI+N) ва *mock bird* (V+N) – мазахчи, бошқа ҳайвонлар овозига тақлид қилувчи ўрмон қушчаси; *working man* (PI+N) ва *work man* (V+N)-ишчи, ходим. Бундай ҳолларда ҳар доим қўшма сўзнинг биринчи компоненти феъл сўз туркумлиги ёки отлашган феъллиги шубҳага сабаб бўлади.

G+N ва PI+N моделларини таққослаб бу масалага ойдинлик киритиш мумкин:

a) *Diving board* (G+N) типдаги сўзларни ташқи тузилишига кўра қўшма сўз тоифасига киритиш мумкин, уларнинг кетма-кетлиги сўз бирикмасини ҳосил қилмайди.

b) PI+N моделининг кетма-кетлиги сўз бирикмаси ва қўшма сўзларга оид бўлиши мумкин. Бу турдаги айрим сўз бирикмалари ўз-ўзидан қўшма сўзга ўтиб кетиши мумкин: *cleaning woman* (фаррош аёл), *firing squad* (мушакбозлар гуруҳи), *flying machine* (аероплан).

Қўшма сўзларнинг G+N ёки PI+N моделига тегишли эканлигини уларнинг трансформациясидан аниқлаш мумкин. Буни *diving board* (трамплин) *washing machine* (қир ювиш машинаси) мисолида кўрамиз.

washing machine → *machine washes* (PI+N) машина ювади, лекин *diving board* ≠ *board dives* (G+N) тахта шўнғийди эмас, балки *diving board* → *board for diving* шўнғиш учун мўлжалланган тахта ва *washing machine* → *machine for washing* ювиш учун мўлжалланган машинадир. Кўриниб турибдики, G+N модели бир томонлама, PI+N модели эса кўпқирралидир.

6-модель. PI+N (равишдош+от)

Бунда компонентлар эргаш ва бош сўз муносабатида бўлади. Масалан, *controlled-temperature (room)*, *added-value (tax)*.

7-модель.Pr.a+N(аниқловчи олмош+от)

Бу моделнинг биринчи компонентлари сифасида сифатлашган (адъектив) **self** ва **all** олмошлари иштирок этади. Бу турдаги моделларни Г.Марчанд куйидагича изохлайди: “All-compounds are literary and only used in a religious context, denoting attributes of deity, as all-soul,all-parent,all-power,all-wisdom, ect.”²⁸ [Allкомпонентли барча сўзлар адабий усулга хос бўлиб, фақатгина диний мавзудаги матнларда учрайди.]

Умуман олганда, бу турдаги сўзлар маъно жиҳатдан турли-тумандир. Улар, айниқса, илмий ва публицистик асарларда кўп учрайди. Бир турдаги сўзлар “материал, хом-ашё” маъносини англатади. Бунда қўшма сўзнинг иккинчи компоненти *хом-ашё*ни англатса, биринчи компонент сўзнинг асосий маъносини англатади. All-metal (adj) – тўлиқ металдан ясалган (сифат); all-wool – тоза жундан қилинган (сифат).

Бошқа турдаги сўзларга All -N модели асосида ҳосил бўлган сўзлар киради. Бунда қўшма сўз “фақатгина”, “ўз ичига оладиган”, “бир турдаги” каби маъноларни англатади. Мас., all-American (ҳаммаси америкалик), all-female crew (аёллар жамоаси), all-star film (юлдузлар иштирокидаги кино).

3-турдаги сўзларга давлат, ташкилот ва ш.к. маъноларни англатувчи отлар ясалади. Мас., All-Canada (conference), all-collage (meeting).

All-элементи қўшма сўз таркибидаги иккинчи компонентнинг миқдорини, кўплигини англатиши унинг ўзига хос семантик гуруҳга оид бўлган сўзларни ҳосил қилишидан далолат беради. All-door (an all-door car- a car that has sides that extend the entire length of the car) (эшиклари бўйи барабар очиладиган автомобиль), all-night (shop) (туни билан ишлайдиган дўкон).

Self + N типидagi сўзлар ясалиш жиҳатдан унумсиз модель ҳисобланади ва фақатгина илмий-адабий услубда ишлатиладиган сўзларни ҳосил қилади.

Мас., self-rule (ўз-ўзини бошқариш), self-analysis (ўз-ўзига баҳо бериш), self-dislike (ўз-ўзидан нафратланиш).

²⁸H. Marchand, The categories and types of present-day English word-formation, Wiesbaden, 1960, p.25

8-модель. Pr.p + N(кишилик олмоши +om)

Бу турдаги моделлар he(у -мужской род) ва she (у –женский род) кишилик олмошларидан таркиб топади ва бу кўшма сўзлардан ҳайвонлар родини ифодалашда фойдаланилади. Мас., *he-goat – серка, така; she-goat – урғочи эчки.*

Инглиз тили луғат таркибида бу каби ноанъанавий усулда ясалган сўзлар мавжудлиги тилда ҳайвонлар родини ифодаловчи суффиксларнинг имкониятлари чегараланганлигидан далолат беради. Шунга қарамай инглиз тилида ҳайвонлар родини уч хил усулда ифодалаш мумкин:

- a) Биринчи компоненти he ва she кишилик олмоши бўлган сўзлар;
- b) Биринчи компоненти родни англатувчи махсус сўзлар билан ифодалаган кўшма сўзлар: pussy (pussy cat), tom (tom cat), billy (billy-goat), nanny (nanny-goat), bull(bull-elephant), cow(cow-elephant);
- c) –ess суффиксли сўзлар билан: lioness.

9-модель. Adv + N

Afterthought, outpost, overcoat, undercoat, underclothes каби кўшма сўзлар бу типдаги сўзларга мисол бўла олади.

Айниқса, -after компонентли сўзлар бу модель асосида ясаладиган энг маҳсулдор лардан саналади. Мас., *afterclap, aftercrop, aftereffect, after-life, after-math, after-piece, after-shock.*

Биринчи компоненти равиш (ADV) бўлган ясамалар ҳам эндоцентрик, ҳам экзоцентрик типга оид бўлиши мумкин. Биринчи турдагилари кўшма отларни, иккинчиси эса кўшма сифатларни ҳосил қилади. Кўшма отларнинг ясалиш унумдорлиги кўшма сифатларга қараганда анча юқори. Тилда биринчи компоненти равиш сўз туркумли кўшма сифатлар озчиликни ташкил этади.

Мас., кўшма отлар – outfield(ишлов берилмаган ер), outhouse(чека ҳовли); кўшма сифатлар – outdoor (games) –очиқ ҳавода (ўйналадиган ўйинлар), outcollege (student) – коллежда яшамайдиган(талаба).

Шунингдек, ўрин-пайт равишлари(down, over, under, up, counter) ва by компоненти бирикиб қўшма сўз ҳосил қилади. Мас., downtown (шаҳар маркази), overcoat(пальто) , undershirt(ички кийим), counter-part(дубликат).

Р.В.Зандворт “outbreak “ типидagi сўзларни ҳам Adv + N моделиги киритади. Лекин таъкидлаш лозимки, бу сўзлар Adv + N моделига тегишли эмас, фақатгина конверсия натижасидир: 1) Adv + V→V (out+break →outbreak /v/) 2) V→N (outbreak /v/→outbreak /n/)

10-модель. Num_c +N

Бу модель асосини миқдор сонлар ва от сўз туркумининг бирлашувидан ҳосил бўлган сўзлар ташкил этади. Num_c +N модели икки натижалидир:

а) Num_c +N=A ; б) Num_c +N=N.

Num_c +N=A модели натижасида ҳосил бўлган сўзлар инглиз тили луғат таркибидан қатъий жой эгалламайди, яъни улар ad hoc (лот. “тасодифий”) типидагилардандир. Мас., five-man(crew) – беш кишилик (экипаж), five-year (period) –беш йиллик (муддат).

Бу сингари сўзлар фақатгина шароит тақозоси билан ҳосил қилинади ва “вазифасини” ўтагандан сўнг парчаланиб кетади. Лекин айрим сўзлар парчаланмасдан тил луғат таркибидан қатъий ясама сифатида жой олган.

Мас., one-fold (), two-fold(), two-part(), two-way(), two-hand, three-corner, three-folder, three-mast, four-square ect.

Бу моделдаги қўшма сўзларнинг иккинчи компоненти одатда *вақт, пайт* маъносини англатувчи сўзлардан иборат бўлади: second, minute, hour, day, week, month, year. “Year” компонентли сўзлар учинчи компонент сифатида – old сўзи билан бирга келади: five –year-old (boy) беш ёшли (бола).

Num_c +N=N моделидаги сўзларга five-finger(), five-leaf(), one-berry, nine-bark ect. каби сўзларни учратиш мумкин.

11-модель $Num_o + N$

Бу модел ь асосини тартиб сонлар ва от сўз туркумининг бирлашувидан ҳосил бўлган сўзлар ташкил этади. . $Num_o + N$ модели икки натижалидир:

а) $Num_o + N = A$; б) $Num_o + N = N$.

$Num_o + N = A$ – модели асосида ҳосил қилинган сўзлар ad hoc (тасодифий) типига оиддир. Мас., first-year(биринчи курс), second-hand(эски, иккинчи қўл).

Айрим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва доим такрорланиб турадиган сўзлар тил луғат таркибидан жой олиши мумкин. Лекин улар таркибидаги компонентлар ўз маъносини йўқотади: second-hand(эски, иккинчи қўл), first-chop (биринчи навли), first-hand (тўғридан-тўғри), first-rate(биринчи даражали), second-chop (иккинчи навли), second – class (иккинчи даражали), third-rate (учинчи даражали, сифатсиз).

$Num_o + N = N$ моделидаги Num_o -тартиб сони вазифасида first сўзи иштирок этади. First-aid (биринчи ёрдам), first-cost(таннарх), first-night(премьера).

12-модель $Prep + N$

Бу модель in-flight () типигаги сифатларни ҳосил қилишда иштирок этади.

Масалан:

- In-service: In service training should be available to all school teachers and full-time staff in collages;
- In-depth: In depth analysis of the problem – муаммони ҳар томонлама ўрганиш;
- In –house (ички, шахсий) : In –house presentation – ички тақдимот;
- On line: On line services – доимо алоқада(онлайн) бўлган хизматлар;
- In-plant: In-plant facilities- ички имкониятлар.

13-модель Part + N

Бу модель асосини юклама ва от сўз туркуми туркумининг бирлашувидан ҳосил бўлган сўзлар ташкил этади. Мас., onlooker(томошабин), onward(олдинга ҳаракат қилувчи).

2.2. Қўшма сифатлар.

Сўз \ўзак\ ларни бириктириш билан янги отлар ясалгани каби, худди шу усул билан янги сифатлар ҳам ясалади. Масалан, очкўз, оч яшил, тўқ яшил, уруф баргли, меҳнатсевар, бир элементли ва ҳ.к.з.

Қўшма сифатларни таркиб жиҳатдан қуйидаги турларга бўлиши мумкин:

1. От билан отнинг ўзаро қўшилишидан тузилади:

Капалак нусха, марғилон нусха, чўкки соқол, шерюрак, дутор бўйин / от/, бодомқовоқ, қундузқош, олтин соч, тош бағир, тош юрак, қалам қош, оху кўз, курак оёқ, қўй кўз, бинафша ранг, шиша ранг, хум қалла, шира кайф, меҳмон дўст, тил ўрта, тил орқа /товушлари/, бугдой ранг, жигар ранг, зиғир ранг, мош ранг, кул ранг, ҳаво ранг, мис ранг, малла ранг, без бет, от юз, олвон ранг – гул экдим, токи кележак, ердаги қуёш бу десин чаманни... /Г.Г/ , дола ранг - Ёз демак – азамат ҳар бир колхознинг, боғини қила олур дола ранг ҳушбу. /Г.Г/, дов юрак - Ўрмонларни макон айлаган, дов юраклар ёди ўчмайди. /Х.Ғ/, новвот ранг – Металл қириндиси ажойиб буралиб – буралиб оч сариқ, новвот ранг, гунафша тусга киради. /Ш.Ю/, тилла ранг – тўқар. /С.Ж/ га х. К.

б) иккинчи элементини учинчи шахс эгаллик қўшимчаси қабул қилган бўлади:

байрам олди /мусобоқаси/, май олди, байрам олди /тайёргарлиги/, сайлов олди /ишлари/, имтиҳон олди /консультацияси/, тил олди /товушлари/, ер оости /бойликлари/ ва ҳ.к.з.

Бу типдаги кўшма сифатлар *калька йўли билан* ҳосил этилган бўлиб, тилда янги ҳодисадир. Ҳозирги замон ўзбек тилида от билан отнинг кўшилишидан тузилган кўшма сифатлар кўп учрайди.

2. От ва-ли кўшимчаси ёрдами билан ясалган сифатдан тузилади:

Уруғ баргли, барг пояли, гул тожли, бўғим оёқли, ўрик гулли, тунука томли, чевар қўлли, кашта гулли.

3. Сифат билан сифатнинг ўзаро кўшилишидан тузилади:

Оч кўк, оч сариқ, оч зангор, оч пушти, оч қора, тўқ сариқ, тўқ кўк, тўқ зангор, тўқ сапсар, тўқ пушти, тўқ қора, қора кўк, қора сариқ, қора қизғиш, оч яшил, тўқ яшил, қора қизил – Бу қиз – Анорхоннинг суйгани Жамолнинг синглиси эди – бир сават қора қизил олухиротни бошига қўйиб, қаёққадир борар эди. /Ойб./ , тўқ қизил – Ўктам катта теракнинг учигача чирмашиб чиққан уюм–уюм узуми ҳавода олтинланган аймақи токка, тўқ қизил йирик олухиротларга, шохлари ерга теккан олмаларга қаради. /Ойб./ , оч сариқ, – Металл қириндиси ажойиб буралиб – буралиб оч сариқ, новвот ранг, гунафша тусга киради ва ш.к.

Сифат билан сифатнинг ўзаро кўшилишидан тузилган кўшма сифатлар каммаҳсул типдандир.

4. Сифат билан отнинг ўзаро кўшилишидан тузилади:

а/ Икки сўздан:

оқ кўнгил, қора кўнгил, қора соч, кўк кўз, шалпанг қулоқ, узун қулоқ, хипча бел, калта бўйин, калта фахм, калта дум, калта оёқ, узун оёқ, ясси оёқ, ёлғиз оёқ, ёлғиз қўл, юмалоқ бош, дўнг пешона, майда гап, ширин сўз, нозик табиат, баджаҳл, қаттиқ қўл, хом хаёл, пушти ранг – Солинган пушти ранг инак патгилам. /С.И/ , қора қош, қора кўз – У оддий қизил аскар бўлиб уришиб юрганида бўлинма командири “Ма, қора қош, қора кўз йигит” деб кичкина бир совга берди. /А. Қ./ ва ш.к.

б/ Иккидан ортиқ сўздан:

оч жигарранг, оч ҳаво ранг, тўқ ҳаво ранг, тўқ жигарранг, тўқ яшил ранг, оч яшил ранг ва ш.к.

Сифат билан отнинг ўзаро қўшилишидан тузилишидан тузилган қўшма сифатлар маҳсулдор типга киради.

5. Сифат ли қўшимчаси билан ясалган сифатнинг ўзаро бирикмасидан тузилади:

Баланд бўйли, ингичка толали, кавак ичли, калта юнгли, катта тишли, кескин сўзли, кенг кўкракли, кенг изли, кенг соявонли, кенг баргли, майда гапли, майда донали, майда тишли, майин юнгли, тенг елкали, тенг хуқуқли, тенг кучли, тенг ёнли, оқ гулли, тор қаторли, тенг қувватли, тор бурчакли, тор оғизли, тор изли, тор кўкракли, узун баргли, эгри чизикли, ўткир тирноқли, ўрта бўйли, ўтмас бурчакли, ўткир бурчакли, ясси бурчакли, қора сочли, қийшиқ бурчакли, қўш туроқли, қўш қаватли, қўш катетли, қўш элэментли ва ш.к.

Сифат ва –*ли* қўшимчаси билан ясалган сифатнинг ўзаро бирикишидан тузилган қўшма сифатлар маҳсулдор типга киради.

6. Равиш ва отнинг ўзаро қўшилишидан тузилади:

Тез қадам, камтирам, камгазн, камаҳоли, каммева, камсоқол, каммахсул, камқувват, камунум, камдаромад, камҳаракат, ҳозир жавоб, камдарахт, камодам, камгап, камсут, тўла юз ва ш.к.

7. Равиш ва –ли қўшимчаси ёрдами билан ясалган сифатнинг ўзаро бирикишидан тузилади:

Мўл ҳосилли, тўла оҳангли, тўла юзли, тўла қийматли, тўла метражли, тўла хуқуқли, кўп асрли, кўп донли, кўп данакли, кўп асосли, кўп бурчакли, кўп ёқли, кўп хилли, кўп хадли, кўп ўлчовли, кўп чизикли, кўп мевали, кўп торли, кўп овозли, кўп қаватли, кўп тишли, кўп ярусли, кўп миллатли, кўп сонли .
Мустақиллик йилларида республикамизда жуда кўп сонли фабрика ва заводлар, фермер хўжаликлари, олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар тармоқлари ташкил этилди; кўп болали – кўп болали оналарга ва ёлғиз оналарга давлат томонидан катта ёрдам берилмоқда. ва ш.к.

Равиш ва –*ли* қўшимчаси ёрдами билан ясалган сифатнинг ўзаро бирикишидан тузилган қўшма сифатлар маҳсулдор типга киради.

8. Сон ва –ли қўшимчаси ёрдами билан ясалган сифатнинг ўзаро қўшилишидан тузилади:

Бир бармоқли, бир баргли, бир бўёқли, бир бўгинли, бир асосли, бир атомли, бир газли, бир жинсли, /бот/, бир данакли, бир елкали, /физ/ бир ёқли, бир кўзли, бир табақали, бир ўлчовли, бир чўчичли, бир хонали, бир сонли, бир қаватли, бир қийматли, бир ҳужайрали, икки бўгинли, икки ёқли, икки паллали, икки елкали, икки тишли, икки қаватли, икки гилдиракли, икки тилли, икки қанотли, икки ҳадли.

Баъзан тилимизда иккинчи элементи аслий сифат билан ифодаланган ёхуд -ли қўшимчасидан бошқа сифат ясовчи қўшимчалар билан ясалган қўшма сифатлар ҳам учрайди: ярим қора, ярим суюқ, ярим, очик ярим, ёввойи, ярим расмий.

Сонга -ли қўшимчаси ёрдами билан ясалган сифатнинг ўзаро бирикишидан тузилган қўшма сифатлар маҳсулдор турлардандир.

9. От ва -ар /-р/ бўлишсиз –мас формали сифатдошдан тузилади:

Иссиқсевар, ёруғсевар, эрксевар, кўнгилочар, чанқоқбосар, иш ёқмас, сув ўтмас; Тинчликсевар Тошкент- жонажон пойтахтимиз.

От ва сифатдошдан тузилган қўшма сифатлар қаторига халқпарвар, эркпарвар, ватанпарвар, сулҳпарвар, тинчликпарвар, умидбахш, ҳаётбахш, оромбахш, шифобахш, илҳомбахш каби тожикча элементли сўзлар ҳам киради. *Булоқбошининг шифобахш сувлари бу боғни ҳам обод қилган.*

Баъзан бу типдаги қўшма сифатларнинг биринчи элементи нисбий сифат билан ифодаланиши мумкин: тараққийпарвар каби.

От ва сифатдошдан тузилган қўшма сифатлар маҳсулдор типга киради. Ҳозирги замон ўзбек тилида эгалик қўшимчали ўзлик олмоши билан сифатдошнинг қўшилишидан тузилган қўшма сифатлар ҳам учрайди: ўзиёзар, ўзиюрар; Ўзикетар ёр-ёр, ўзикелар ёр-ёр (халқ мақоли).

10. Равиш ва –ар /-р/ (бўлишсиз -мас) шаклли сифатдошдан тузилади:

Кечпишар, тезоқар, тезотар, тезюрар, олдинпишар, эртапишар, тезучар, тинчоқар, хушёқмас –Хушёқмас иш вақтида овлоқда юрар (мақол).

Рабиш ва сифатдошдан тузилган кўшма сифатлар каммаҳсул типга киради.

11. От ва –симон сўзининг қўшилишидан тузилади:

Бармоқсимон, бодомсимон, газсимон, гирдобсимон, гиламсимон, донсимон, илдизсимон, илмоқсимон, илонсимон, ёғочсимон, ёйсимон, найзасимон, маймунсимон, одамсимон, тухумсимон, тилласимон, узумсимон, шарсимон.

-симон ҳозирги ўзбек тилида мустақил қўлланилмайди, яъни ясама сўзлар таркибида қўшимчалашган ясовчи сифатида ишлатилади ва ўзбек тилида “-дек”, “-дай”, “каби” маъноларни англатувчи қўшма сифатлар ҳосил қилишда ишлатилади. –симон ўрнида тахлит, сифат, башара каби сўзлар ишлатилиши мумкин: одамсимон-одамтахлит, одамсифат, одамбашара.

12. Учинчи шахс эгалик қўшимчасини олган от билан от ёки сифатнинг ўзаро қўшилишидан тузилади:

Бағри тош, боши берк, ичи қора, нафси бузуқ, оғзи бўш, оғзи ёмон, эси наст, қулоғи оғир, усти ялтироқ, қўли эгри, қўли енгил, қўли очик.

13. **Умум** ва **ўз** сўзи ёрдами билан тузилади. Бундай усулда ясалган асосан калькалаш йўли билан тузилади.

Масалан, рус тилидаги **общесўзи** билан ясалган общегородской, общенациональный каби сўзлар умум сўзи ёрдами билан умумшаҳар, умуммиллат тарзида таржима қилиниб қўшма сўзлар қаторига қўшилди. Бу албатта тил луғат таркибини бир қанча янги сўзлар билан бойитди:

умумармия, умумшаҳар, умумиттифоқ, умуммиллат, умумқўшин, ўзбошимча, ўзби лармон.

Баъзан бу турдаги қўшма сифатларнинг иккинчи компоненти нисбий сифатдан иборат бўлиши мумкин: умумсиёсий, умумпартиявий ва ҳ.к.з.

Қўшма сифатларнинг биринчи компоненти ўхшашлик (балиқ кўз, қўй кўз, қалам қош); белги (ола кўз, қўш элементли, бир асосли); физиологик ҳолат (дўнг пешона, қирра бурун); пайт (эртапишар, кечпишар); масофа (яқинучар, узоқучар); ҳолатни (тезюрар, тинчоқар); ранг даражалари (оч қора, тўқ сарик) ва шу каби маъноларни англатади.

Биринчи элементининг маъносига қўшма сифатларни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) Биринчи компонентдан англашилган предметга ўхшашликни билдиради:

балиқ кўз, оҳукўз, қалам қош, анор юз, қулча юз, тош юрак, бодом қовоқ, жигар ранг, мош ранг, ҳаво ранг, тилла ранг, одамсимон, капалак нусха, олтин соч.

2) Биринчи компоненти белгини билдиради:

а) сифат:

оқ кўнгил, қора соч, ола кўз, очкўз, хушмуомала, майда гап, ширин сўз, ингичка толали, оқ гулли, кенг изли, майда баргли, юмшоқ кўнгилли, қаттиқ қанотли.

б) миқдор:

бир асосли, бир хонали, икки атомли, икки валентли, учҳадли, тўрт қаватли, беш хонали, олти қаторли.

3) Биринчи компоненти белгининг кам ёки ортиқ эканлигини (ранг даражаларини) билдиради:

Оч жигар ранг, оч ҳаво ранг, оч пушти, тўқ қизил, тўқ зангори ранг, нимпушти, кўп болали, кўп қиррали, кўп асосли, камқувват, камқатнов.

4) Биринчи элементи физиологик ҳолатни ифодалайди:

Узун қулоқ, чўққи соқол, калта бўйин, ўрта бўйли.

5) Биринчи элементи пайтни ифодалайди:

Эртапишар (сабзавот), олдинпишар (олма), кечпишар (шафтоли).

6) Биринчи элементи масофани ифодалайди:

Яқинучар (самолёт).

7) Биринчи элементи ҳолатни ифодалайди:

Тезюрар (поезд), тезоқар, тинчоқар (дарё).

8) Ҳаракат билан объект муносабатини ифодалайди:

Тинчликсевар, нурсевар, ёруғсевар, меҳнатсевар, эрксевар, чанқовбосар, ишбузар, танқид севмас.

Инглиз тили мисолида иккинчи компоненти сифат сўз туркуми бўлган қўшма сўзларни таҳлили қиламиз.

Иккинчи компоненти сифат(Adj) сўз туркуми бўлган қўшма сўзлар.

1-МодельN +A (от + сифат)

Бу модель асосан илмий- техникавий ва публицистикага оид бўлган сўзларни ҳосил қилишда иштирок этади.

- Rich : iron-rich, oil-rich, nutrient-rich;
- Poor: oxygen-poor;
- Free: vibration-free, trouble-free;
- Tight: air-tight;
- Resistant: frost-resistant, fire-resistant;
- Worthy: seaworthy, airworthy, fashionworthy;
- Proof: waterproof, soundproof,dustproof,foolproof.

Бу турдаги айрим сўзлар A→N дек (сифат - отдек) каби бирикмаларга мос келиши мумкин. Мас.,finger-deep, knee-high.

Шунингдек, A like N (сифат отга ўхшаш) каби бирикмалар ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Мас.,grass-green, snow-white, blood-red, bony-dry, paper-thin ect.

Умуман олганда,бу турдаги компонентларни аниқ бир гуруҳга ажратишнинг иложи йўқ. Мас., work-shy сўзи ялқов, ишдан қочадиган маъносини англатса, gun-shy сўзи эса отишмалардан қўрқадиган маъносини ифодалайди.

Айниқса –mad ва – happy компонентлари юқоридаги турга оид энг маҳсулдор ясовчилардан ҳисобланади. Мас., football-mad, trigger-happy, gadget-happy(housewife), bark-happy(watchdogs).

Шуни таъкидлаш лозимки,бу турдаги сўзлар конверсия натижасида феъл сўз туркумига ўтиши ҳам мумкин. Мас.,

The worst offense in class was to break silence. Classrooms today are built with acoustical tile to soundproof room. In those days they soundproofed us.

2-модель. А + А (сифат + сифат)

Бу модель асосан эргашган ва тенг муносабатли сифатларни ҳосил қилади.

- Эргашган муносабатли сўзларда биринчи компонент иккинчи компонентнинг даражасини белгилаб беради. Айниқса, иккинчи компонент “ранг” ни англатган сўзларда бу ҳодиса кенг тарқалган: dark-blue(тўқ кўкранг), light-green(оч яшил).
- Тенг муносабатли сифатларнинг ҳосил қилинишини бир қанча инглиз ёзувчилари ижодида кўриш мумкин. Мас., Шекспир ижодида “honest-true, heavy-thick”, Голсуорси ижодида noble-good сингари кўшма сўзларни учратиш мумкин.

Замонавий инглиз тилида А + А (сифат + сифат) типдаги сўзларнинг компонентларни унли боғловчи ёрдамида бирлаштириш ҳоллари кузатилади. Мас., socioeconomic, physicotechnical.

3-модель.V+A (феъл + сифат)

Бу модель сўз ясалишида иштирок этадиган унумсиз моделлардан саналади. Унинг таркибидаги компонентлар мотивлашмаган ҳолатда бўлиши мумкин. Мас., “speak-easy” сўзи ноқонуний равишда спиртли ичимликлар сотиладиган жой маъносини англатади. Бу сўзнинг изоҳини бир қанча луғатларда учратиш мумкин: “speak-easy – so named from the secretive atmosphere, a place where alcoholic drinks are sold illegally, esp. such a place in the US during the Prohibition.”

4-модель. Adv+A(равиш + сифат)

Бу модель ever-green, ever-young, ever-helpful, upright типдаги сўзларни ҳосил қилади. “ever-green” сифати гапда отнинг грамматик ҳолатини изоҳлаб келиши мумкин. Мас., ever-greenplant – доимо яшил ўсимлик.

5- модель Num с + А (миқдор сон ва сифат)

Бу моделнинг иккинчи компоненти -strong бўлганда “миқдорда, оғирликда” маъноларини англатади. 10,000 – strong(demonstration) ўн минг кишилиқ намоёиш.

6- модель NUM о + А (тартиб сон ва сифат)

Бу модел second-largest, second-best типидagi сўзларни ҳосил қилади.

2.3. Қўшма сонлар.

Туркий тиллар системасидаги тилларда, шу жумладан ўзбек тилида сонларнинг қўшма ҳолда келиши жуда кам учрайди ва улар ўзига хос хусусиятга эга. Ўзбек тилига оид айрим адабиётларда ўн бир, йигирма беш, бир юз эллик, икки юз, бир минг йигирма тўққиз каби бирдан ортиқ сўздан иборат бўлган сонлар қўшма саналади.

Бизнингча, бундай сонларни қўшма деб бўлмади. Фикримизнинг исботи учун юқорида келтирилган сонлардан айримларини инглиз тилидаги сонлар билан таққослаб кўрайлик. Инглиз тилидаги eleven, twelve каби сонлар маъно ва шакл жиҳатдан ўзбек тилидаги ўн бир, ўн икки каби сонлар билан тенг эмас. Инглиз тилидаги бу каби сонлар бир тушунчага бирикиб кетган ва фонетик жиҳатдан ҳам ўзгариб бир сўз тусини олган. Лекин ўзбек тилидаги ўн бир, икки юз сингари сўзлар инглиз тилидаги каби бир тушунчага қўшилиб кетмаган. Улар айримлигини сақлаган ҳолда икки тушунча ва икки сўзни билдиради.

Ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан содда деб ҳисобланган олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон сонлари асли қўшма бўлган. Н.К.Дмитриевнинг кўрсатишича, туркий тиллар тизимидаги *бошқирд ва кумик* тилларида олтмиш, етмиш сонларидаги “ - миш” элементи “ўн” ни билдирган. Саксон – саккиз+ўн, тўқсон – тўққиз+ўн сўзларининг қўшилишидан тузилган.

Демак, ўзбек тилидаги олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон каби сонлар асли қўшма, ўн бир, йигирма беш, бир юз эллик, икки юз, бир минг йигирма тўққиз каби сонлар таркибли ҳисобланади.

Таркибли сонлар ўзларининг айрим хусусиятлари билан бошқа туркумдаги қўшма сўзлардан (мас., қўшма от ва қўшма сифатлардан) фарқланади. Бошқа сўз туркумларидаги қўшма сўзлар, маслан, қўшма отлар таркибидаги сўзлар ўзаро бирикиб, ўз маъноларидан ташқари янги маънони ҳам билдириб келади ва бир бош урғуга бўйсунди. Қўшма от таркибидаги сўзларда пауза бўлмайди. Таркибли сонларда эса маълум даражада пауза бўлади ва унинг таркибидаги ҳар бир сўз ўз мустақиллигини сақлайди, айрим – айрим урғуга эга бўлади. Бу жиҳатдан таркибли сонлар таркибли от ва сифатга ўхшайди.

Шудай илиб, ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан қараганимизда, ўзбек тилида қўшма сонлар йўқ, тарихий жиҳатдан бор. Ҳозирда улар соддалашган. Шу сабабли ўн бир, йигирма беш, бир юз эллик, икки юз, бир минг йигирма тўққиз каби сонларни қўшма деб бўлмайди. Таркибли термини билан номланиши мақсадга мувофиқдир. Сонлар инсоннинг фаолиятининг тадрижий ривожланиши натижаси ўлароқ вужудга келган тушунчалардир. Сон ҳақидаги тушунча фақат ҳақиқий борлиқдан олингандир. Сон миқдорни (*уч метр, беш кг*), санок маъносини (*ўн, йигирма, ўттиз*) предметларнинг сон жиҳатида тартибини (*учинчи класс, 21-аср*) ифода этади. Сон белги маъносига эга бўлганлиги боис сўз туркумлари тизимида сифат ва равишга табиатан яқин туради. Бироқ сифат предметларнинг ранг-тус, маза, ҳажми каби белгисини, равиш эса ҳаракатнинг бажарилиш тарзи ёхуд белгининг белгисини ифода этса, сон предметларнинг миқдорини, саногини, санашдаги тартиби (қатордаги ўрни)ни ифода этади. Шунинг учун ҳам сонларнинг асосий синтактик вазифаси аниқловчидир.

Сон асосан предмет от билан бирга қўлланилади. Лекин, бу хол сонни кўмакчилар қаторига тушириш учун асос бўла олмайди. Сон предметларнинг саногини, тартибини кўрсатувчи сўз туркумидир. Сон саналадиган предмет

билан бирга қўлланмаганда, яъни математик сон маъносида келганда у сон оти ҳисобланади. Бундай вақтда соннинг маъноси маъхум характерга эга бўлади. Масалан, *ўн, ўн беш, учдан бир* каби сонлар от билан бирга қўлланмаганда фақат сонларнинг номи ҳисобланади. Сонлар саналадиган предметлар билан бирга қўлланганда у сон туркумини ташкил қилади. Сифат ва равишга ўхшаб сон ҳам белги тасаввурини билдиради. Сифат предметнинг, равиш белгининг (харакатнинг) белгисини билдирса, сон предметларнинг миқдорини, саноғини ва тартибига кўра белгисини ифодалайди. Сонлар отлар билан бирга қўлланиб, бир неча предметларнинг йиғиндисини аниқ миқдорини билдиради. Шу жиҳатдан аниқ миқдор билдирувчи бу сўзлар предметларнинг ноаниқ миқдорини ифодаловчи *кўп, оз, бир оз* каби сўзларда фарқланиб туради.

Лекин Б.А.Ильшининг фикрига кўра, рус тилшуноси Л.В. Шерба сонларнинг ва *many, several* каби сўзларнинг “квантитатив сўзлар” деб юритилувчи сўз туркумини бирлаштиришни тавсия қилган, лекин ҳеч ким бу фикрни қувватламаган. Сонлар ҳам предметларнинг аниқ миқдорини (*бешта китоб*) ёки ноаниқ миқдорини (*беш-олти китоб, ўнтача китоб*) деб ифодаланиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам сонлар ёзувда рақамлар билан ифодаланмади. Лекин бир *оз, кўп, озгина, кўпгина* каби предметларнинг ноаниқ миқдорини билдирувчи сўзлар юқоридаги рақамлар билан ифодаланмайди. Шунинг учун ҳам улар сон ҳисобланмайди. Инглиз тили грамматистлари соннинг морфологик белгиси йўқ деб ҳисоблайди. И.П. Иванованинг фикрига кўра, сонларда морфологик белги йўқлиги сабабли О.Есперсон ва Дж. Кермлар бу сўз туркумини тан олмай, уларни отларга ёки сифатларга кўшиб юборганлар.²⁹ Лекин сон яна морфологик ва синтактик хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларида ажралиб туради.

Одатда абстракт миқдор ёки предметнинг тартибини, ўрнини билдирувчи сўз туркуми сон дейилади. Сон от билан ишлатилганда отнинг маъносини

²⁹Қаранг: И.П. Иванова ва бошқалар. Теоретическая грамматика современногоанглийского языка”. Москва, 1986

тўлдириб, отлашиб келади. Мустақил ишлатилганда эса улар мавҳум маънода бўлади. Морфологик таркиби (структураси)га кўра қиёсланаётган тилларда сонлар қуйидаги турларга бўлинади:

1) туб ёки содда сонлар (Simple Numerals).

Туб морфемадан иборат бўлган сонлар туб сон ёки содда сонлар дейилади. Масалан: *one, two, ten, hundred, thousand, million, billion; бир, уч саккиз, юз, минг, миллион.*

2) ясамаёкидеривативсонлар (Derived (Derivative) Numerals).

Ясамасонлар тубсонларга сўзьясовчи аффикслар қўшилишидан ташкил топади. Масалан: *thirteen, fourteen, twenty, thirteenth, fourteenth, twentieth; саккизинчи, тўртинчи;*

3) қўшмаёки мураккабсонлар (Compound or Composite Numerals).

қўшмаёки мураккабсонлариккиёкиундан ортиқ сонларнинг ўзаро қўшилишидан ташкил топади. Масалан: *twenty-two, forty-eight, one hundred and five; ўн тўққиз, қирқ олти, бир юз етмиш беш;*

Сонларда махсус формал кўрсаткичга эга бўлган қуйидаги категориялар бор:

а) иккала тилда ҳам сон предметларнинг тартибига (сирасига) кўра муносабатини кўрсатувчи категория. Бу категория санок сонларга **–(и)- нчи**, **-инглиз** тилида эса **-th** аффиксининг қўшилишидан ҳосил қилинади;

б) ўзбек тилида предметларнинг группасини, тўдасини кўрсатувчи категория. Бу категория санок сонларда **-ов-**, **-овлона** аффиксларининг қўшилишидан ясалади; в) ўзбек тилида предметларнинг тахминий ҳисобини кўрсатувчи категория. Бу категория санок сонларга **-та-**, **-ча**, **-лаб** каби аффиксларининг қўшилишидан ясалади;

г) ўзбек тилида предметларнинг тақсимини кўрсатувчи категория. Бундай сонлар санок сонга **–та**, **-дан** аффиксининг қўшилишидан ясалади.

Сонларнинг баъзан *жуфт, метр, дона* каби ҳисоб сўзлари (нумеративлар) билан бирга қўлланиши уларнинг бошқа сўз туркумларидан ажралиб турувчи ўзига хос белгиларидан биридир.

Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар соннинг ҳамма турларига ҳам қўшила бермайди. Ўзбек тилидаги сонларда 3та грамматик категория бор: доналик категория (*бир-битта, икки-иккита*), тартиб категория (*бир-биринчи, ўн-ўнинчи*) ва тахмин категория (*ўн-ўнтacha, эллик-элликтacha*), инглиз тилида эса фақат тартиб категорияси бор (*ten-tenth, six-sixth*).

Бошқа сўз туркумларидан сон ясалмайди. Сондан эса турли сўз туркумлари ясалиши мумкин. Масалан: *уч-лик; бир-лаш-моқ*, ҳеч қандай аффиксларсиз ҳам баъзи сонлар от сифатида ишлатилиши, яъни отлашиши мумкин. Сонлар таркибида келадиган *-та, -tacha, -нчи* каби аффикслар соннинг сўз ясовчи эмас, форма ясовчи аффикслардир.

2.4. Қўшма олмошлар.

Ўзбек тилида олмошларнинг қўшмалик ҳолати асосан белгилаш, бўлишсизлик ва гумон олмошларида бўлади.

1. Қўшма белгилаш олмошлари.

Қўшма белгилаш олмошлари ҳар сўзи билан сўроқ олмоши, от ёхуд бир сўзининг қўшилишидан тузилади: *ҳар нечук, ҳар қандоқ, ҳар қанча, ҳар нима, ҳар нарса, ҳар кимса, ҳар ким* – *Ҳар кимда энг асл ранг-баранг кийим. Ҳар қайси – Тоғ бағрида ҳар қайси қисмдан командирлар, сиёсий ҳодимлар, оддий жангчилар, медицина ҳодимлари тўпланган. Ҳар қандай – Тепловоzларни ҳар қандай ремонт қилиш вақтида, дизелнинг цилиндр қопғоғи олиниши пайтида сув ўтказадиган резинка ҳалқалар алмаштирилади. Ҳар қалай – Ҳар қалай қариндошинг. Ҳар бир – Истайманки, ҳар бир япрогинг, ёв бетида ўтлар сачратган, энг қақшаткич шапалоқ бўлсин.*

2. Қўшма бўлишсизлик олмошлари

Қўшма бўлишсизлик олмошлари ҳеч сўзи билан сўроқ олмоши от ёхуд бир сўзининг қўшилишидан тузилади: *ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қанақа, ҳеч қайси, ҳеч нарса, ҳеч кимса, ҳеч қанча, ҳеч бир- ҳеч бир душман келолмайди бизга тенг. Ҳеч ким – Ўктам ўроқчилар қўшхонаси олдида отдан тушганда, чодирларда ҳеч ким йўқ эди.*

3. Қўшма гумон олмошлари

Қўшма гумон олмошлари *алла* элементи ёхуд *бир* сўзи билан *сўроқ* олмошининг ўзаро қўшилишидан тузилади: *аллақайси, аллақанча, алланеча, алланечуқ, бир мунча, бир қанча, аллақандай – фақат бўш сеҳнинг ўртасида денгиздаги кема сингари оч қизил тусли, галати аллақандай машина қаққайиб турарди. Бир неча- Бир неча минутдан кейин телефон жириглади. ва ҳ.к.з.*

Бир сўзи билан бирикиб келган айрим отлар ҳам гумон олмоши вазифасида қўлланади. Масалан: Бир вақт ҳалиги ғордан бир овоз эшитилди. Яқин бир ерда бир нарса қасирлаб кетди. Айрим қўшмаолмошларнинг иккинчи элементи – *-ники* қўшимчасини олади. Бундай вақтда бирор предметнинг шу сўздан англашилган шахс ёки предметга қарашли эканлигини, хослигини билдиради: *аллакимники, ҳеч кимники ва ҳ.к.з.*

Қўшма олмошлар қўйидаги маъноларни англатади:

1. *Ҳар ким, ҳар нарса, ҳар нима, ҳар қайси, ҳар қандай, ҳар бир* каби қўшма олмошлар айириш, таъкидлаш маъносини билдиради.
2. *Ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қанақа, ҳеч қайси, ҳеч нарса, ҳеч бир* каби қўшма олмошлар инкор маъносини билдиради.
3. *Аллаким, алланима, аллақандай, аллақайси, алланарса, алланечук* каби қўшма олмошлар аниқсизлик, гумон маъносини билдиради.
4. *Бир қанча, бир неча, бир талай, бир мунча, аллақанча* каби қўшма олмошлар ноаниқ жамлик маъносини билдиради ва ҳ.к.з.

Иккинчи компоненти Pr.a (-all-) бўлган қўшма сўзлар.

1-модель V+ Pr.a(феъл +all)

Бу модел know-all(хамма нарсани биладиган, билағон)типидаги кўшма сифатларни ҳосил қилади. Мас., catch-all (омбор): most attics are catch-alls; do-all(кўли гул уста).

Иккинчи компоненти Pr.pers.(киш. олм.)бўлган кўшма сўзлар.

1-модель Prep.+ Pr.pers (предлог + киш.олм.)

Бу модель инглиз тилидаги энг ноёб сўз ясалиш моделларидан биридир.

Мас., *with-it* (жарг.) урф бўлган, *замонавий* маъноларини англатади. Ваҳоланки, компонентлардан бу маънони англашнинг иложи йўқ. *With-it sweater* – *жуда замонавий свитер*.

2.5.КЎШМА РАВИШЛАР

Кўшма равишлар қўйидаги ўзакларнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлади:

1. У, бу, шу каби олошлар билан бош, жўналиш, ўрин, чиқиш келишигидаги отнинг кўшилишидан тузилади: *бугун, бу ер, шу ер, у ёқ, бу ёқ, шу ёқ, у ёққа, у эрга, бу ёққа, бу эрга, шу ёққа, шу эрга, у ёқда, бу ёқда, шу ёқда, у ердан, бу ердан, шу ёқдан, бу ердан, бу орада, шу орада, бу орадан, шу орадан, шу онда, шу пайтда ва ҳ.к.з.*

2. Равиш билан жўналиш, ўрин, чиқиш келишигидаги отнинг кўшилишидан тузилади: *нари ёққа, /нар ёққа/, бери ёққа / бер ёққа/, нари ёқда/ нар ёқда/, бери ёқда/ бер ёқда/, тез кунда, яқин кунда , тез орада, яқин орада, сал кунда, орқаваротдан ва ҳ.к.з.*

3. Ҳар сўзи билан бош, жўналиш, ўрин, чиқиш келишигидаги отнинг кўшилишидан тузилади: *ҳар вақт, ҳар дам, ҳар дамда, ҳар доим, ҳар гал, ҳар онда, ҳар чанд, ҳар томонда, ҳар томонга, ҳар томондан, ҳар тарафга, ҳар тарафда, ҳар тарафдан, ҳар эрга, ҳар ёққа, ҳар ёқда, ҳар ёнда, ҳар ердан, ҳар ёқдан, ҳар нафас –|азаб ортган менда ёнга ҳар нафас. Ҳар ерда – қуёш*

чиққанда ҳар ерда катта кубларда чой қайнарди, ҳар ёқдан нонлар , мевалар кела бошлади. Ҳар замон, ҳар замонда – Ҳар замон - ҳар замонда сукунатни қанотларини қоқиб учган қаргалар бузарди.

4. *Ҳеч сўзи билан бош, жўналиш, ўрин, чиқиш келишигидаги отнинг қўшилишидан тузилади: ҳеч вақт, ҳеч ёққа, ҳеч эрга, ҳеч ёқда, ҳеч ёқдан, ҳеч ердан, ҳеч ерда- Сен Она- Ватандан ажратмас қисм, шаънингга ҳеч ерда туширмадинг доғ.*

5. *Алла элементи билан жўналиш, ўрин, чиқиш келишигидаги отнинг қўшилишидан тузилади: аллаерда, аллаерга, аллаердан, аллаёққа, аллаёқда, аллаёқдан ва ҳ.к.з.*

6. *Ҳамма сўзи билан бош, жўналиш, ўрин чиқиш келишигидаги отнинг қўшилишидан тузилади: ҳамма ёқ, ҳамма ёқдан, ҳамма ерга, ҳамма ердан, ҳамма ёққа.*

7. *Ҳар + қай/қа/ элементи билан жўналиш, ўрин, чиқиш келишигидаги отнинг қўшилишидан тузилади: ҳар қаерга, ҳар қаерда, ҳар қаердан, ҳар қаёққа, ҳар қаёқда, ҳар қаёқдан ва ҳ.к.з.*

8. *Ҳеч + қай / қа/ элементи билан жўналиш, ўрин, чиқиш келишигидаги отнинг қўшилишидан тузилади: ҳеч қаерга, ҳеч қаерда, ҳеч қаердан, ҳеч қаёққа, ҳеч қаёқда, ҳеч қаёқдан ва ҳ.к.з.*

9. *Алла + қай / қа/ + ер / ёқ/ + келишик шакллари: аллақаерга, аллақаерда, аллақаердан, аллақаёққа, аллақаёқда, аллақаёқдан ва ҳ.к.з.*

10. *Сон билан бош келишикдаги сўз ёхуд қўшимча шакллари олган сўзларнинг қўшилишидан тузилади: бирйўласи, бир ошам, бир оғиз, бир оғиздан, бирваракайига, бирпасга, бирпасда, бир зумда, бир ердан, бир ёққа, бир ёқда, бир ёқдан.*

Баъзан бу типдаги қўшма равишларнинг элементлари бирикирувчи қўшимча орқали қўшилиб келади. Масалан: биратўла, биратўласи, биратўласига ва ҳ.к.з.

11. *Бир , ҳар, шу сўзлари билан учинчи шахс эгалик қўшимчасини олган отдан тузилади: бир куни, шу куни, ҳар куни.*

12. *От ва аро, бўйи, сайин* каби кўмакчилар воситаси билан тузилади: *халқаро, шаҳараро, туманаро, қишлоқаро, кунаро, йилбўйи, умрбўйи, ойсайин, кун бўйи.*

13. Олмош ва равишдошдан тузилади: *ундай қилиб, бундай қилиб, шундай қилиб ва ҳ.к.з.* Бундай кўшма равишлар айрим диалектларда ёки шу диалект хусусиятини кўрсатиш учун ҳозирги адабиётларда буйитиб / бундай қилиб/, шуйитиб/ шундай қилиб / формасида ҳам учрайди.

14. Айрим сўзларнинг ўзаро қўшилишидан тузилади: *озмунча, ўзаро, ҳадеб, бари бир; Бари- бир, кетсаларниг яхши бўларди, - секин деди Тошматов. Даставвал – Янги фикримизни даставвал ўшанга айтибсан, ва ҳ.к.з.*

Кўшма равишлар кўйидаги маъноларни англатади:

1. Пайтни билдиради : *аллақачон, ҳар қчон, ҳеч қачон, ҳар онда, ҳамма вақт, ҳар вақт, ҳар дам, ҳар дамда, ҳар нафас, ҳар нафасда, ҳар замон, ҳар замонда, ҳар кун, шу кун, шу вақт, шу вақтда, шу онда, шу пайтда, бирпас, бир зум, бир зунда, бирпасда, бир нафас, бир нафасда, кунаро ва ҳ.к.з.*

2. Ўринни билдиради: *у ер, бу ер, у эрга, шу эрга, у ерда, бу ерда, шу ерда, у ердан, бу ердан, шу ердан, у ёққа, бу ёққа, шу ёққа, у ёқда, бу ёқда, шу ёқда, у ёқдан, бу ёқдан, шу ёқдан, ҳар эрга, ҳар ерда, ҳар ёқда, бир ёққа, бир ёқдан, ҳамма ерда, ҳамма ёқда ва ҳ.к.з.*

3. Ҳолатни билдиради: *бирваракай, бирваракайига, бирйўла, бирйўласи, биратўла, биратўласи, биратўласига, бир текис, бир текисда ва ҳ.к.з.*

4. Даража ва миқдорни билдиради: *бир оз, бир мунча, бир ошам, озмунча, бир овоздан ва ҳ.к.з.*

Иккинчи компоненти равиш (Adv)бўлган кўшма сўзлар.

1-модель N+Adv (от +равиш)

Whites-only (hotel), fingers –only (meal), button – through (design)

типидагисўзларҳосил қилинади.

2-модель A+Adv (сифат +равиш)

-ever ҳамда –by компонентли қўшма сўзларни ҳосил қилади: greatest- ever, nearby.

3- модель V+Adv (феъл+равиш)

Бу модель go- between типдаги сўзларни ҳосил қилади.

4-модель Pr.a+Adv (all+равиш)

Бунда all-outтипидаги сўзлар ҳосил қилинади. Бу модель икки натижали бўлиши мумкин.All-out → to go all-out (adv.) = all-outer (n)

5-модель Num с + Adv (тартиб сон ва равиш)

Бунда тартибсон ва равиш бирикиб *first-ever* (бошланғич) типдаги сўзлар ҳосил қилинади.

6-модель Adv+ Adv (равиш ва равиш)

Ҳозирда бу модель асосида янги сўз ясалиши кузатилмайди: elsewhere (бошқа бирор ерда).

Иккинчи компоненти V (феъл) сўз туркумли қўшма сўзлар.

1-Модель V+V (феъл + феъл)

Бу модель make – believe, hearsay типдаги отларни ҳосил қилади. Шунингдек, бу сўзлар сифат (аниқловчи) вазифасида ҳам келади: hearsay evidence, hearsay knowledge.

2-Модель Adv+ V

Бу модель overdo, overhear, outstand типдаги феълларни ҳосил қилади.

Иккинчи компоненти герундий (G) бўлган қўшма сўзлар.

1-Модель N+ G

Бу модель handwriting типдаги кўшма сўзларни ҳосил қилади ва бу модель инглиз тилидаги от компонентли энг унумсиз модель ҳисобланади.

Иккинчи компоненти сифатдош (PI) бўлган кўшма сўзлар.

1-модель N+PI(от ва сифатдош)

Бу турда ясалган сўзларнинг аксарияти бадий ва илмий публицистик матнларда кенг тарқалган. *Mac.*, date-processing, water-holding, top-selling.

Бу турда ясамаларнинг кўпчилиги объект ва иш-ҳаракат ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди, шу сабабли уларни феълли бирикмалар ёки сифатли (аниқловчили) бирикмаларга киритиш мумкин. *Mac.*, egg-laying = to lay an egg, laying eggs.

Бу моделнинг иккинчи компоненти сифатида *-making, -bearing, -containing, -resisting, -retaining, -absorbing, -carrying, -eating* ва ш.к. сўзлар иштирок этиши мумкин.

Баъзи кўшма сўзларнинг биринчи компоненти иккинчи компонентни изоҳлаб, яъни иш-ҳаракат объекти бўлиб келганда, улар катъий сўз бирикмаларни ҳосил қилади: *cash-paying - to pay cash, record-breaking – to break the record, fill-forming – to fill a form.*

Бошқа маъно тузилишига эга бўлган типлар яқка мисолларга эга :

- 1) Инструментал тип: pen-writing – writing with a pen;
- 2) Темпорал тип : summer-flowering – flowering in summer;
- 3) Локатив тип : bottom-living (fishes) – living at the bottom; cliff-nesting(birds) – nesting in cliffs; church-going – going to church.

Бу модел асосида ясалган сўзларни қуйидаги формула бўйича сўз бирикмасига айлантириш мумкин: $N+PI \rightarrow PI+Prep+N$. *Mac.*, Carrion – feeding (animals) – feeding on carrion.

Қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, бу қўшма сўзлар гапда от- кесим вазифасини бажаради ва бу унинг синтактик функциясидир:

- 1) Apples are healthgiving and tasty.
- 2) His words, if taken literally, were hairraising, indeed.

2-модель A+PI (сифат+сифатдош)

Бу модел easy-going типдаги қўшма сифатларни ҳосил қилади. Айниқса, иккинчи компоненти –looking бўлган сўзлар кенг тарқалган : good-looking, nice-looking, odd-looking; hard-working, high-flying, wide-spreading, far-reaching, ect.

3-модель Pr.a+PI (all+ сифатдош)

Бу модел all-embracing, all-affecting, all-tolerating, all-arounding, all-binding, all-destroying, all-pervading каби сифатларни ҳосил қилади.

4-модель Adv+PI(равиш +сифатдош)

Бу модел far-seeing, never-ending типдаги қўшма сифатларни ҳосил қилади.

Иккинчи компоненти равишдош(PII) бўлган қўшма сўзлар.

1-модель N+PII (от+равишдош)

Бу модел асосида ясалган қўшма сўзлар, айниқса, илмий-техникавий ва публицистик матнларда учрайди. Мас.,” Англо-русский ракетно-космический словарь” луғатида 440 та ракета ва бошқариладиган снарядларнинг номлари келтирилган ва улардан 70 таси N+PII(от+равишдош) модели асосида ҳосил бўлган отлардир. Мас., air-borne, aircraft-launched, cable-controlled, coffin-stored, command-controlled, gravity-powered, jeep-mounted, shouder-fired.

- Бу моделдаги сўзларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:
 - 1) Мотивлашган тип
 - 2) Мотивлашмаган тип
- ✚ Мотивлашган гуруҳга оид бўлган сўз компонентлари янги қўшма сўзнинг тўғридан-тўғри маъносини изоҳлаб келади: state-financed=financed by the state; US-made = made in the US; war-damage = damaged during war; paper-made = made of paper; science-based=based on science.
- ✚ Мотивлашган гуруҳга оид бўлган сўз компонентлардан қўшма сўзнинг янги маъносини англаб бўлмайди, балки умуман янги маъноси сўз ҳосил бўлади: punch-drunk = showing signs of concussion from repeated blows(боксдаги нокаут ҳолати); custom-built= made to the customer's specifications(буюртма маҳсулот).

2-модель A+PII (сифат+равишдош)

Бу модел soft-spoken, clean-cut, clean-shaven, deep-drawn, far-gone, foreign-builtтипидаги қўшма сифатларни ҳосил қилади.

3-модель Pr.a+PII (all+равишдош)

Бу модел all-admiredтипидаги қўшма сифатларни ҳосил қилади.

4-модель Adv+PII (равиш +равишдош)

Бу модел well-bred, well-dressedтипидаги қўшма сифатларни ҳосил қилади.

Иккинчи компоненти предлог (Prep.)бўлган қўшма сўзлар.

1-модель V+ Prep (феъл+ предлог)

Бу модель асосида ҳосил бўлган сўзларнинг биринчи компоненти феъл сўз туркуми ва иккинчи компоненти предлогдан иборат бўлади. Бу қўшма сўзларнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, улар конверсия натижасида ,

одатда от сўз туркумли сўзларга ўзгаради. Мас., drive-in (cinema) = очик хаводаги кинотеарт.

Инглиз тилининг деярли 70% ни фразеологик феъллар (Phrasal verbs) ташкил қилади. Бу феълларнинг деярли барчаси қуйидаги модель асосида ҳосил қилинади шу сабабли бу модел унумдор моделлар сафига киради. Мас., teach-in, pass away, put on, sit in ect.

Иккиваунданортик компонентлардан ташкил топган қўшма сўзлар .

Бу турдаги қўшма сўзлар, аслини олганда , қатъий сўз бирикмалар сирага киради. Уларни компонентлар таркибига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1-модель N+Prep+(Article) + N

Бу модель икки натижалидир:

- 1) N+Prep+(Article) + N=N (от натижали) : man-of-war (ҳарбий кема), mother-of-pearl (садаф), theatre-in-the-round (амфитеатр);
- 2) N+Prep+(Article) + N=A (сифат натижали) : payment-by-the-result (agreement), face-to-face (meeting).

2-модель N +and + N

Бу модель атрибутив турдаги қўшма сўзларни ҳосил қилади. Мас., mother-and-baby (shop), man-and wife (income). Бу турдаги сўзларни ўзбек тилига таржима қилганда, улар жуфт сўзларга айланади. Сабаби жуфт сўзлар тенглик асосида ясалади.

3-модель A+ to+ V

Бу модель ҳам атрибутив турдаги сўзларни ҳосил қилади. Мас., easy-to-use (фойдаланишга қулай), difficult-to-learn (ўрганишга қийин).

Умуман олганда, кўп компонентли моделларнинг барчасини санаб ўтишнинг иложи йўқ. Сабаби ҳар бир фразеологик бирикма атрибутив қўшма сўз вазифасида келиши мумкин. Мас., do-it-yourself, once-a year, all-too-evident, hold-a-lot-of-beer (cup).

III - боб. Ўзакларнинг сўз яшаш ва валент хусусиятлари.

3.1 Асосларнинг сўз яшаш ва бириктирувчанлик (валентлик) хусусиятлари

Ясама сўз қурилиши аниқ модел типларини белгилашда ясовчи асосларнинг сўз ясашиш имкониятларида ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Улар бизга фақат бирор-бир морфологик- лексик гуруҳга мансуб асослардан иккинчи бир лексик-морфологик ясалмалар ясашиши ҳақида маълумот беради, холос. Шундай экан, асосларнинг сўз ясашиш имкониятлари улар ифодалайдиган лексик-грамматик маъноларга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, энг юқори имкониятли асослар от ва сифат асослар ҳисобланади. Чунки улардан бир пайтнинг ўзида от, сифат, феъл ва равишлар ҳосил бўлиш мумкин. Ундан кейинги ўринини феъл асослар эгалайди. Феъл асослардан от ва сифатларга мансуб сўзлар ясалади. Равиш ва сон асосларга келсак, улар кучсиз сўз ясашиш имкониятига эга асослар деб қаралади.

Асосларнинг суффиксли морфемага кўра ўз сўз ясашиш имкониятларининг умумий моделлари аниқ типларга бўлинади. Уларда ясовчи асос ясалмани яқинлигини кўрсатади, суффикс эса унинг ўша туркумдаги бошқа сўзлар билан муносабатга киришишини белгилайди. Негизларнинг субстантив қаторига кўра сўз ясашиш имкониятини қўйидаги модел турлари бўйича кўрсатиш мумкин.

- ist, -er, -itl va b. → -N personal

Rn + d1 ----- - dom, - hood, - ism → N concrete

- ery, - age, - er → N personal

Ra + d1 ----- -er, - ster, - ist-→personal
- ness, -itl, -ism → abstract

Rv + d1 ----- - er, - or, -II va b. – Nagen-es(personal)

-age, -al, - ing va b. – abstract.

Барча қаторларга кўра ўринларни тўлдириб борилиши ёхуд негизнинг ўз сўз ясаиш имкониятини намоён қилиши кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, у лингвистикёки экстралингвистик сабаблар билан асосланади. Нарса маъносиниифодалайдиган саналмайдиган номлар от асослари ўз семантик хусусиятларига кўра мавҳум маъноли от ясай олмайдилар, ёки шахс маъноли от негизлар аниқ маъноли от ясашда суст, нисбий сифат негизлар эса аниқ маъноли от ясашда умуман иштирок этмайди, тўлиқсиз феълдан онда-сонда мавҳум маъноли от ясаш мумкин (у ҳам бўлса конверсия орқали). Ясама қатор аъзолари ўринини тўлдириб бориш характери ва уларнинг сон таркиби асоснинг бирикувчанлик (валент) хусусиятига боғлиқ, шу туфайли тилда суффиксиал синономия бартараф этилади. Бу нарса бир қатор ҳаракат номлари тахминиди яққол кўзга ташланиши мумкин. Чунки бу сўз ясаиш қаторида аффиксал синонимия ифодалайди. Ҳаракат номлари таркибида *-iery, - ment, - ion, - ation, - age, - at, -ance,-ence,-ery,-yre, -th* суффикслари ажратилади. Бирок айрим феъл негизларига уларнинг барчаси бирикиб келавермайди. Чунки негизининг суффиксга нисбатан танлаш хусусиятининг мавжудлиги уларнинг қўшилишига тўсиқ бўлади ва натижада суффиксиал синонимия бартараф этилади. Бу қоида барча асосларга хос бўлиб, баъзи ҳолларда айрим сўз ясаиш имкониятига эга бўлмаган асослар ҳам бунга бўйсунди. Агар бирор бир негиз бу хислатларни ўзида мужассамлаштирган бўлса, унда у сўз ясаишидан ҳисобланмайди (агарда тилда система учун янги сўз ясаиш маъносини ифодаловчи модел туғилмаса).

Худи шу нарса қадимги инглиз тилида от ва феъллар учун хизмат қилган *-ee* суффиксли моделда кўрилган (*escape, nominill, refugee*). Асоснинг яшаш имконияти унинг лексик - грамматик маъносига боғлиқ эканлиги префиксиал сўз яшашда ҳам ўз кучини сақлайди. Масалан, бўлишсизлик маъносини ифодаловчи префиксли моделларни одатда от негизлар шакллантиради (*unable, untruth, irretalent, incapacity*). Бу маъноли префикслар феъл негизлар билан боғланмайди, чунки феълларда бўлишсизлик аналитик йўл билан, яъни not ёрдамида ясалади.

Бу ходисани Г.Марчанд атрофлича ўрганиб чиққан. Унинг фикрича, феъл негизлар 17 та, от негизлар эса 59 та префикс билан бирикиб кела олади.³⁰

Санок сонли префикслар (*twi-, bi-, mono-, multi-, diapoli-, tri-*) феъл негизлари билан муносабатга киришмайди. Худди шу нарса кенг маъноли префиксларда ҳам кузатилади. (*retro-, eri-, pan-*).

Феъл негиз олиб келадиган префикслар от негизлар билан боғланиш мумкин, у ҳам бўлса феълдан ясалган отлар орқали амалга оширилади. Негиз факторига таъсир кўрсатувчи иккинчи фактор – унинг сўз ясалиш моделидир. Сўз ясалиш жараёнида асоснинг ўнг ва чап томонига кўра кенгайтирилиши чексиз эмас, шунинг учун бўлса керак, ҳар бир туркум ичида ясама қурилишли асослар учун ўзига хос сўз ясалишида тўсиқлар мавжуд бўлиб, ундан ташқари асоснинг сўз ясалиш имконияти формали белгига кўра нолга тенг бўлади. Масалан, ясама қурилишда префикснинг мавжудлиги унинг префиксли сўз яшашда қатнашишини чеклайди. Бу томондан улар префиксацияда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган қўшма сўзларга ўхшаб кетишади, бироқ суффикс билан сўз яшашда бу ҳодиса умуман бошқача.

Суффикс билан ясалишида сўз ясалиши тўсиги икки факторга боғлиқ:

А) Сўзда префикслар сони ва сўнгги суффикс. Унга қўйидаги от чўққили сўз ясалиш уяси мисол бўла олади. 745 та сода от негизлардан (барча қаторларга кўра) 671 таси сўз ясалишига кўра фаолроқ бўлиб чиқади. Ясалманинг биринчи

³⁰Н. Marchand , The categories and types of present-day English word-formation, Wiesbaden, 1960, p.48

босқичига мансуб 363 асосдан уянинг сўнгги кенгайишларида 40 та негиз қатнашади, ясалмаликнинг учинчи босқичини ҳосил қилишда эса отга 7 негиз (беш феъл ва икки сифат) қатнашади, холос.

Б) Субстантив от негизлар от ясашиш қаторида ясалмаликнинг иккинчи босқичида сўз ясашишига кўра сушт феъл ва сифат қаторига кўра фаолроқ. Сифат ва феъл ўзак асослардан ясалган номлар эса ясалмаликнинг тўртинчи босқичида сўз яшаш имкониятини йўқотади. Негизнинг чап томонига кенгайишига сўз ясашиш тўсиғининг мавжудлиги суффикснинг тартиби ва суффиксиал кетма- кетлик билан алоқадор. Бу тобелик сўзнинг морфема таркиби сатҳига кўра Р.Г.Зятковский томонидан тикланган.Сўнгги суффикс яшаш асосининг яшаш имкониятини чеклаб қўяди. Охирги тартибда бўлмаслик эса негиз имкониятини тўсмайди, аммо уларни аниқ суффиксиал чизмалар учунгина чегаралаб қўяди. Феъл ва сифат ясовчи суффикслар охирги бўлмаган (нотерминал) суффиксларга киради, ҳолбуки, ясама феъл ва сифатларнинг яшаш асоси сўз ясашишига кўра ясалмаликнинг иккинчи, учинчи айрим ҳолларда тўртинчи босқичларида ўз сўз яшаш фаоллигини сақлаб қолади: *cottonization, Americanization, rigorousness, commerciality.*

От ясовчи суффикслар тенг бўлмаган икки гуруҳга кўра тақсимланадилар. *Биринчи гуруҳ* ва энг каттаси ҳисобланган сўнгги тематик тартиб суффикслари (**-dom, -hood, -ship, -ness, -ity,- ment,- al, -ster,- ling** ва бошқалар) ташкил этади: dukedom, brotherhood, friendship, ugliness, necessity, merrymen, refusal.

Иккинчи гуруҳни эса сонга нисбатан унча кўп бўлмаган ҳажимдаги нотематик суффикслар ташкил этиб, улар асосан яшаш асосига кўра феълдан от ясовчи воситалардир: **-er,-or, -ll,- ion, -action,- ance** (keepership, waitress, directorete, absentism, exhibitionism, presentationism) . Бу масалани атрофлича ҳал қилиш учун Р.Г.Зятковскийнинг ишлари керакли маълумот бера олмайди, чунки унда бу масала морфологик сатҳга кўра олиб қаралган бўлиб, у сўзнинг сўз яшаш қурилишини эътиборга олмайди. Фарқи шундаки, маркерларни (сўз ясашиш сатҳига кўра ажралмайдиган морфемалар) яшаш асосининг фаоллигига таъсир қилмаслиги ҳам мумкин. Инглиз тилининг сўз ясашишида суффикслар тартиби

ва суффиксиал кетма-кетликлар ҳалигача махсус ўрганилганича йўқ. У ,сўзсиз ҳам умумназарий томондан, ҳам соф амалий жиҳатдан жуда муҳимдир.

Сўз таркибига кирувчи бирликлар сонини бошловчи сўз тузилиши ва структураси билан иш кўрувчи тўсиқ тилнинг бошқа барча соҳаларида ҳам мавжуд бўлиб, улар олимлар томонидан атрофлича текшириб кўрилган ва керакли мулоҳазалар билдирилган.

Статистик кузатишларга қараганда, сўзнинг морфема таркиби ва уларнинг қўлланивчанлик хусусияти орасида маълум миқдорда алоқадорлик мавжуд. Иккидан ортиқ морфема таркибли сўзлар паст қўлланилиш характериға эға бўлади. Сўзнинг қўлланилиш характеристикаси (хусусияти) унинг семантик таркиби ҳажми билан бевосита алоқадор. Сўзнинг қўлланилиш ҳажми қанча баланд бўлса, ушунчалик ўз семантик таркибини кенгайтиради, (яъни кўчма маъно ҳисобига). Сўз семантик структурасида вариантлик қанча бой бўлса, у ҳам сўз яшаш имкониятигашунчалик кўп эға бўлади. Шунинг учун ҳам ясама ва қўшма сўзларға қараганда содда сўзларнинг сўз яшаш имконияти устун ҳисобланади. Бирор бир ўзакнинг иккинчи бир суффикс билан бирикиши учун улар орасида семантик мутаносиблик мавжуд бўлиши зарур, акс холда улар бир - бирлари билан сўз ясалиш муносабатига кириша олмайди. Қулайшароит юзаға келиши билан янги муносабат воқе бўлиб, у яна сўз ясалишда қатнашиб кетаверади. Буни равиш ясовчи **-ly суффикси** мисолида кўрса бўлади. Нисбий сифатларға - ly қўшиб равиш ясалиши учрамайди. Лекин нисбий белги маъносидан кўчма сифат белгиси ажралиши билан номутаносибликка чек қўйилади ва тўсиқ бартараф этилади. *Масалан, wooden "ёғоч, жонсиз"- woodenly "ўликона" (рус. неуклюжо) stony "қаттиқ", "совуқ" (кўчма маънода) - stonily "совуқ", "қаттиқ"*.

Айрим сўзларда бажарувчишахс маъноси ҳосил бўлиши билан ўша асоснинг аёл ва эркакларға нисбатан бўлган маънодаги сўз ясалишида иштирок этишға йўл очилади: Wait - waiter - waitness; impersonate- impersonator - impersonatress. Асоснинг сўз ясалиш имконияти тарихан ўзгарувчандир. Қадимги инглиз тилида феъл асослар ўнг томонға кенгайишида ҳаракат номи, шахс номи ва

фeълни хосил қилган. Ҳозирги тилда эса парадигмалар фeъл каторидан тушиб қолиб, унинг ўрнига ўрта аср инглиз тилида сифат катори шаклланган. Демак, фeъл ўзак-асослардан сифат ясалишиш у даврга хос. Ҳар бир асоснинг сўз яшашдаги имконияти ясалмаларда ўз аксини топади. Шундай экан, ўзак имконияти билан ҳар бир лексик-морфологик гуруҳга мансуб асосларга хизмат қилувчи суффикслар сони ва уларнинг фаоллиги (асосларнинг умумий сонига қараб белгиланувчи) орасида бевосита тобелик мавжуддек туюлади. Табиатан эса бу ундай эмас. Кўпчилик суффикслар одатда от асослар билан бирикиб келади, улардан эса от, сифат, фeъл ва равиш ясайди. Сифат асослар билан бирикувчи суффикслар эса сонга нисбатан камроқ, аммо улар хамтўрт қатор ясалмалар беради. Фeъл асослар ҳам сифат қанча суффиксга эга бўлса, шунча суффикслар сонига эга. Бироқ улардан икки қатор от ва сифат қаторига кўра ясалиш воқе бўлади. Суффиксларнинг бунақанги десубстантив, деадъектив ва дивербал сўз ясалишига кўра тақсимланиши асосларнинг имкониятига қараб эмас; (от ва сифатларда у бир хил) балки сўзларни лексик - грамматик турларига (сўз туркумларга) тақсимловчи умумий маънога кўра белгиланади. От асосларнинг кўпчилик суффиксларни танлашига сабабшундаки, улар предметлик маъносига эга, бу эса уларни:

А) Шахс оти, мавхум от, от нарса оти, жамловчи маъноларни ва эмоционал бўёқли отларни ясалишини;

Б) Турли хил семантикали сифатлар ясалишига; (предметлик маъноси осонлик билан аслий ва нисбий белгига ўтишга мойил, от асослар тилда ясама сифат ясаб, тилнинг луғат бойлигини бойитувчи манба бўлиб хизмат қилади);

В) Фeъл ясалишига (чунки ҳаракат предмет белгиси билан мотивланади, тилнинг луғат таркибининг бойиб бориши эса десубстантив фeъллар ҳисобига амалга оширилади) йўл очиб беради.

Белги маъноси билан ҳарактерланувчи сифат асослар семантик нуқтаи назардан чекланган. Улар юқори фаолликка белги, холат маъноларидаги от ясалганда эга бўлишади. Шахс маъносини ифодаловчи отларни улар айрим ҳоллардагина ясаши мумкин (-ist суффиксли модель доирасида), ясама

сифатларни эса улар белги даражаси маъноси, билан мотивлаши мумкин. Феъл яшаш имконига эга бўлатуриб, улар буни камдан-кам амалга оширишади. Бу ўринда уларга предикатив аъзоли сифатдош ифодалаган мураккаб от-кесимлари рақобат қилади. Феълнинг семантик белгиси- ҳаракатдир. Бу маъно эса феъл асосларга ҳаракат номлари, бажарувчишахс номи ва сифатларни яратишда чексиз имконият беради. Феъл асосларининг сўзясалиш фаоллигида семантик тўсиқ нисбатан камроқдир. Демак, асосларнинг сўз ясалиш имкониятининг амалга ошиши уларнинг семантик маънолари билан боғланади, унинг атрофида тўпланувчи суффиксларнинг сон таркиби, маълум даражада, сўзларни лексик морфологик гуруҳга бириктирувчи умумсемантик гуруҳга боғлиқ бўлади.

Боғлиқликнинг бу сон ифодаси суффиксли синономия ҳисобига пасайиши мумкин, чунки айнан бир сўзнинг ясалиш маъноси камдан-кам ҳолларда биргина суффиксга беркитилган бўлади. Отдан феъл яшашда тўрт суффикс ва конверсия иштирок этади, Бироқ отдан ясалган сўзлар бир-биридан турли нутқ услуби бўйича тақсимланишига кўра ажратиб туради. Шунинг учун субстантив асос феъл қаторини битта ясама ҳисобига шакллантиради. От ўзақлар нафақат бошқа туркум сўзларини яшашда кўпчилик суффиксларни ўзига тортади, балким отдан от ясалганда ҳам, ёки бошқа турдаги асослардан ҳам от ясалганда кўпчилик суффикслар иштироки билан ажралиб туради. Ясама от гуруҳида биринчи ўринда ҳаракат миқдори, иккинчи ўриндашахс номи ва учинчи ўринда эса ҳолат ёки ҳаракат номи туради. Шунга мос равишда, сонига кўра кўпчилигини абстракт ҳаракат номи вашахс оти ясовчи суффикслар ташкил этади.

Инглиз тилида ясама отга нарса маъносини олиб кирувчи махсус суффикс йўқ. Нарса маъносини англатувчи ясамаларнинг ҳосил бўлишида феъл негизлар манба бўлиб хизмат қилади ва улар асосан феълдан ясалади. Феълдан ясалган отларда асосан ҳаракат ва ҳаракат натижаси маънолари осонгина предмет маъноси бўлиб ўқилади: announcement (эълон), insurance (суғурта). Барча тилларда отлар жараён, натижа, қурол ва ҳаракат содир бўладиган жой каби

маъноларни ифодалаш мумкин. Сўз ясалишида яшаш асосининг фаоллиги унинг имкониятига қараб эмас, балки унинг тилда алоқа талабига кўра ҳосил бўлувчи дериватларнинг ясалишида иштирок этиш даражасига кўра белгиланади. Феъл асослар от ва сифат қаторининг шаклланишида потенциал имкониятга эга. Биринчиси амалга ошганда ҳам, иккинчиси ўзгаришсиз сақланиб туради. Улар уни амалга ошириши мумкин, аммо тил учун бу тузилиш ва семантикали сўз керак эмас. Бу бошқа восита орқали ҳосил бўлиб, тилда мавжуд бўлиб туради. Бу ўринда олимлардан **Ф.В.Харвуд ва Элисон.М.Райгларнинг** олиб борган статистик изланишлари диққатга сазовардир. Уларнинг фикрига кўра асосларнинг сўз ясалиш фаоллиги қуйидагича: 2039та феъл ўзакдан 1681 та от яшашда, 339та сифат яшашда ўз имкониятини ишга сола олган; 2111 от асосдан 613та от ва 1150та сифат яшашда иштирок этган; 841 та сифат асосдан 716та от ва 30та сифат ясалган.

Юқорида берилган таснифларда асосан моделнинг янги сўз яшашда иштирок этиш қобилияти, ўз имкониятини ҳали ишга солмаган сўз яшаш асосларининг келажакда сўз яшашда иштирок эта олиш ёки эта олмаслигининг даражаси, асоснинг сўз ясалиш кўрилиши ёки морфем таркиби белгисига кўра танланишини бошқарувчи формал чекланишлар эътиборга олинади. Ўзакнинг янги сўз яшаш қобилияти умумийлик тушунчаси билан бирга олиб қаралади. Келажакда сўз ясалиши ёки ясалмаслиги ҳодисаси эса ясовчи асос сўз яшаш имкониятини характерлайди ва моделни ташкил этувчи компонентларга боғлиқ бўлади. Асос танлашнинг формал чекланишлари тарихан тилнинг сўз ясалиш нормасининг шакллана бориши жараёнида юзага келади (бир хил сўз ясалиш маъносига эга бўлган моделларга кирувчи суффиксларнинг ортиқча бўлиб қолиши). Синхрон системада кўра туриб, улар эскидан ясалган ёки тилга тайёр ҳолда кирган ясама сўзларга тарқалмаслиги ҳам мумкин. Бу хусусиятларга кўра ҳозирги тилда иш кўрувчи сўз моделларини 4 турга ажратилади:

1. Олдиндан башорат қилса бўладиган, унумли, шаклан чекланмаган модел турлари;

2. *Олдиндан башорат қилса бўладиган, унумли, шаклан чекланган модел турлари;*
3. *Унумсиз, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган, шаклан чекланган модел турлари;*
4. *Унумсиз моделлар.*

Биринчи турга мансуб моделлар ўз синонимига эга бўлмаган суффиксларни ўз ичига олади. Улар тилда якам-дуккам учрайди, масалан, равиш ясовчи *-ly*, тартиб сон ясовчи *-th* суффикслари. Уларда қандайдир семантик ёки фонологик характердаги тўсиқ мавжуд бўлади, лекин: уларнинг ҳаракат доираси чекланган бўлади. Масалан, *-able* суффиксининг синоними йўқ. Бу билан *-able* истаган феъл асосидан сифат ясайди деган хулосага келиш нотўғри. Уни ўтимсиз феъллар билан алоқага киришиши осонроқ ҳисобланади. Масалан, *agreeable*, *perishable* феълларидан ташқари барча ўтимли феъллардан яшаш мумкин. Феъл сўз яшашда формал чекланмаган суффикслар деб *-er* ва *-ing* суффиксларини кўрсатиш мумкин. Улар келиб чиқишига кўра турли хил бўлган феълларга эркин бирикиб, ҳаракат номи ва мураккаб кўрилишда агент-шахс номи отларини ясай оладилар. Бу дериватларнинг семантикаси жуда тиниқ бўлиб, кўрилиши мунтазамдир. Шунинг учун бўлса керак, улар айрим луғатларда берилмайди. Бу хусусияти билан улар форма ясалиш моделларига яқин туради. Формал чекланган моделларга асос танланиши негиз охирининг фонологик табиати, сўнгги морфемнинг тематик ва сўз ясалиши корреляцияси билан боғлиқ бўлган чекланишларга хос бўлганлари киритилади. Сўнгги бўлмаган нотематик суффиксларни олиб келувчи асослар содда асосларга қараганда кам танланиш хусусияти билан характерланади. Унинг танланишига сўнгги морфема тўсиқ бўлади. Роман-герман тилларига оид суффикслар олиб келган сифат асослар фақат *-ness* суффикси билан бирикиб, абстракт от ясайди. Масалан, *ruthlessness*, *fearsomeness*, *womanliness*, *gloominess*, *pitifulness*, *foolishness*; *-ist* суффикси орқали от ўзак морфемалардан ясалган отлардан фақат *-ic* суффикси орқали сифат яшаш мумкин: *atomistic*, *socialistic*,

formalistic; - *ate* суффиксли феъллар -*ion* муффиксига бирикиб, от ясаиди: *creation, frustration, formation*; - *er* суффиксли агентив от асос ижтимоий мавке ёки биргалик маъносини англатадиган от ясаида одатда - *ship* суффиксидан фойдаланилади: *controllershship, soldiership, ownership*. Баъзан -*dom* суффиксли ясамалар ҳам учраб туради: *plantredom, minterdom*. Формал чекланганлик сўнги морфемали асосларда ҳам сўз ясалиш корреляцияларида ҳам учраб туради. Яқинлигини билдирувчи сўзнинг сўнги морфемаси коррелятив моделда қисқаришга учрайди. Масалан, - *ism* суффиксли абстракт (мавхум) отлардан -*ist* суффикси орқали шахс оти ясаиш мумкин: *pessimism-pessimist, optimism-optimist, baptism-baptist*; -*ant* суффиксли сифатлардан одатда -*ance/-ence* суффикслари орқали мавхум отлар ясаиш мумкин: Масалан, *ignorant-ignorance, negligent-negligance, different-difference*. Баъзан асос ихтиёрига бир нечта синоним суффикслар берилиши мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг танланишига тўсиқ қилиб тилда қайси сўзнинг энг аввал ҳосил қилинганлиги олинади ва ўнга қараб белгиланади. Чунки у қаторга синонимик ёхуд ортиқча сўз ясалишини таъминламайди.

Субстантив асос одатда битта феъл ҳосил бўлишида иштирок этади. Бу ҳолат конверсия орқали ясалган феъл ёки - *ire, -ate* ва - *ify* суффиксли феъллар билан банд бўлиши мумкин. Вахоланки, тил бир қаторда бир нечта ўзакдош феълларнинг иштирок этиш ёки киришидан қочишга ҳаракат қилади.

Продуктив олдиндан айтиб бўлмайдиган ва формал чекланган моделлар таркибига фақат бир тузилишли негизлар танлайдиган суффикслар киради. Улар тилда оз учрайди, аста-секинлик билан кўпайиб боради, асос келганда эса улар худдишу маънодан бошқа суффиксларни танлай олмайдилар. Бу моделларшуниси билан машҳурки, улар таркибида суффикслар кейинчалик унумсизланади. Суффикслар қанчалик кўп негизлар билан бирикиб сўз ҳосил қилса, уларшунча кўп яшайди, агар қанчалик оз сондаги негизлар билан бирикса, ушунчалик унумсизланади. Инглиз тилидаги туб феъл асос - негизларнинг фаоллигини белгилашда уни турли лексик-морфологик гуруҳдаги

асосларнинг фаоллиги билан таққосланади, ёки бўлмаса, бир гуруҳга мансуб турли морфологик типдаги асослар фаоллигига қиёс қилиб олинади вашунга қараб белгилади. Феъл асосларини олиб қарасак, улар от яшашда юқори фаоллик билан ҳарактерланади, от ва сифат негизлар эса анча сустроқдир. Сифат яшашга келсак, феъл асослар от асосларга караганда кам ҳаракатчан. Асос - икки режали birlikдир. У бир томондан деривацион парадигманишакллантиради, янги сўзлар ҳосил қилишда иштирок этади, иккинчи томондан эса ясалмалар таркибидан ажралиб, ундан ясалган сўзлар кўрилишида ажралувчи статистик элемент бўлиб қатнашади. Негизда динамик ва статик хусусиятларнинг бирикканлиги уларнинг ясовчи негиз бўла олиш ёки бўла олмаслигида кўринади (яъни, сўз ясалиш фаоллигига эга бўлмасдан туриб айрим таркибга кўра ясама бўлган сўзларда ажрала олиши).

Ясамалар қисмланиши даражасига кўра икки гуруҳга ажралади: **тўлиқ қисмланувчи ва тўлиқсиз қисмланувчи сўзлар**. Шунга мос равишда улар таркибида учрайдиган негизлар ҳам иккига бўлинади: **эркин негизлар ва боғлиқ негизлар**.

- Эркин негизлар янги сўз яшаш кучига эга ва деривацион парадигма таркибини белгилаб беради. У вақтинча ўз имкониятини ишга солмаган такдирда ҳам тил нормаси уни қачонлардир парадигмадаги бўш жойни эгаллаган олиш имкониятига эга эканлигини кўрсатади.
- Боғлиқ негизларга келсак, улар фақат сўз таркибининг тузилиш бирлигидир, холос. Улар суффикслар томондан танланиш имконини йўқотган, сўз ясалишига кўра пассив ходисалардир. Улар кўпинча: ўзлаштирма сўзлар таркибида учрайди: donor-donary-donate, mys~ery-mystle-mystify, corporal-corporeal-corporate. **-don-**, **myst-**, **corpor-** типдаги асослар. ўзак морфемаданшуниси билан фарқ қиладики, уларнинг деривацион кўршовчи улар ифодаланиши зарур бўлган лексик-грамматик маъноларини тенглаштиради. **-ary**, **-ate**, **-ic**, **-ery**, **-ify** лар тўплами *don-* ва *myst-* негиз асосларининг субстантив от табиатли эканлигидан гувоҳлик

беради.

Категориал маънога ишора қилишнинг маъносишундаки, уларда суффиксли шакллана олиш имкони борлиги гумон остига олинади, тўлиқсиз қисмланувчи тузилишли ясалмаларда боғлиқ асос лексик томондан тўлиқ маънолибирлик деб қаралмайди, бу эса унинг сўз ясалиш жараёнидаги мустикалликни чеклайди, ундан маҳрум қилади ва сўз ясалишига кўра фаол ҳодисага айлантиради. Ноль потенциалли боғлиқ негизлар тайёр ҳолда бошқа тилдан олинган ўзакдош сўзларда ажратилади. Уларни шакллантирувчи суффикслар эса инглиз тилида корреляцион боғли сўз ясалиш чизмаларида ўрнаша олмаган ва улар ўртасида ясалмалик муносабати йўқ. Боғлиқ негизлар сўз ясалишига кўра фаол ва танланиш имконига эга бўлган айрим тўлиқсиз қисмланувчи ясалмалар қурилишининг тарихий қисми бўлиб келиши ҳам мумкин. *Бу турдаги асослар соф инглизча моделлар учун умуман ёт тушунчадир. Улар бир пайтлари инглиз тили латин тилидан кўплаб сўз олганидек, латинча асосда инглиз сўз ясалиш моделларининг тикланиш даврида модель таркибига ўрнашиб олган элементлардир. Асос қуйидаги ҳолларда иш кўради: қисқариш натижасида ёки сўз ясалиш вариациясида. Асос қуйидаги ҳолларда қисқаради:* суффиксли морфема асоснинг охириги қисми устига қопланиб тушади: *recoverrecovery, glory-glorify; -nomy, -logy* таркибли отларда сўнги *-y* тушиб қолади: *astronomy- astronomer, geology- geologist*. Агарда асос охирида бирорта суффикс бўлиб, у сўзнинг ўнг томонга кўра кенгайишига тўсик бўлса, унда сўз ясовчи морфемаларнинг кучли таъсири остида тушиб қолади ва бошқа суффиксларга ўрин очилади. Бунга *-us, -um, -a, -in* суффиксларининг қисқаришига учраши мисол бўла олади: *bacillus- bacillary, , fungus-fungous, fungal-fungoid, curriculum-curricula, stratum-stratify, cerebrum-cerebral, minimum-minimal-minimize, anaphora-anaphoric, euphoria- euphoric, emphasis-emphasize, parenthesis-parenthesize; -ate -ance, -ant, -able* таркибли ясалмаларда тушиб қолади: *tolerate-tolerance-tolerant-tolerable*; лекин айрим *-ate* асосларга боғланиб қолган ясалмаларда тушиб қолмайди: *toleration*.

Асоснинг вариацияга учраши сўз ясалишда товуш тушишига ҳам сабаб бўлиши мумкин: *difference-differential, react-reaction, possess-possessional*; асос охиридаги суффиксиал морфеманинг унли товуши тушиб қолиши мумкин: *ambassador-ambadress, songster-songstress* ёки урғу тушиши туфайли сонантдан унлини ажратиб талаффуз қилиш: *immovable-immovability, durable-durability* ёки деривацион парадигма чизмасига кўра сўз ясалишида эркин асос вариантнинг иштирок этиши: *admit-admission-admissible-admissive, stigma-stigmatic-stigmatism-stigmatize*. Демак, асос сўз ясалиш фаоллигига кўра эркин (сўзга тенг келувчи) ва тобе турларга бўлинади. Сўз ясалишида асосий ўринни маркер тузилишли асослар эгаллайди.

Маркерлар сўз таркибидаги қолдиқ элементлар ҳисобланади. Маркерлар сўз таркибидан ажралмайди, сўз ясалишига кўра ясалмалик муносабатини ифодаловчи восита бўлиб хизмат қила олмайди. У фақат содда сўзни қайси бир категориал турга мансублигини кўрсатади, холос.

Бу ходиса аввалари морфологик тахмин атамаси билан номланиб келарди, яқинда эса уни маркер термини билан атай бошлашди. Таниқли тилшунос олима **И.П.Иванова** маркер атамасига қуйидагича изох беради: *"Под приметой анонимичной суффиксу понимается звуковой комплекс, совпадающей с суффиксом, по отсечении которого не остается производящей основы, соотнесенной хотя бы еще с одним словом в данном языке"*. Сўз ясалиш фаоллигига кўра маркер тартибли ўзаклар эркин асосларга яқин туради, танланиш хусусиятига кўра эса суффиксли ясамаларнинг ўзагига яқин туради, чунки у худди суффикс каби негизнинг айрим имкониятларини чеклаб қўяди. Феълларда маркернинг кенг тарқалган вакили деб *-атемаркери* тан олинган. Худди шунга ўхшаш вазифани *-esce* морфемаси бажаради. Бундай морфемли сўзлар тилда жуда камчиликни ташкил этади. Масалан, *colesce, convalesce*. Қадимги француз тилидан олинган сўзлар (феъллар) таркибида ажралувчи *-ish* морфемаси ҳозирги замонавий инглиз тилида маркерлик хусусиятини йўқотган. (*publish, burnish* ва б.ш.қ.) Сўз тузилиш таркиби бирлиги негиз билан

сўзни ҳосил қилувчи моделни чеклантирувчи ўзак орасида қисман бўлса ҳам фарқ бор. Шунинг учун ҳам деривацион парадигмаларни баён этишда негизларни сўз ясашиш фаоллигига кўра характерлаб бериш мақсадга мувофиқ деб қаралади ва уларни катта икки гуруҳга- *сўз ясаишда фаол* ва *сўз ясаишда фаол бўлмаган ўзак* турларига ажратилади. Сўз ясаишда фаол негиз турига барча эркин негизлар ва айрим сўз ясаиш вариациясига учраган негизлар киритилади.

Иккинчи сўз ясаишда пассив турига эга бошқа тилдан кирган сўзларнинг сўз ясаиш уясида сақланиб қолган, ҳозирги кунда эса янги ясамалар учун ўзак вазифасини бажара олмайдиган бир қатор боғлиқ негизлар киради. Улар қаторидан айрим ўзакдош сўзлар уясида учрайдиган ясамалик муносабати инглиз тили сўз ясаиш нормасидан ташқари содир бўлган, субстракт тилда қолиб кетган ўзак турлари ҳам жой олади.

Х У Л О С А

Айрим сўзларни бириктириш йўли билан янги сўз яратиш тилдаги энг қадимий усуллардан бири бўлиб, у ўзбек тилининг тараққий этиш натижасида яна ҳам кенгайди, сўз яшашнинг энг маҳсулдор усуллари билан бирига айланади.

Ҳозирги замон ўзбек тилида – илмий – фалсафий, техника ва қишлоқ хўжаликига оид асарларда, вақтли матбуотда, шунингдек сўзлашув тилида, оид асарларда, вақтли матбуотда, шунингдек сўзлашув тилида, хуллас қайси бир соҳада бўлмасин, предмет- тушунчаларни ифодалаш учун сўзларни ўзаро қўшиб қўшма сўз ҳосил қилиш усули кенг суратда қўлланилмоқда. Тилда қўшма сўзларнинг кенг ёйилиш табиийдир, чунки шу йўл билан маълум тил материаллари асосида янги сўз ҳосил қилиш имконияти туғилади.

Қўшма сўзлар асосида луғат фонди базаси ясалади ва тилнинг луғат таркибини янги лексик маъно ифодаловчи сўзлар билан бойитади. Ўзбек тили луғат таркибини айниқса саноат ва қишлоқ хўжалиги, савдо ва транспорт, техника ва фаннинг тўхтовсиз ўсиб туриши ва тараққиёти натижасида жуда кўп қўшма сўзлар билан бойитади. Ўзбек тилида қўшма сўзлар асосан турли сўз бирикмаларидан туғилади. Шунинг учун уларнинг элементлари худди сўз бирикмалари сингари маълум тартибда бирикади / аниқловчи+ аниқланмиш, тўлдирувчи + кесим, ҳол + кесим, эга + кесим/. Бирор бирикма қўшма сўзга айланганда , унинг таркибидаги элементлар орасида синтактик алоқа йўқолади. Уларнинг бири иккинчисини аниқламайди, балки янги лексик маъно ифодалайди.

Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма сўзларнинг характерли белгилари қўйидагилардан иборат:

1. Айрим қўшма сўз таркибидаги элементлар орасида фонетикўзгаришлар юз беради /жаранглилашиш, жарангсизлашиш, товушларнинг тушиб қолиши, бир товушнинг иккинчи товуш билан алмашиши ва ҳ.к.з./ Мана шундай фонетик ўзгаришлар натижасида баъзи қўшма сўзларнинг элементлари тамоман бирикиб, бир сўз тусини олган бўлади. Уларнинг таркибидаги сўзларни фақат лингвистик

анализ йўли билан аниқлаш мумкин. Масалан: бугун- бу+кун, эркемар- эчки+емар, чувдўппи - чув + дўппи/ Чўстдўпписи/, бошмалдоқ- бош+бармоқ, шумғиё- шум+ғиёх, Сотиволди- сотиб+олди, холавачча- холла+бачча ва ҳ.к.з.

2. Қўшма сўзлар одатда бир бош урғу олади ва урғу охирги элементнинг сўнги бўғинида бўлади: гулбоғ, Тўйитепа, gunpowder, breadbasket ва ҳ.к.з.

3. Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг элементлари одатда боғловчисиз бевосита бирикади, инглиз тилида эса аксинча улар қўшиб, ажратиб ёки чизикча билан ёзилади: Дехқонобод, Оқтош, Учариқ / cat bird),(cat-bird),(catbird)ва ҳ.к.з. Аммо айрим ҳолларда қўшма сўзларнинг элементлари баъзи бир қўшимчалари билан ўзаро бирикувчи ҳам мумкин: бир / а / тўла, бош / и / берк ва ҳ.к.з.

Қўшмасўзларнинг элементлари ё туб, ёки ясама бўлиши мумкин: қилтомоқ, меҳнатсевар, Куйган ёр, тинчликсевар ва ҳ.к.з.

4. Қўшма сўзларнинг характерли белгиларидан яна бири шундан иборатки, икки ва ундан ортиқ сўз / ўзак/ қўшилиб, ўзининг айрим маъносидан ташқари бошқа янги лексик маънони ифодалайди. Масалан, тутмайиз бирикмасида икки сўзининг маъносидан ташқари учинчи маъно- бошқа хил мева англашилади. Инглиз тилида эса қўшма сўз таркиби бир ёки икки компонентли бўлади, ундан ортиғи фақатгина фразеологик бирикмаларда учрайди: man-of-war(ҳарбий кема), mother-of-pearl (садаф), theatre-in-the-round (амфитеатр).

5. Бирор бирикманинг қўшма сўз бўлиш ёки бўлмаслигини белгилашда интонациянинг ҳам роли бор. Сўз бирикмаси пауза ўрнига қараб ҳар хил бўла олади. Сўз бирикмаси орасида қисқа пауза бўлади, қўшма сўз таркибидаги элементлар орасида пауза бўлмайди, биринчи элементга нисбатан иккинчиси тезроқ айтилади.

6. Қўшма сўзлар гапда бир вазифани бажаради, яъни улар гапда яхлит ҳолда бош ёки иккинчи даражали бўлак бўлади. Сўз бирикмасининг таркибидаги элементлар эса айрим-айрим вазифани бажаради.

Ҳар иккала тилда қўшма сўзлар асосан икки сўз / ўзак/ нинг ўзаро қўшилишидан тузилади. Иккидан ортиқ элементлилари жуда кам.

Элементларнинг маъно ва грамматик хусусиятига кўра, қўшма сўз икки қисмдан иборат. Аммо улар қўшилиш усули жиҳатидан турлича бўлади. Бу жиҳатдан қўшма сўзлар икки асосий типга бўлинади:

1/ Бош ва эргаш сўзли қўшма сўзлар : отқулоқ, туяқуш, итоғиз, бешиктерватар, қозон ювғич, greatest- ever, nearby ва .х.к.

2/ Элементлари грамматик муносабатга киришмаган қўшма сўзлар: ҳар бир, ҳеч бир, ҳар қандай, ҳар қанча, 10,000-strong (demonstration) ва х.к.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган қўшма сўзларнинг манбаига- уларнинг таркибий қисмларига назар ташласак, уларнинг ўз тилимиз луғат фонди базасида, шунингдек бошқа тил элементларидан ташкил топганлигини кўрамиз. Қўшма сўз элементларининг ўзаро бирикиш хусусияти бир ҳил эмас: баъзи қўшма сўзлар фонетик жиҳатидан бир сўз тусига келиб қолган, баъзилари эса ҳали тамоман бирикиб кетмаган. Бу жиҳатдан уларни уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1/ Биринчи гуруҳга элементлари маъно ва грамматик жиҳатдан жуда бирикиб кетган ва шу билан бирга, бир сўз шаклига келиб қолган қўшма сўзлар киради: бугун, бошмалдоқ, шумғиё, Тошкент, девзира, типратикан, билакузук, Деҳқонобод, Янгиобод ва х.к.з.

2/ Иккинчи гуруҳга элементлари ҳали тамом бирикиб кетмаган лексик- синтактик типдаги қўшма сўзлар киради: темир йўл, тош йўл, хашаки жийда ва х.к.з.

3/ Учинчи гуруҳга синтактик – морфологик типдаги қўшма сўзлар киради: ишбоши, кўп болали, беш йиллик, темир йўлчи, қорақўлчилик ва х.к.з.

Ҳар иккала тилда қўшма сўзларнинг элементлари қандай сўз туркумидан бўлишига қарамай, уларнинг тузилиши- ўзаро бирикиш тартиби қўйдагича:

1/ турли хилдаги аниқловчи тип, 2/ предикативли тип, 3/ элементлари ўзаро грамматик муносабатга киришмаган тип, 4/ изофали тип, 5/ турли турдаги морфологик тип ва х.к.з.

Қўшма сўзларнинг таркиби турли сўз туркумларидан ташкил топади. Таркиби маълум сўз туркумларидан ифодаланишига қараб, қўшма сўзлар / қўшма от,

сифат, олмош ва равиш/ бир неча типларга бўлинади. Бу типларнинг баъзилари сермахсул, баъзилари каммахсул ва баъзи бирлари махсулсиздир.

Қўшма олмош ва қўшма равишларга қараганда, қўшма от ва қўшма сифатлар жуда кўп. Уларнинг ясалиш типлари ҳам турлича. Қўшма от ва қўшма сифатлар ўзбек тили луғат таркибидаги қўшма сўзларнинг кўпчилигини ташкил этади.

C O N C L U S I O N

of the research work on the Compound words in English and Uzbek languages performed by Islomova Latofat

The research work performed by Islomova Latofat is devoted to the problem of comparative study of the nature of Compound words in English and Uzbek the ways of translating and expressing them in modern English & Uzbek. In her research work she treats the compound words as one of the most important part of speech taking an active part in the process of communication. The thing is that the compound words in the comparing languages present some difficulties the key answer to which can hardly be found in the existing textbooks on grammar of both languages. It's true that the compounds are studied in the being divided into compound words and word combinations. But the nature of compounds the which we study in this work is worked out as a free part of speech, consisting of two or sometimes more stems. In her research work we decided to pay more attention to the study of profitable models of compounds.

The dissertation consists of an Introduction, three chapters and general conclusions. At the end of the work we offered the list of suggested readings on the subject-matter of my research work. In accord with the amount of the chapter each chapter contains some paragraphs, moreover, each chapter contains its own conclusions, concerning the matter under discussion.

Introduction includes some ideas on the importance of studying the compound words from the comparative – typological point of view. It also mentions the reasons of choosing the theme of my research work, its urgency, and its practical and theoretical value.

The first chapter of the research work is titled as “Compound words in modern English and Uzbek”. It describes the features of compounds as an independent part of speech, their semantic classification. It divides the compound into (1) two separate words (cat bird); (2) hyphenated compound (cat-bird); (3) a single word (catbird)”.

Each type of compound is treated from different point of view to its great extent.

The second chapter deals with the “Classification of compounds according to the parts of speech”. In both languages compound words are classified into completely motivated, partially motivated compounds because we can guess their meaning partially. The compounds in which the connection between the meaning and the structure and the meaning of components of compounds cannot be seen from the meaning of its components are called non-motivated compound words. Ex: wall-flower – a woman who remains at wall and is not invited to dance. Night –cap – drink taken before going to bed at night.

Also the semantic relations between stem and wordformational connections are being learnt in the third chapter of the work.

Conclusions contain very important recommendations for English learners and teachers how to overcome the difficulties while studying the nature of the English and Uzbek compounds.

Examples for describing and reasoning our ideas are taken from original English, American and Uzbek literature.

The list of suggested readings on the problem under discussion contains more than 60 units.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. **Каримов И.А.** Баркамол авлод орзуси,- Т.,1999, 18- бет
2. **Каримов И.А.** Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози,Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари, Т.,2009,- 56 бет
3. **Каримов И.А.** «Куч – билим ва маърифатда» 2003 йил. 7 май, «Маърифат» газетаси. №37.
4. **Азарх Н.А.** Сложные прилагательные в современном английском языке.Канд.дисс.М.,1953.- 234 б.
5. **Азарх Н.А.,Новакович А.С.**Некоторые вопросы анализа сложных слов. “Уч.зап.ИМО”,серия филол.наук,1963,вып.2. – 200 б.
6. **Арутюнова Н.Д.**Сложные имена существительные и способы их образования в современном испанском языке. Канд. дисс. М.,1953. – 295 б.
7. **Аракин В.Д.** Сравнительная типология английского и русского языков.- Л.,1979.- 197 б.
8. **Арнольд И.В.** Лексикология современного английского языка.- М.,1959.- 346 с.
9. **Ахманова О.С.**К вопросу об отличии сложных слов от фразеологических единиц(на материале английского и шведского языков).»Труды Ин-та языкознания АН »,1954,т.4.- 160 б.
10. **Ахманова О.С.,Смирницкий А.И.** Образование типа stonewall, speechsound в английском языке. ”Доклады и сообщения Ин-та языкознания АН”,1952,вып.2. – 36 б.
11. **Ахманова О.С.** Некоторые закономерности построения английской речи.»Научные доклады высшей школы»,филол.науки,1961,№4. 50 б.
12. **Ахманова О.С.** Словарь лингвистических терминов. – М.,1966. – 608 б.
13. **Банкевич Л.В.** Способы образования сложных глаголов в современном английском языке., “Уч.зап. Ленинградского ун-та” серия филол. наук, 1959, №253,вып.45.- 280 б.

- 14. Бархударов Л.С.** Очерки по морфологии современного английского языка.- М.,1975.- 55 б.
- 15. Болховитинов В.В.** Семантика образований состоящих из двух основ и суффикса –ed в современном английском языке. Канд.дисс.Л.,1967. 126 б.
- 16. Борисенко И.И.** Отыменные сложные глаголы в современном английском языке.Канд.дисс.Киев,1973.145 б.
- 17. Бўронов Ж.** Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси.–Т.,1973.- 70 б
- 18. Виноградов В.В.** Словообразование и его отношение к грамматике и лексикологии. Избранные труды,исследование по русской грамматике,- Наука,М.,1975.- 321 б.
- 19. Гак В.Г.** Сопоставительная лексикология,- М.,1977.- 76 б.
- 20.Гликина Е.А.** Акцентное строение сложного слова в современном английском языке.Канд.дисс.М.,1953.- 150 б.
- 21. Григорьев В.П.** Несколько замечаний к дискуссии», Филологические науки»,1959,№2. – 80 б.
- 22. Григорьев В.П.** О взаимодействии словосложения и аффиксации. -ВЯ, 1961,№5.- 95 б.
- 23.Григорьев В.П.** О границах между словосложением и аффиксацией.ВЯ,1956,№4.- 100 б.
- 24.Егоров В.Г.** Словосложение и его значение в истории языка. “Уч.зап. Чувашского пед.ин-та”,1953,вып.1. – 168 б.
- 25. Жидко Е.Л.** К вопросу о синтаксико-семантических отношениях между компонентами немецких определительных сложных существительных. «Вопросы лингвистики и преподавания иностранных языков в техническом вузе». Ростов-на-дону,1969.- 208 б.
- 26. Жирмунский В.М.** О границах слова. ”Морфологическая структура слова в языках разных типов”, М.-Л.,1963.- 312 б.

- 27.Иванова И.П.** О принципах анализа сложного слова в современном английском языке.- «Исследования по английской филологии», сб.Ш Л.,1965.- 271 б.
- 28.Иванова И.П.** О характеристике сложного слова типа rainbow в английском языке. “Вопросы структуры английского языка в синхронии и диахронии” Л.,1967.- 254 б.
- 29.Кубрякова Е.С.** О соотношении парадигматических и словообразовательных рядов в германских языках.- Историко-типологические исследования морфологического строя германских языков.- М.,1972.- 173 б.
- 30. Калистова И.В.** Словосложение и основосложение. “Уч.зап. ЛГУ”, 1961, №301, вып.60.- 74 б.
- 31.Кукольщикова Л.Е.** Фонетическая характеристика сложных слов и атрибутивных словосочетаний в современном английском языке, Л.,1968, т.27, вып.1.- 64 б.
- 31. Лейзерсон О.Д.** К вопросу о «грамматичности» сложного слова. - ВЯ,1969,№1.- 380 б.
- 32. Лопатин В.В.,Улуханов И.С.** О некоторых принципах морфемного анализа слов (к определению понятия сложного слова в русском языке), ОЛЯ,1963,т.27,вып.3.- 206 б
- 33. МедниковаЭ.М.** Seminars in English lexicology.- М.,1978.- 122 б.
- 34. Мешков О.Д.** Словообразование современного английского языка.- М.,1976. – 89 б.
- 35. Мешков О.Д.** Сложные слова типа «существительное+причастие II» в современном английском и некоторые закономерности их образования, Канд.дисс.М.,1970.- 108 б.
- 36. Мешков О.Д.** Словарь-справочник сложных слов типа «существительное+причастие II (английский язык)». М.,1970.- 120 б.

37. **Мешков О.Д.** Двучленные термины (N+N) в английской научной литературе и структура их русских эквивалентов. «Преподавание иностранных языков. Теория и практика». М., 1971.- 129 б.
38. **Мешков О.Д.** Сложные слова типа air-free в английской научной и публицистической литературе (к вопросу о «теории соотносительности сложных слов и словосочетаний»). «Преподавание иностранных языков и его лингвистические основы». М., 1972.- 204 б.
39. **Никошкова Е.В.** Соотносительность сложных слов и словосочетаний (на материале современного английского языка). «Уч. зап. 1-го МГПИИЯ», 1969, т. 52.
40. **Омельченко Л.Ф.** Структурно-семантические модели глаголов композитов и особенности их функционирования. Канд. дисс. Киев, 1971.- 165 б.
41. **Павлов В.М.** Субстантивное словосложение в немецком языке. Докт. дисс. Л., 1973.- 200 б.
42. **Потапова И.А.** Сложные существительные в английском языке. Л., 1949. - 85 б.
43. **Поротиков В.И.** Сложные и сложнопроизводные существительные с глагольным элементом в современном английском языке. Канд. дисс. М., - 1974.- 215 б.
44. **Родзевич Н.С.** Словосложение в современном английском языке. Канд. дисс. Киев, 1950.- 145 б.
45. **Ряшенцев К.А.** Сложные слова в современном русском языке., Докт. дисс. М., 1968.- 135 б.
46. **Степанова М.Д.** К вопросу о синтаксической природе словосложения. «Уч. зап. 1-го МГПИИЯ», 1959. т. 19.
47. **Степанова М.Д.** Словообразование и семантические системы (на материале немецкого и английского языков). «Структурно-типологическое описание современных германских языков». М., 1966.- 554 б.

48. **Степанова М.Д.** Словосложение и современном немецком языке., Докт.дисс.Л.,1960.- 196 б.
49. **Фидровская А.С.** Замечания по вопросу об отношении частей внутри сложного слова. «Уч.зап. Казанского гос. Ун-та».1956,т.116,кн.2.
50. **Хидекель С.С.** Сложные слова и свободные словосочетания в современном английском языке. «Уч.зан.фак-та иностранных языков Орловского Гос.пед.ин-та».(Курск),1969,т.63,вып.3.
51. **Хидекель С.С.** К вопросу о словосложении в современном английском языке. Канд.дисс.М.,1945.- 204 б.
- 52.**Ҳожиёв А.** Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Тошкент, Фан.1963.- 95 б.
- 53.**Ҳожиёв А.** Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. Т., Ўқит., 1979, 79 б.
54. **Царев П.В.** Сложные прилагательные типа blue-eyed.Канд.дисс.М.,1950.
55. **Чиркова О.Я.** К вопросу о сложном слове типа «существительное + существительное» в современном английском языке., Канд.дисс.М.,1955.- 250 б.
56. **Шевчук В.Н.** Деривационная структура отглагольных словообразовательных гнезд в в современном английском языке,-АДК.,1973. – 273 б.
57. **Щербак А.М.** Очерки по сравнительной морфологии тюрских языков,- Л.,1977. – 321 б.
58. **Шейдеман Г.И.** К вопросу о структурно-семантическом анализе сложных существительных и о переводе их на русский язык. «Труды Ун-та дружбы народов им. П .Лумумбы» Языкознание,1967,т.22,вып.2.
59. **Шубин Э.П.** К вопросу о сложном слове и словосочетании в английском языке. «Уч.зап. Пятигорского педагогического института»,1955,т.10.
- 60.**Ўзбек тили грамматикаси.**I т., Морфология. Т., Фан. 1975, 608 б.
61. **Arnold I.V.** The English word,-1986. - 384 б.
62. **Ball Alice Morton.** Compounding in the English language.N.Y.,1971.- 269 б.

- 63. Bergsten N.A.** A study on compound substantives in English. Uppsala diss.,1911.- 143 б.
- 64. Blokh M.Y.** A course in Theoretical English Grammar. Изд. Высшаяшкола.1983. - 57 б.
- 65. Bloomfield L.** An Introduction to the study of Language. N.Y. 1914 p 120-131
- 66.. Buranov J.B, Yusupov U.K, Iriskulov M.T, Sodikov A.S.** The grammtical structure of English, Uzbek and Russian. Tashkent, Ukituvchi p1, 1986 p 308.
- 67. Brekle Herbert E.** Syntaktische Gruppe (Adjektiv+Substantiv) VS Kompositium im Modernen English. “Linguistics”,1966,№23.
- 68. Friese Ch.** American English Grammar. N.Y. L. 1940.-415 б.
- 69. Jespersen O.** The Philosophy of Grammar. London 1935.- 544 б.
- 70. Jespersen O.** A Modern English Grammar p 1, 1909-1954, 5, 560. London-Copenhagen.
- 71. Hatcher A.G.** An Introduction to the Analysis of English Noun Compounds. “Word” 1960,№16.
- 72. Hornby A.S.** Oxford student’s Dictionary of current English,- Moscow-Oxford,1984.
- 73. Ginzgurg et al.** A course in modern English lexicology, N.Y., 1979.- 320 б.
- 74. Khaimovich B.S.,Rogovskaya B.L.** A course in English grammar, -M.,1967.- 138 б.
- 75. Lees R.B.** The grammar of English nominalizations. Indiana University,1960-367 б.
- 76. Lees R.B** Problems in the grammatical analisys of English nominal compounds.”Progress in Linguistics”. Ed. By M. Bierwish and K. E.Heidolph. The Hague ,1970. 296 б.
- 77. Marchand H.** The categories and types of present-day English word-formation. Wiesbaden, 1960. – 145 б.
- 78. Marchand H.** The categories and types of present-day English word-formation, Ed.2. Munchen, 1969.- 86 б.

- 79. Sweet H.A.** A new English Grammar, Logical and Historical. Oxford, 1974.- 543
б.
- 80. Sack F.L.** The structure of English. A practical course for Foreign students,
Berne-France, 1954.
- 81. Schenweghs J.** Present-day English. Syntax. London 1959.